

ДЖУРАЕВ Р.Х., ТУРГУНОВ С.Т.,  
АХМЕДОВА Н.К.

# ТАЛЬИМ БОШҚАРУВИ

(назария ва амалиёт  
масалалари)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВ Р.Х., ТУРҒУНОВ С.Т., АХМЕДОВА Н.Қ.

**ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИ**  
**(назария ва амалиёт**  
**масалалари)**

Мазкур ўкув кўлланма Халқ таълими тизими раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш курслари тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, кўлланмада умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари, бошқарув фаолияти модели, умумий ўрта таълим муассасаларида ташкилий тузилиш ва бошқарув тамойиллари, бошқаришнинг функция ва методлари, умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда ҳамкорлик, таълим муассасаларида бошқарув жараёнини такомиллаштириш омиллари, таълим муассасаси раҳбарларининг иш вақти ва ундан фойдаланиш, таълим муассасасини бошқариш технологиялари, бошқаришда инновацион фаолият, таълим муассасалари раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлиги, умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда ҳамкорликдаги бошқарув каби масалалар ёритилган.

Ўкув кўлланма А1-ХТ-1-33147 - "Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари" номли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш курслари тингловчилари учун "Таълим бошқаруви (менежменти): назария ва амалиёт масалалари" курси ўкув дастури асосида тайёрланган.

#### Масъул мұхаррир:

Х.Ф.Рашидов

- Педагогика фанлари доктори,  
профессор


#### Такризчилар:

Ш.Қ.Мардонов

- Педагогика фанлари доктори

Ш.Т.Халилова

- Педагогика фавлари доктори  
профессор



## КИРИШ

*Рахбар фаолиятини баҳоловчи бош мезон унинг ишни ташкил қила билиш қобилиятидадир.*

*И. А. Каримов*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ривожланишлар, таълим тизимини модернизация килиниши, инновацион технологияларни кенг ўзлаштирилиши, иктисодиётдаги ижобий ўзгаришлар, шунингдек, ўкувчиларниң қобилияtlари ва имкониятларига мувофик равишда таълимга табакалаштирилган ёндашувни жорий этилиши ҳамда таълим-тарбия жараёнларини дидактик жихатдан замонавий технологиялар билан таъминланиши таълимни бошқариш тизимини такомиллаштиришга асос бўлмоқда.

Демак, мамлакатимизда баркамол шахсни шакллантириш масаласи давлат сиёсати доирасига кўтарилган бўлиб, шахс, давлат ва жамият, таълим, фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб баркамол шахсни шакллантиришда умумий ўрта таълим муассасаларининг интегратив табиатига мос ривожлантирувчи стратегияларни танлаш ҳамда педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашга инновацион ёндашувларни қўллаш ва улардан мазмун-моҳиятига кўра тўғри фойдаланиш бугунги куннинг энг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Бу ўз навбатида, умумий ўрта таълим муассасалари (УЎТМ) раҳбарлари зиммасига таълим, фан, техника ва технологияларнинг жаҳон миқёсидаги ютукларини, янгиликларини татбиқ этган ҳолда педагогик жараённи илмий асосда ташкил этиш ва уни лойиҳалаш йўналишлари, шунингдек, бошқарув фаолиятида вужудга келаётган ноанъянавий муаммоларни ижобий ҳал этиш борасида турли янги вазифаларни юклайди.

Мазкур вазифаларни бажариш учун УЎТМ раҳбари таълим муассасида вужудга келадиган муаммоли вазиятларда ҳам раҳбарларга хос равишида, ўз ваколати доирасида фаолият кўрсатиши, жамоада мавжуд бўлган сунъий тўсик ва муаммоларни ҳал этишда, турли йўналишларда қарорлар қабул килишда жамоа фикрини ўрганиши, бошқарув жараённида тарбиявий муносабатлар мавжудлиги ҳамда тарбиявий муносабатларда "раҳбар" муносабатларининг кўп киррали эканлиги, бошқарув жараённида ўзаро бевосита таъсиrlар мавжудлигини эътиборга олиши муҳим аҳамият касб этади.

Демак, УЎТМ раҳбари бошқарув йўналишида компетентли, яъни таълим муассасасини бошқаришда инновацион ёндашувларга асосланадиган ва зарур педагогик ва психологик сифатларга эга бўлган, юқори даражада ўзини-ўзи назорат қила оладиган, шунингдек, шахслараро муносабатларда тарбиявий муносабатларни эътиборга оладиган ҳамда турли хил масалаларни ва муаммоларни ҳал этишда мавжуд ҳукукий-меъёрий мезонларга асосланадиган мутахассис бўлиши зарур.

Олдинги даврлардаги каби, бугунги кунда ҳам УЎТМ раҳбари ўз касбининг "сирларини" тўла билади (ёки билмайди), ўзининг

функционал вазифаларини тушуниб етади (ёки тушунмайди) ва ўз фаолиятини таҳлил қилиш орқали йўл кўйилган камчиликларни бартараф этиш асосида бошқарув фаолиятини такомиллаштириб боради (ёки эътиборсиз бўлади). Натижада УЎТМ раҳбарларини кўпчилигининг ўзини-ўзи ривожлантириш имкониятлари билан уларнинг бошқарув фаолияти, яъни касбий фаолиятига кўйилаётган замонавий талаблар ўртасида зиддиятлар вужудга келади.

Мазкур зиддиятлар педагогик жамоа раҳбарининг турғунлиникка нисбатан табиий интилишлари ҳамда эски тасаввурларидан воз кечиш, муҳим аҳамиятга эга бўлган, янги инновацион тизимни вужудга келтириш технологияларини амалиётга татбиқ этишга мажбур қиласди. Бу ўз навбатида раҳбардан инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ функцияларни бажариш ҳамда мавжуд муаммоларни жамоа аъзолари билан биргаликда, коллегиал ҳал қилишни ташкил этиш фаолиятини такомиллаштириш, бир сўз билан айтганда касбий компетентлилигини ривожлантириш заруратини белгилайди.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилиги бошқарув йўналишидаги тушунчалари даражаси, малакаси ва тажрибаси, ташкилотчилик, омилкорлик, коммуникативлик ва креативлик қобилиятлари, унинг ўзини-ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим муассасасини бошқариш йўналишидаги шахсий имкониятлари орқали белгиланади.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилиги таълим муассасаси олдига кўйилган максадларга эришишда таълим муассасасини ривожлантириш учун хизмат қиласиган инновацион ғояларни амалга ошириш ҳамда жамоа аъзоларининг ҳамкорликдаги инновацион фаолиятини ташкил этишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Бошқарувда компетентлилик замонавий илмий тадқиқотларда фалсафий дунёкараш, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳият, яъни УЎТМ раҳбарининг касбий имкониятлари салоҳияти сифатида кўриб чиқиласди. Мазкур салоҳият фаолиятнинг бошқарув обьектига йўналтирилганлиги ҳамда бошқарув обьектининг ижтимоий муҳитдаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Шундай экан, УЎТМ фаолияти самарадорлигини ошириш учун таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, касбий компетентлилигини ривожлантириш йўналишида ташкил этиладиган режали малака ошириш курслари билан бир қаторда, таълим муассасаларида узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш, яъни раҳбарлар учун алоҳида маҳсус курслар, ўқув-семинарлари ташкил этиш зарур. Шунингдек, таълим муассасаларида раҳбарлар ва педагог ходимлар учун узлуксиз малака ошириш хоналарини ташкил этиш ва ўқув-методик маҳсулотлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

# **І БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ**

## **1.1. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ташкилий тузилиш**

Таълим муассасаси олдида турган мақсадларга эришиш мазкур таълим муассасалари раҳбарлари, педагоглар бошқа ходимларнинг биргаликдаги самарали фаолияти, яъни ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишини назарда тутади. Бу эса ўз навбатида ҳамкорликдаги фаолиятни маълум бир изчиликда мувофиқлаштиришни, яъни таълим муассасасида муайян ички тартиб-қоидаларни ўрнатилишини талаб қиласи.

Ички тартиб-қоидалар ташкилий тузилиш шаклида намоён бўлади ва таълим муассасаси раҳбарлари, педагог ходимлари ҳамда бошқа ходимлар бажарадиган вазифалар йўналишини ва мазкур вазифалар ўртасидаги нисбатни (ўзаро бўйсунишни) белгилаб беради.

Ташкилий тузилишга кўра таълим муассасасининг юкори бўғини (раҳбарлар) билан куйи бўғини (ижрочилар) ўртасидаги масофаанинг катта-кичиклиги - поғонавийликни ифодалайди, яъни раҳбар билан оддий ижрочи ўртасидаги масофа қанчалик катта бўлса (даражалар сони) таълим муассасаларидаги поғонавийлик даражаси шунчалик катта бўлади (1-расм).

Поғонавийлик даражаси қанчалик катта бўлса таълим жарабёнини ташкил этиш ва унинг натижавий самарадорлиги шунчалик паст бўлади. Таълим муассасасида тузилма ташкилий мақсадларга эришиш учун ташкил этилади. Тўғри, таълим муассасаси ҳар бир ходимиининг эгаллаб турган лавозимига кўра вазифалар таксимланса ва улар ўз функциялари йўналишида масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда самарали фаолият олиб борса ижобий натижаларга эришиши мумкинлар.

Лекин, ташкилий тузилишга кўра поғонавийликнинг катта бўлиши, шунингдек, умумий мағбаатларни кўзда тутувчи фаолиятнинг ташкил этилмаслиги натижасида жамоа аъзолари ўртасида салбий мухит, яъни бу тадбирни ташкил этиш амалиётчи психологнинг вазифаси, бу йўналиш - маънавий ва маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарининг вазифаси, бу эса - етакчининг вазифаси деган тушунчалар ҳамда "менга нима?", "ҳар бир киши ўз вазифасини бажариб кўйсин-да!" каби "сенники", "меники" "тамойиллари"нинг вужудга келиши таълим муассасасида мураккаб муаммоли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин.



1-расм. Таълим муассасаси бошқарувини функционал ташкил этиш чизмаси.

Ташкилий тузилиш бошқарув фаолиятида анча кулайликлар яратади ва уни самарали ташкил этишининг асоси ҳисобланади, чунки таълим муассасадаги педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқаришга ҳамда умумий фаолиятга ички барқарорлик бағишлади. Ташкилий тузилишга кўра анъанавий тамойиллар асосида меҳнат тақсимотини амалга оширилишида бажариладиган вазифаларнинг йўналишлари буйича таълим муассасаси ходимлари уч тоифага: раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларга бўлинади.

Таълим муассасаларида бажариладиган вазифаларнинг йўналишлари буйича раҳбарларга таълим муассасаси раҳбари, раҳбар ўринбосарлари ва бошланғич синфлар буйича илмий булим мудири, шунингдек, ўз йўналиши буйича хўжалик ишлари бўлими бошлигини ҳам киритиш мумкин.

Мутахассислар ва ижрочилар маъмурий хокимиятта эга бўлмасалар-да, педагогик жараёнларни илмий асосларда ташкил этиш ва мазкур жараёнлар натижавийлигини таъминлашда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган йўналишларда мутахассис ва ижрои сифатида фаолият кўрсатади ва ҳамкорликда бошқарув жараёнида иштирок этадилар.

Мутахассисларга таълим муассасаси психологи, услубиётчи ва тўгарак раҳбарларини, ижрочилар жумласига ўқитувчилар, тарбиячилар, ва хўжалик хизмати ишчи-ходимлари ҳамда ўз навбатида ўқувчиларни ҳам киритиш мумкин.

Таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш, белгиланган мақсадларга эришишда ҳамкорликдаги бошқарув мухим аҳамиятга эга бўлиб, бунда жамоавий бошқарув органлари ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг иштироки ва уларнинг фаоллиги ўзига хос аҳамият касб этади. Таълим муассасаларини бошқаришда жамоавий бошқарув органлари сифатида таълим муассасаси кенгаси, педагогик кенгаш, илмий-методик кенгаш, педагог ходимлар ва ўқувчилар вакилларининг конференциясини ажратиб кўрсатиш мумкин (2-расм).



2-расм. Жамоавий бошқарув органлари

Таълим муассасаси кенгаси навбатдаги ўқув йили учун тузилган муассаса иш режасини тасдиқлаш, ўқув режасига ўзгартириш киритиш ҳақидаги педагогик кенгаш тақлифларини кўриб чиқиши ва тасдиқлаши, хўжалик ва иқтисодий масалаларни ҳал қилиши, вазифасига кўра педагогик кенгаш педагогик жараёнларни ривожлантириш йўналишларини белгилаши, таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини ҳамда илфор педагогик тажрибалар ва педагогика-психология фанларининг ютукларини татбиқ этиши ва натижаларни баҳолаб бориши, илмий-методик кенгаш эса умумий тадбирларни, педагогик кенгашларни режалаштириши, ўқитувчиларнинг турли фаолиятларининг таҳлилий натижаларини кўриб чиқиши, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини, билимини жамоавий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, педагогик ҳафталар, назорат ва танловларни режалаштириши ва ўтказиши функционал вазифалар сифатида белгиланади.

Жамоатчилик ташкилотлари таркибига ўқувчилар кенгаси, касаба уюшма қўмитаси, методик бирлашма, ота-оналар қўмитаси киритилиши мумкин (3-расм).



3-расм. Жамоатчилик ташкилотлари

Касаба уюшма күмитаси касаба уюшма аъзоларининг хукуклари, манфаатлари ва қизиқишларини ифодалashi билан бир қаторда, ўз аъзоларининг касбий қизиқишлари, манфаатлари ва ижтимоий-мехнат хукукларини химоя қилиш, шунингдек, таълим муассасаси маъмурияти билан ўзаро келишувларга асосан меҳнат жамоасининг яшаш ва ишлаш шароитларига тааллукли бўлган масалаларни ҳал этиш учун ҳамкорликда фаолият кўрсатиши унинг функционал вазифаларини ифодалайди.

Таълим муассасасини ривожлантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштиришда яқиндан ёрдам кўрсатиш, таълим муассасасининг бошқа ташкилот ва муассасалар билан ўзаро фойдали ҳамкорликларини ривожлантириш йўналишида фаоллигини шакллантириш, таълим муассасасида таълим-тарбия самарадорлигини яхшилаш йўналишида тадбирлар уюстириш, шунингдек, таълим муассасасининг имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳомийлик кўрсатиш йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ота-оналар күмитасининг асосий мақсади ва вазифалари ҳисобланади.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг функционал вазифалари сифатида ўқувчиларнинг маънавий-маърифий ишлар йўналишидаги иштирокини, интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек, хукукий, демократик, ўзини-ўзи бошқарувчи таълим муассасасининг шаклланишига ёрдам кўрсатиш, ўқувчиларда бошқа шахсларнинг хукукларига нисбатан хурмат, фуқаролик бурчи, масъулият туйгуларини, ижтимоий фаолликни шакллантириш каби йўналишларни келтириш мумкин.

Методик бирлашмалар таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш йўналишида педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини кўтариш, педагогларнинг билим, кўнинка ва малакаларини ривожлантириш, илғор педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар тажрибаларини оммалаштириш йўналишида фанлар бўйича очик дарслар, олимпиада, конференция, фан кечалари ташкил этади ва ўтказади. Фанлар йўналишида ўқув

дастурлари, ўқитиш технологиялари ва методлари, баҳолаш мезонлари, таълим мазмунини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чикади ҳамда турли йўналишлардаги таълим муассасаси тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишга ёрдам беради.

Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариша педагог ходимлар фаолиятини мувофикалаштирилиши, таълим муассасаси барча ходимларининг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг асосда қониқиши хосил қилишлари, жамаодаги тўғри меҳнат тақсимоти, ходимларда ўз вазифаларига нисбатан масъулият ҳиссии шаклланиши, ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ташкил этилиши ва сифати, ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний жиҳатдан ривожланиши, яъни болалар спортини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда ўқув жараёнини ҳозирги замон талаблари даражасида илмий асосда ташкил этиш самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифаларини қай даражада тушуниб етиши ва амалга оширишига боғлиқ бўлади.

Таълим муассасаси раҳбари таълим муассасаси фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда таълим тизимини ривожлантириш ва бошқариш йўналишидаги директив ва меъерий ҳужжатлар асосида ташкил этади. Шунингдек, таълим муассасасининг бошқа раҳбарлари, мутахассислари, ва педагог-ходимлари, услубиётчи ва тарбиячиларининг фаолиятининг самарадорлигига, таълим-тарбия жараёнининг натижавийлигига, давлат таълим стандартларига ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган ракобатбардош мутахассислар тайёрлашга, шунингдек, унга ишонч билдирилиб топшириб қўйилган таълим муассасасининг хўжалик-молиявий ахволи учун давлат олдида жавобгар шахс хисобланади.

Таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган жамоавий бошқарув органлари ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятини мувофикалаштириш ва ҳамкорликда фаолият кўрсатиш билан бир каторда, таълим муассасасининг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниклади, таълим муассасаси ва ходимлар фаолиятини такомиллаштириш, инновацион фаолиятни ташкил этиш йўналишларида қарорлар қабул қиласи, қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қиласи. Шунингдек, отоналар, махалла қўмиталари, жамоатчилик, васийлик ташкилотлари, ҳомийлар ва бошқа корхоналар билан олиб бориладиган ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этади. Васийлик кенгаши ишида иштирок этади.

Педагог ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади, ваколати доирасида уларни аттестациядан ўтказишни ташкил

этади. Ўкувчиларнинг ДТС талаблари даражасида билим олишлари учун шарт-шароитлар яратади, педагогик жараёнларнинг сифатини, ўкув режалари ва дастурларнинг бажарилишини, ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини назорат қиласи.

Таълим муассасасига ўкувчиларни қабул килиш, кадрлар танлаш ва уларни ўз жойига қўйиш каби қатор вазифаларни бажарилишини таъминлайди. Таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш йўналишида инновацион фаолиятни ташкил этиш, инновацион жараёнларга ходимларнинг қизиқишиларини шакллантириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, очик дарслар, ўкув семинарлари, фанлар йўналишида олимпиадалар, фан кечалари ва конференциялар ташкил этишга раҳбарлик қиласи. Ўкувчиларни миллий урф-одатлар ва анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашга бошчилик қиласи.

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти ва хомийлардан (васийлардан) тушадиган бюджетдан ташқари маблағлардан унумли ва тӯғри фойдаланишини таъминлайди. Таълим муассасасини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнини замонавий техника ва ахборотлар технологиялари билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда, ўкув-моддий ашёларни ҳисобга олиш, саклаш ва тўлдириш, санитария-гигиена, техника хавфсизлиги ва ёнғиндан саклаш қоидаларига, меҳнатини муҳофоза этиш талабларига риоя қилишни таъминлайди.

Таълим муассасасининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди ва кадрлар билан таъминлаш ишларини олиб боради, мазкур йўналишда таълим муассасаси раҳбарининг асосий функцияси таълим муассасаси олдига қўйилган максадларга эришишда таълим муассасасининг ҳаётий фаолиятини таъминлаш бўйича бошқарув йўналишидаги масалаларнинг ижобий ечимини топиш, ҳал этиш ҳисобланади.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, амалдаги Конунилар ҳамда тегишли вазирликларнинг меъерий хужжатлари асосида таълим муассасасини бошқаришда ёшларни она-Ватанга садоқат, миллий ғурур, юксак ахлоқ ва буюк аждодлар маънавий меросига хурмат руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни режалаштиради ва бажарилишини таъминлайди, ўкувчиларнинг касбий тайёргарлигини тарбиявий ишлар билан биргаликда олиб боради.

Ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умумбашарий қадриятлари асосида мамлакатни, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни, миллатлараро

дўстлик, ҳамжихатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни саклаш, миңтақамизда яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий-маънавий тараққиёт илдизлари муштарак эканлигини тарғиб қилиб боради.

Диний экстремизм ва фундаментализмнинг асл моҳиятини ўкувчиларга очиб беради, ўкувчиларни мамлакатимизнинг умумбашарий маънавий бойликларга эга бўлиши ва дунёдаги асосий мағкуралар, эътиқод, ғояларни ўрганиши ҳамда уларнинг моҳиятини тушуниб етиши, уларда соғлом дунёқараш ва сиёсий маданиятини шаклластиришга раҳбарлик қиласди.

Таълим муассасасида соғлом мухитни вужудга келтириш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда зарурий шартшароитларнинг яратилишига кўмаклашади, таълим муассасасининг маънавий-маърифий ишларини такомиллаштириш йўналишида қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қиласди, мазкур йўналишда ташкил этиладиган тадбирлар режаларини ишлаб чиқади.

Таълим муассасасида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари бўйича маҳсус курсларнинг юкори савияда ўқитилишини таъминлайди ва бу асарларни ёшлар қандай ўзлаштирганликлари ва ундаги илмий ғояларга амал қилишини назорат қилиб боради. Ўқитувчилар томонидан ташкил этиладиган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар режаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди, мазкур тадбирларни ташкил этиш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш йўналишида илмий методик маҳсулотлар тайёрлайди. Гурӯх раҳбарлари, тарбиячилар ва гурӯх сардорларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўкувчилар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади, хукукий тарбияни кучайтириш мақсадида хукуқ-тарғибот органлари билан биргаликда тадбирлар режасини тузади ва доимий ҳамкорликда иш юритади.

Ўкувчилар томонидан муассасасанинг ички тартиб-коидаларига риоя қилинишини, ўкув муассасаси худудида тозалик тадбирларининг бажарилишини ташкил қиласди. Юртимизда бўлиб ўтадиган оммавий ҳалқ сайиллари, расмий байрамларни таълим муассасасида кенг нишонлашни таъминлайди.

Таълим муассасасида «Маънавият ҳоналари»ни ташкил қиласди, уларни жиҳозлаш, янги сиёсий маърифий адабиётлар, кўргазмали қуроллар билан доимий равишда бойитиб бориш ва тарбиявий ишлар самарадорлигини назорат қилиш билан бир қаторда, учрашувлар, кечалар, бахслар, мулокотлар, давра суҳбатлари ташкил этади.

Педагогик кенгаш йиғилишлари учун материаллар тайёрлайди, педагог кадрларни аттестациядан ўтказишда ваколати доирасида қатнашади, маънавий-маърифий ишларни,

таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади.

Ўқувчиларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда барча жамоатчилик марказлари, корхона, муассаса, ташкилот, илмий-ижодий уюшмалар, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ишлайди, ўқитувчилар билан биргаликда кечалар, оммавий спорт байрами ва ҳарбий ватанпарварлик тадбирларини тайёрлайди ва ўтказади, шаҳар, вилоят, республика миқёсида, шунингдек, ҳалқаро ва ўқув юртлариаро бўлиб ўтадиган кўрик-танловлар, беллашувлар, конференциялар, фая олимиадалари ва спорт мусобақалари, ўқувчилар спартакиадаларида иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш ва иштирокини таъминлашга раҳбарлик қиласди.

Таълим муассасаси тасарруфидаги кутубхона фаолиятини мувофиқлаштиради, уларни янги ўқув, илмий-методик ва бадиий адабиётлар, шунингдек, даврий газета ва журнallар билан таъминланишини назорат қиласди. Ўқувчилар билан олиб бориладиган тадбирларга ота-оналар, махалла қўмиталари, хукуктартибот органлари ҳодимлари ва жамоатчиликни кенг жалб қиласди, ўқувчиларнинг хукукий, сиёсий, маънавий онгини ошириб бориш учун уларнинг қизиқишига қараб турли мавзуу ва ўйналишлар бўйича тўгараклар ташкил этади.

Ўқув ишлари бўйича раҳбар ўринбосари (илмий бўлим мудири) таълим муассасасининг ўқув ишларини ташкил этиш ўйналишида педагог ҳодимлар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг жорий ва истиқбол иш режаларини кўриб чиқади, фанлар бўйича услубий бирлашмаларнинг ишини ташкил этади.

Педагогик кенгаш йиғилишлари педагогик жараёнларнинг самараадорлиги бўйича маълумотлар тайёрлайди, ўқув режалари ҳамда дастурларини бажарилишини, ўқувчилар билимининг сифатини ва рейтинг тизими асосида объектив баҳоланишини назорат қиласди, турли ҳал синовлар, шунингдек, давлат аттестациясини ўтказиш ишларини ташкил этади.

Ўқитувчилар ўқув юкламасини тақсимлайди ва бажарилишини назорат қиласди, ўқув машғулотлари жадвалини тузади ва бажарилишини таъминлайди, ўқитувчиларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этади, уларнинг малакаси ва касб маҳоратини оширишни ташкил этади.

Ўқув хоналари ва лаборатория машғулотлари хоналарини ҳозирги замон талабларига мос равишда, кўргазмали куроллар, ўқув-услубий кўлланмалар, компьютер техникаси ва бошқа ўқув-техника воситалари билан таъминлаш, фанларнинг ўқув дастурлари, дарсликлар билан таъминлаш, педагогик жараёнларга илғор педагогик тажрибаларни татбиқ этиш, ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш, илғор педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар фаолиятини оммалаштириш каби ишларни амалга оширади.

Таълим муассасасида таълим-тарбия жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига куладай шарт-шароитлар яратиш, ўқитиши методларини таанлаш, илғор педагогик тажрибалар ва технологияларни татбиқ этиш, таълим-тарбия жараёнларини лойихалаштириш, инновацион таълими мухитни шакллантириш йўналишларида таклифлар тайёрлайди ва қарорлар қабул қилишда иштирок этади.

Педагог ва тарбиячиларни малакаларини мунтазам ошириб бориш йўналишларида очик дарслар, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари, ўкув семинарлари ва конференциялар ташкил этади. Илғор педагогик тажрибаларни оммалаштиради ва тарғибот қиласди, педагог, тарбиячиларга услубий ёрдам кўрсатади, ўқитувчилар томонидан илғор тажрибани ўрганиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади, ўкув-методик бирлашма ва фан уюшмаси раислари ҳамда кутубхона ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боради, ўқитувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмасини ташкил қиласди, очик дарсларни ўтказишда методик ёрдам кўрсатади, ўкув фанларининг янгиликлари билан таниширади, ўқитувчи ва ўкувчиларга фанлар бўйича олимпиадаларга тайёрланишда амалий ёрдам кўрсатади.

Маъмурий-хўжалик ишлари раҳбари таълим муассасасининг моддий-техника базасини сақлаш, мустаҳкамлаш ва бойитиб бориш ишларига масъул ҳисобланиб, ўкув хоналари, лаборатория машғулотлари хоналарини зарурий жиҳоз ва дастгоҳлар билан таъминлаш, уларни белгиланган меъёрларга мос равишда жойлаштириш ишларини амалга оширади.

Ўкув ва лаборатория хоналарини техника хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган замонавий жиҳозлар, мосламалар, дастгоҳлар билан таъминланишини назорат қиласди. Педагог-ходимлар билан техника воситалари, дастгоҳ, жиҳозлардан фойдаланиш ва уларни саклаш ишлари бўйича тушунтириш ишлари олиб боради.

Ўкув хоналардаги мавжуд техника воситалари, жиҳозлар ва дастгоҳлардан тўғри фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши, меҳнат, электр ва ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена талаблари, иш вақти меъёрларига риоя этишини ташкил этади ва ёмалда бажарилишини назорат қиласди.

Техник воситалар, жиҳозлар, дастгоҳ ва асбоб-ускуналарни қисобини олиб боради ва техник хизмат кўрсатиш ишларини ёмалга оширади. Кўриқлаш ва ёнғиндан хабар берувчи сурималарини ўрнатиш ишларини ташкил этади. Амалдаги Ҳонунчилик асосида таълим муассасасининг моддий-техника Базасини асрар, технологик курилмалар, лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуна ва мосламаларни саклаш, улардан қиловна фойдаланишини таъминлаш мақсадида ҳар бир моддий

жавобгар шахс билан ўрнатилган тартибда шартнома тузади ҳамда тасдиқлаш учун раҳбарга тақдим этади.

Хўжалик хизмати ишчиларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, таълим муассасаси биноси ва ўқув ҳоналарини тозалигини таъминлаш, шунингдек, ўз вақтида капитал ва жорий таъмирланишини ташкил этиш ишларига раҳбарлик қиласи.

Психолог ўқувчиларнинг таълим муассасаси шароитига ис хологик мослашувини тезлаштириш, касбий қизиқишлари ва мойиллигини аниқлаш, индивидуал психологияк хусусиятларини ўрганиш мақсадларида танишув тестлари, савол-жавоблар, ишбилармон ўйинлар, семинар-тренинг, давра сұхбатлари, учрашувлар каби қатор тадбирларни ташкил этади.

Таълим муассасасида педагогик жараёнларни замонавий талаблар асосида ташкил этиш, субъектларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг ўз фаолиятидан қониқишиларни касбий қизиқишларини ривожлантириш, шунингдек, ўзлари танлаган касбнинг сир-асрорларини тўлиқ ўргатиш, педагог ва ходимларнинг меҳнатини илмий асосда ташкил этиш, уларга зарурый ва етарли шарт-шароитларни яратиш йўналишида ҳалакит берадиган сунъий тўсик ва муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўналишларида таклифлар тайёрлаш билан бир қаторда, мазкур муаммоларни ҳал этиш йўналишида ҳамкорликда бошқарувни ташкил этишга кўмаклашади.

Ўқитувчи таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик тажрибаларни, янги педагогик ва ахборотлар технологияларини татбиқ этиш, инновацион жараёнларни ташкил этиш йўналишида қарорлар қабул қилиш жараёнларида, яъни ҳамкорликдаги бошқарув жараёнида иштирок этади.

Ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини, маҳорат ва малакасини ривожлантиради, танланган касб, ихтисослиги ва ўқув фанлари бўйича чуқур билимларни, илмий дунёқарашни шакллантиради, таълим жараёнида ўқитишининг самарали усууллари, воситалари ва шаклларини, янги педагогик технологияларни кеяг кўллади, ўқитадиган фани бўйича дарсдан ташқари ишларни, тўғарак машғулотларини ташкил этади, ўқувчиларни билим сифати, ўзлаштириш даражаси ва дарсларга иштирокини назорат қиласи, ўқувчилар билан якка тартибда ишлайди, ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлайди.

Тўғарак раҳбари ўқувчиларни Ватанга садоқат, миллий ғурур, юксак ахлоқ, буюқ аждодлар меросига хурмат руҳида тарбиялашга, уларнинг қизиқишлари бўйича билим, кўнікма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни режалаштиради ва ташкил этади. Ўз соҳаси йўналишидаги

тўгарак ишларини ташкил қилади ва бошқаради, тўгарак машғулотларини олиб боради.

Ўкувчиларнинг касбий тайёргарлигини тўгарак ишлари орқали мустахкамлайди ва ривожлантиради, гурух раҳбарлари, тарбиячилар, ахборот ресурс маркази ходимлари, ота-оналар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради, тўгарак ишларини такомиллаштириш бўйича педагогик кенгашларга таклифлар киритади, тўгарак ишларини тарбибот қилади, ўкувчилар билан якка тартибда иш олиб боради, маданий-соммавий тарбиявий тадбирларни ўтказади, ўкувчилар ижодкорлигини акс эттирувчи бурчаклар ташкил қилади, ўкувчиларнинг ижодкорлик кўргазмаларида катнашишга жалб қилади.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланаб айтиш мумкинки, таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифаларини амалга ошириш жараёни таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва такомиллаштириш, унинг натижавийлигини таъминлаш, рақобатбардош мутахассислари тайёрлаш учун жамоада зарурий шарт-шароитларни яратиш, ўкувчилар ва педагог ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, таълим муассасаси билан маҳалла, ота-оналар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорликларини таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда ҳамкорликдаги бошқарувни жорий этишга йўналтирилган бўлиб, бунда, профессионал ва ижтимоий-психологик функцияларни раҳбар ходимлар томонидан амалга оширилишини кузатиш мумкин.

Чунки раҳбарларнинг ўз функционал вазифаларини бажариши профессионал функцияларини белгилайди ва бунда раҳбарлар профессионал-мутахассис сифатида доимо инсонлар билан муносабатда бўлади ва бу ўз навбатида раҳбарлик фаолияти ижтимоий-психологик функцияларни ҳам қамраб олишини ифодалайди. Бу функциялар маълум бир тизимда раҳбарнинг бўйсунувчилар билан мулоқоти жараёнида амалга оширилиб, бундай мулоқотлар бевосита ва билвосита (буйруклар, йўл-йўрик курсатиш, кўрсатмалар) шаклида бўлиши мумкин.

Таълим муассасасида раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда, белгиланган мақсадларга эришиш йўналишида ўз функционал вазифаларини самарали амалга оширишлари учун уларда масъулият хиссини шакллантириш, инновацион жараёnlарни ташкил этишга ва уларнинг натижаларига қизикиш уйғотиш, ўз меҳнат фаолияtlари натижаларидан тенг манбаатдор бўлиш ва кониқиши ҳосил килишлари учун шарт-шароитлар яратишда ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш, яъни инновацион жараёnlарни ташкил этиш орқали таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш

йўналишида турли хил масалалар юзасидан, турли даражадаги, мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра бир-биридан фарқ килувчи қарорлар қабул қилишда уларнинг фикрини ўрганиш ва таклифларини инобатга олиш, мазкур жараёнларда барча ходимлар иштирокини таъминлаш мақсадга эришиб йўналишидаги масалаларни ва муаммоли вазиятни ҳал қилишда мухим аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларини бошқаришда ўзига хос аҳамият касб этувчи ахборот-тахлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва тартибга солиш-мувофикалаштириш функцияларининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, таълим муассасаси раҳбарларининг ўз функционал вазифаларини бажаришида мазкур функцияларнинг амалга оширилиши кузатилади.

Юқорида келтирилган функцияларнинг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим муассасаси раҳбарлари:

- таълим муассасаси педагог ходимлари, ота-оналар ва ўкувчилар ўргасидаги бевосита ўзаро таъсир жараёнини кузатиш;
- барча учун зарур ва кулагай бўлган руҳий мухитни вужудга келтириш, тарбиявий муносабатларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш;

- педагогик жараёнларни давлат таълим стандартларига мос равища, илмий асосда ташкил этиш ва назорат қилиш;

- ўкув ва тажриба-лаборатория хоналарини ўкув жараёнига тайёрлаш, ўкув жараёни иштирокчилари учун зарурий шартшароитларни яратиш;

- назарий ва амалий машғулотларни илмий асосда ташкил этиш учун зарур бўлган илмий-методик ва ўкув адабиётлари, техника воситалари, технологик жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўкув-методик ва меъёрий хужжатлар билан таъминлаш;

- таълим муассасасидаги мавжуд муносабатларни, ўкувчиларнинг психик тараққиётига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш ва тахлил қилиш;

- ўкувчиларга бевосита таъсир кўрсатувчи жамоа фаолиятини, яъни ўқитувчилар билан ўкувчилар, ота-оналар билан таълим муассасаси ҳамда ўкувчилар ўргасидаги муносабатларни ўрганиш ва тахлил қилиш;

- таълим муассасасида мавжуд зиддиятларни ҳамда йўл кўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва тахлил қилиш;

- кадрлар таълаш ва жой-жойига қўйиш;

- ўкувчиларнинг кобилияти, билим олишга ва ҳунар ўрганишга бўлган қизиқиши, улардаги ижобий ва салбий хислатларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда уларга таъсир кўрсатишнинг энг мақбул йўлларини белгилаш;


- ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларни Ватанга садоқат, миллий ғурур, юксак ахлок, буюк аждодлар меросига хурмат руҳида тарбиялашга, уларнинг қизиқишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш;
- таълим-тарбия жараёнининг ҳолати түғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолаш;
- таълим муассасасининг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлаш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш йўналишида қарорлар қабул қилиш;
- инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижавийлигига иштирокчиларнинг қизиқишларини шакллантириш;
- таълим муассасасининг асосий мақсади бўлган муассасасада таълим тизимини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида кўзланган натижаларга эришиш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш йўналишида ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш каби ўз функционал вазифаларини бажаришлари жараёнида олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияларини ҳам амалга оширадилар.

## **1.2. Умумий ўрта таълим муассасасини бошқариш функциялари**

Таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолиятининг асосий вазифаси таълим жараёнини ташкил этишда ижобий натижаларга эришиш учун жамоада зарурий шароитларни яратиш, рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш ва таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳисобланар экан, улар ўз бошқарув фаолиятларида таълим муассасасида мавжуд барча жараёнларни тартибга солиб туриш учун бошқарув функцияларининг мазмун ва моҳиятини билиш зарур ҳисобланади.

Бошқариш назарияси асосчиларидан Ави Файоль XX асрнинг бошларида бошқарувнинг бешта функциясини ажратиб кўрсатган: режалаштириш, ташкил этиш, фармойиш бериш, мувофиқлаштириш, назорат.

Менежмент назариясида асосан тўртта функция: режалаштириш, ташкил этиш, мотивлаштириш ва назорат функцияларининг ажратилишини ва уларни биринчи даражали деб ҳисоблаш қабул қилинганлигини таъкидлаш жоиз. Бундай ҳолатларда бошқарув фаолиятининг функционал таркибини аниқлашга вазиятли ёндашув кўлланилади. Бошқарувда вазиятли ёндашувнинг оммалашishi натижасида мутахассислар бошқарувнинг бошқа функциялари - мақсадни белгилаш, коммуникация, рафбатлантириш каби функцияларни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатишган.



Бугунги кунда мактаб раҳбарлари бошқарув функцияларининг интегратив сифатларини тавсифловчи хусусиятлар: мактаб бошқарувини ички ва ташки ўзгаришларга мослаштириш, раҳбарлик услубларидан корпоратив фойдаланиш, таълим менежментининг тамоилларини ўзлаштириш ва қўллаш, бошқарувни мактаб фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтириш асосида белгилашни кўрсатади.

Раҳбарнинг таълим муассасасидаги бошқарув фаолиятини яхшироқ тушуниш учун бошқарувнинг функция ва методларини кўриб чиқиш ҳамда раҳбарларни бошқарув фаолиятининг таркибий тузилишини белгилаш максадга мувофиқ ҳисобланади.

Муассаса раҳбарларининг бошқарув функцияларини шартли равишда иккита турга бўлиш мумкин: профессионал ва ижтимоий-психологик функциялар (4-расм).



4-расм. Профессионал ва ижтимоий психологик функциялар

Ахборотлар билан ишлаш турли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат бўлиб, гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида қўлланилади. Бу жараёнида раҳбар муассасага келиб тушаётган асосий маълумотларнинг генератори сифатида фаолият кўрсатади ва унинг учун асосий меҳнат предмети ахборотлар бўлиб, улар асосида қарорлар - бошқарув жараёнининг маҳсулотлари ишлаб чиқлади. Унинг асосий хусусияти раҳбарлар томонидан ходимларнинг меҳнат жараёнидан қониқишиларига қизиқишиларнинг вужудга келиши билан белгиланиб, бу хусусият раҳбарнинг бошқа функциялари ва

ахборотлар билан ишлаш функциясининг қолган кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлади.

Ташкилотчилик функциялари ходимларга берилган топширикларни бажариш учун жамоанинг фаолиятини ташкил этишда амалга оширилади. Ташкил этиш раҳбарнинг асосий ва масъулиятли функцияларидан ҳисобланади ва у бир неча босқичларни ўз ичига олади (5-расм).




5-расм. Ташкилотчилик функцияси босқичлари

Ижтимоийлаштириш - ходимларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фаолиятни шакллантиришда иборат бўлиб, жамоада ижодий мухитни яратишга хизмат қилади.

Бошқарув жараёнида турли хил масалалар юзасидан, турли даражадаги, мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилувчи стратегик, тактик, умумий, анъанавий, тезкор ва бошка турли қарорлар қабул қилинади. Мақсадга эришиш йўналишидаги масалаларни ва муаммоли вазиятни ҳал қилишда мухим аҳамият касб этувчи мазкур қарорлар, муассаса фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган бўлади. Қарор қабул қилиш функцияларини амалга оширишда раҳбарларнинг демократик тамойилларга асосланиши, барча ходимларни мазкур жараёнига жалб этиш, юкори самарадорликка эришишда ўз таъсирини кўрсатади.

Таълим муассасаларини бошқаришнинг ўзига хослиги куйидаги функцияларда (6-расм) аниқроқ ифодаланади - ахборот-тахлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва тартибга солиш-мувофиқлаштириш.

## БОШҚАРУВ ФУНКЦИЯЛАРИ



6-расм. Таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув функциялари

**Ахборот-таххил** функцияси. Унинг асосий вазифаси педагогик тизимлар (педагогик жараён) түғрисида узлуксиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чўқур ўрганиш ҳамда объектив баҳолашдан иборат. Бу вазифаларни бажариш асосида бошқарув фаолиятининг стратегияси, ривожланиш омиллари, бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш йўллари аникланади. Шунинг учун, ахборотлар нафақат ишончли, балки янги ва фойдали бўлиши ҳам зарур.

**Мақсадли-мотивлаштириш** функцияси. Мотивлаштириш олға сурилаётган мақсадга эришиш бўйича барча бошқарув субъектларида қизиқишлир уйғотишга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишни назарда тутади. Мотивлаштириш ҳаракатлар ва тадбирларни етарли даражада ташкил этиш учун зарур. Бунда мотивларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш зарур бўлиб, қандай мотивлар бошқарув фаолиятини йўналтириши ва қайсилари самарали ҳаракатлар режасини тузишга имконият яратишини билиш ўзига хос аҳамият касб этади.

**Мақсад ихтиёрий тизимнинг ташкил** этувчи компоненти ҳисобланади, педагогик тизимни бошқаришда мақсаднинг аҳамияти аниқ фаолиятнинг мақсади сифатида белгиланади. Бунда аввал мақсад умумий ҳисобланади, уни лойиҳалаштириш жараёнида тактика ва вазиятлар ҳам инобатга олинган ҳолда топшириклар бўйича тақсимланади. Яъни, бошқарувда мақсадни шакллаштириш бир неча даражада амалга оширилади: умумий мақсадни белгилаш; умумий (стратегик) мақсадни аниклаштириш; вазиятга кўра мақсадларни ишлаб чиқиш.

Бошқарув тизимида мақсадга самарали эришишнинг асосий шартларидан бири мақсадни белгилаш талабларига риоя қилиш: мақсадлар олдиндан белгиланган ва аниқ шакллантирилган бўлиши; бажарувчилар томонидан қабул қилинган ва уларга тушунарли бўлиши; мақсадлар таххил қилинган ва бажарилиш муддати белгиланган, шунингдек, бажарувчиларнинг ҳаракати мотивлаштирилган бўлиши; вертикал ва горизонтал бўйича

келишилган турли хил топшириклар йўналишида тақсимланишида мақсадларнинг бирлиги сакланиши зарур ҳисобланади.

Олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси. Бошқарув фаолиятини олдиндан кўриш (англар) ва режалаштириш функцияси учун мақсадли-мотивлаштириш бошлангич асос бўлиб хизмат қиласди, олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси ташкилий шакллар, усуллар, таъсир этувчи воситаларни аниклади, назоратнинг меъёри ва натижаларини баҳолашга хизмат қиласди, шунингдек, педагогик тизимни ва унинг иштирокчиларининг ҳаракати ва фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солишга имконият яратади.

Шундай қилиб, олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси, энг аввало, ташки мухитнинг таъсирини ва мавжуд имкониятларни хисобга олган ҳолда, белгиланган мақсадга эришиш йўлларини аниклашни назарда тутади ва у ўз навбатида қуидаги учта вазифаларни бажариш билан боғлик бўлади:

1. Педагогик тизимнинг эришган даражасини (холатини) аниклаш ва ривожлавишга ҳаракат қилиш даврини аниқ белгилаш.

2. Педагогик тизимнинг келажагини аниклаш, уни социум ва таълим муассасасининг имкониятлари ва эҳтиёжларига мос равишда ташкил этиш ва ҳаракатлантириш.

3. Педагогик тизимнинг эгаллаб турган ҳолатидан келажакка йўналтириш, ривожлантириш стратегияси ва тактикаларини аниклаш.

Ташкилий-ижрочилик функцияси. Бу функция бошқарув фаолиятининг барча йўналишларида ўз аксини топади. Яъни, у кадрлар таъланаш ва жой-жойига қўйиш, ижрочиларнинг ўзаро таъсир этиш тизимини шакллантириш, ахборотлар тўплаш ва уларга ишлов бериш фаолиятлари билан боғлик бўлади. Бунинг натижасида у ёки бу педагогик тизимга хос таркибий тузилиш вужудга келади.

Ташкилий-ижрочилик функциясини самарали амалга ошириш ўзаро ишонч ва ёрдам, ҳар кимга таъланаш хуқуқини бериш, факат мақсадни белгилаш эмас, балки унга эришиш мезонларини ҳам белгилаш, ходимларнинг шахсий имкониятлари ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун шароитлар яратиш, бажарилган ишлар учун рафбатлантириш ва ҳар бир ходимнинг меҳнатини объектив баҳолаш билан боғлик бўлиб, жамоада мұхим ижтимоий мухитнинг вужудга келишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Назорат-ташхис функцияси. Назорат - бу бошқарув жараёнининг фаол босқичларидан бири бўлиб, у бошқарувнинг барча функциялари билан боғлик бўлади. Умумий ҳолда назорат режалаштирилган натижа билан ҳақиқий эришилган

натижаларни ўзаро солишириш жараёни бўлиб, у фаолиятнинг муваффакиятини аниклашга имконият яратади.

Педагогик тизимни бошқариш жараёнида кўзланган йўналишдан четга чиқишлар ҳам в жудга келиши мумкин, бундай вазиятларда назорат йўл қўйилаётган хатоларнинг сабабини ўз вақтида аниклаш ва уларни тузатиш усусларини белгилаш имкониятларини яратади. Шунинг учун бошқарув фаолиятнинг барча босқичлари учун назорат зарур ҳисобланади.

Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши, таълим муассасаларига ижодий эркинлик имкониятларининг берилиши, таълим жараёнларининг диверсификациялаштирилиши натижасида назорат-ташхис функцияси педагогик жараённинг асосий мазмунига айланиб бормокда. Шуни ҳам тасдиқлаш мумкинки, назорат ва педагогик тизимнинг ҳаракатланиш стратегияси синонимлар ҳисобланади. Шунга асосан бошқарувда назоратнинг муҳим ҳусусиятларидан биро педагогик жараённинг барча иштирокчиларининг муваффакиятларини кўллаб-куватлашни назарда тутади, бунинг учун унга қатор талаблар белгиланади: стратегик йўналишга эга бўлиши; фаолиятнинг ижобий натижаларига йўналтирилган бўлиши; назорат ўтказиладиган объектга мувофиқ бўлиш; ўз вақтида ташкил этилиши, ихчам ва тежамли бўлиши ва ҳ.к.

Бошқарув назоратининг асосланганлиги ташхис орқали ифодаланади. Махсус восита ва методларни қўллаш, ҳар томонлама ўрганиш йўллари билан объектининг ички ҳолатини тавсифловчи ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини аниклашга йўналтирилган ташхис англашнинг алоҳида кўринишни ифодалайди. Бошқарувда ташхис қўйишнинг кўп қирралилиги уни амалга оширишнинг тўртта турини таснифлашга имконият яратади - компонентлар бўйича ташхис, структуравий ташхис, тизим ташхиси, олдиндан кўриш (англаш). Ташхис қўйишнинг ҳар бир тури ўзига хос белгилangan функцияни бажаради, уларни танлаш эришишимиз зарур бўлган натижаларга кўра амалга оширилади.

Тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияси. Мазкур функция педагогик тизимнинг ҳолатини зарурий, белгилangan даражада ушлаб туриш, уни янги сифат даражасига кўтариш ва педагогик жараёnda йўл қўйилаётган хатоликларни тузатиш ҳамда педагогик жараён иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш учун хизмат қиласи. Бу функция ёрдамида педагогик тизим субъектларининг турли ҳаракатлари мувофиқлаштирилади. Ўз навбатида мувофиқлаштириш педагогик тизимнинг ҳаракатланиш йўналиши билан барча бўғинларининг ўзаро уйғунашувида юкори даражадаги тезкорликни талаб этади.

### 1.3. Умумий ўрта таълим муассасасини бошқариш методлари

Таълим менежментида бошқарув методлари мухим аҳамият касб этиб, улар бошқарув жараёнида ходимлар фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштиришда кўлланиладиган таъсир этиш йўллари ва усулларининг йиғинидиси ҳисобланади. Бошқарув методлари асосини мазкур таъсир кўрсатиш усуллари мажмуи, яъни таъсир кўрсатиш механизми ташкил этади.

Бошқариш методи бошқариш фаолиятини амалга ошириш усуллари ва йўллари мажмуидан, бошқариш тизимиға самарали, мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишдан, яъни бошқариш функцияларини амалга ошириш механизмидан иборатdir.

Олдинги вакъларда бошқарув методларини тавсифлашда асосий эътибор факат ижтимоий-иктисодий ва маъмурӣ методларга қаратилар эди. Замонавий ижтимоий-иктисодий шартшароитларда умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришга кўл даражада мос келадиган методларнинг тўртта асосий грухлари: иктисодий, ташкилий-маъмурӣ, ижтимоий-психологик ва ахборотлар тўплаш методларини ажратиб кўрсатиш мумкин (7-расм).



7-расм. Бошқарув методлари

Иктиносодий методлар. Бу методлар ўзаро боғлиқ бўлган иктиносодий кўрсаткичларнинг йиғинидисини тавсифлаб, ҳар бир ишчи ва бутун муассаса учун талаблар белгилаш билан биргаликда замонавий талаблар даражасида фаолият кўрсатишлари учун шароитлар яратади. Таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, инновацион жараёnlарни кучайтириш, яъни ходимларнинг инновацион фаолиятларини ташкил этиш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг фаолликларини ривожлантиришда иктиносодий методлардан фойдаланилади. Раҳбарлар томонидан бошқарув жараёнида, ходимларнинг фаолияти тўла ўрганилгандан кейин, фаолиятни такомиллаштириш ва ривожлантириш учун бажариладиган вазифалар режалаштирилади. Бунда раҳбарлар ўз ходимларини фаолиятлари натижаларига кўра рағбатлантириш, мукофотлаш,

жазолаш (жарима солиш) ёки моддий ёрдам кўрсатишиларида бошқаришнинг мазкур методидан фойдаланишлари зарур бўлади. Иқтисодий қайта ташкил этишлар мазкур методларни кучайтиришга йўналтирилади.

Ташкилий-маъмурий методлар. Ушбу методлар ҳам иқтисодий методлар бажарадиган вазифаларни бажаради, факат уларнинг таъсир кўрсатиш усуслари ва шакллари ўзаро фарқ қиласди. Иқтисодий методларда белгиланган масалаларни хал қилиш учун раҳбарлар таъсир кўрсатишнинг турли хил усул ва шаклларини ташлаш имкониятига эга бўлади. Ташкилий-маъмурий методлар қарорлар, буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар тайёрлаш, уларни ўз вақтида тегишли шахсларга етказиш ва бажарилишини назорат қилиш орқали таъсир кўрсатишни назарда тутади.

Мазкур метод раҳбарлар ва ходимлар, ўқитувчилар ва ўкувчилар, умуман олганда барча жамоа аъзолари ўртасидаги мавжуд муносабатларни инобатга олган холда, уларнинг қизикиши, манфаатлари, кўникма ва малакалари, билими ҳамда қобилиятларини ўрганиб, жамоадаги мавжуд шароитларни яхшилаш ва бошқа зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш орқали жамоа аъзоларининг фаолиятларини мувофиқлаштиришга хизмат қиласди. Ташкилий-маъмурий методдан фодаланишдан кўзланган мақсад белгиланган мақсадларга эришишда жамоада мавжуд бўлиши зарур бўлгаган ўзаро муносабатлар, алоқалар, ташкилий барқарорлик, интизом, ўзаро мутаносиблик ва келишувчанлик, тартибилик ҳамда узлуксиз ривожланишини хукукий ва меъёрий ҳужжатларга мос равишда таъминлашдан иборат.

Ижтимоий-психологик методлар. Жамоа аъзолари ўртасида шундай муносабатларни вужудга келтиришни назарда тутадики, бунда раҳбар бўйсунувчиларнинг бемалол, эркин ҳаракат қилиши, ўзини-ўзи намоён қилиши, турли жараёнларда эркин иштирок этиши, фикр билдириши учун шароитни ва ижодий мухитни яратиши зарур.

Демак, ижтимоий-психологик методларнинг асосий мақсади таълим муассасаси жамоасида соғлом мухитни яратишдан иборат, деб айтишимиз мумкин.

Мазкур метод таълим муассасаси фаолиятининг ривожланиши, ходимлар фаолиятининг такомиллашиши, уларнинг ўз фаолиятларидан қониқишилар ҳосил қилишида, шунингдек, жамоада тарбиявий муносабатларнинг шаклланиши, раҳбар-ходим, ўқитувчи-ўкувчи муносабатларнинг ижобий тараққий этишида муҳим аҳамият касб этиб, педагогик ходимлар ва ўкувчиларнинг қизикишилари, интилиши ва ташабbusларини рағбатлантириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, маданий, маънавий ва маърифий тушувчаларини ривожлантириш, шунингдек, билим, кўникма ва малакаларининг ортиб боришини

хамда уларда ижодий қобилиятларнинг шаклланишини таъминлайди.

Ахборотлар тўплаш методлари. Барча методлар қатори ахборотлар тўплаш методлари ҳам таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштириш учун раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини илмий асосда ташкил этишда педагогик жараёнинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш ва таълим жараёни иштирокчиларининг фаолиятини объектив баҳолашни амалга оширишга хизмат қиласди.

Таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятида кўлланиладиган методларнинг ичидаги муҳим аҳамият касб этувчи методлардан бирни ҳисобланган мазкур метод меъёрий хужжатларни ва илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, таълим-тарбия жараёнини таҳлил қилиш, сўровномалар ўтказиш, ходимларни аттестациядан ўтказиш, таҳлилий баҳолаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш, статистик ва математик таҳлил ва бошқа кўпгина усулларни ўз ичига олади (8-расм).



8-расм. Ахборотлар тўплаш методлари

Таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштириш ва зарурий шароитлар яратиш, шунингдек, бошқарув жараёнини қайта ташкил этишда раҳбарлар мавжуд йўналишлар бўйича ишончли ва асосли ахборотлар тўплашда мазкур усуллардан ташкил топган ахборотлар тўплаш методларидан фойдаланади, яъни меъёрий хужжатларни ўрганади ва уларда белгиланган талабларнинг бажарилишини таҳлил қиласди, ўқувчиларнинг билимини ДТС талаблари бўйича текширади, шунингдек, ўзлаштириш кўрсаткичларининг динамикасини таҳлил қиласди, ўқитувчиларнинг дарсларини кузатади, очик дарсларга қатвашади ва педагогик ходимлар фаолиятини ўрганади, таълим муассасасидаги муносабатлар, раҳбар-ходим, ўқитувчи-ўқувчи муносабатлари сўровномалар ўтказиш орқали аниқланади. Тўпланган маълумотлар йиллик, ярим йиллик, чораклик, ойлик, ҳафталик ва кунлик натижалар бўйича статистик ва математик

тахлиллар асосида солиширилди, замонавий талаблардан келиб чиқсан ҳолда, мавжуд ҳолат олдинги ҳолатта иисбатан таққосланади ва келгусида бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгиланади ҳамда мазкур вазифаларни амалга ошириш ўйналишларида қарорлар қабул қилинади.

#### **1.4. Умумий ўрта таълим муассасасини бошқариш алгоритми**

Мактаб раҳбарларининг асосий функцияси таълим муассасаси олдига кўйилган мақсадларга эришишда мактабнинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш бўйича бошқарув ўйналишидаги масалаларниң ижобий ечимини топиш, ҳал этиш ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, бошқарув фаолияти ёки ихтиёрий фаолият инсон-инсон муносабати, шунингдек, инсоннинг ташки муҳит билан муносабатлари, тарбиявий муносабатлар шаклида, яъни шахснинг эҳтиёжлари талабларидан келиб чиқиб кўзланган мақсадни амалга оширишдаги ўзаро алоқалар шаклида таҳлил қилинади ва ўрганилади.Faолият мақсади объектив бўлиб, ўз ўрнида шахс томонидан белгиланади ва у фаолиятнинг асосий компоненти ҳисобланади. Шунингдек, фаолият субъектни маълум бир ҳаракатга келтирувчи сабабларни аниклайди ва унда аниқ бир шахснинг фаолияти ва мақсад ифодаланади.

Маълумки, бошқарув фаолияти субъектлар томонидан лавозими ўйналишидаги функцияларини бажаришлари жараёнида амалга оширилади. Бошқарув фаолияти олдиндан белгиланган хатти-харакатлар мажмуаси, шунингдек, бошқарув жараёни босқичлари сифатида мактаб раҳбарининг мақсадга ўйналтирилган функцияларининг структураси бошқарув предметлари орқали белгиланади.

Демак, бошқарув ўзига хос хусусиятларга зга бўлиб, улар мақсадга эришишда ҳаракатлар изчиллиги билан белгиланади. Бу жиҳатлар ўз-ўзида мақсадга кўра аникланмайди, балки мақсадга эришишдаги шарт-шароитлар орқали белгиланади. Агар мақсад ўзгармаса, у белгиланган вақтдаги шароитлар ҳамда ҳаракатлар таркиби ўзгариб боради.


Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини такомиллаштириш ўйналишидаги ихтиёрий инновацион фаолият мавжуд бўлган бошқарув функцияларининг маълум бир изчилликда амалга оширилишини талаб этади. Замонавий мактабни бошқариш функцияларини амалга оширишни режалаштиришда, энг аввало, бошқарувнинг мақсади, функцияларининг мазмун-моҳияти ва вазифалари инобатга олинади.

Умумий мақсадларга эришишда мазкур функцияларни амалга ошириш тизимини ташкил этувчи вазифаларниң бажарилиш кетма-кетлиги белгиланади ҳамда мазкур

вазифаларни бажаришда кўлланиладиган бошқарув методлари таълаб олиниб, бошқарув фаолияти бошқарувни ташкил этиш тамоиллари ва қонуниятларига асосан амалга оширилади. Объектив бошқарув фаолияти факаттинг мақсаддага йўналтирилган ҳаракатларнинг тўлиқ тўплами ёки ҳаракатлар занжири шаклида мавжуд бўлади. Мавжуд бўлган мазкур занжир бошқарув алгоритмини ифодалайди.

Бошқарув алгоритми - бу мактаб раҳбари бошқарув фаолиятининг кетма-кетлиги (изчиллиги) бўлиб, у еттига босқич: педагогик жараённинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолаш; бошқарув фаолияти мақсадини белгилаш; бошқарув фаолиятини олдиндан кўриш (англаш) ва режалаштириш; кадрлар ташлаш ва жой-жойига қўйиш; жамоа фаолиятини назорат килиш ва ташхис; жамоа аъзоларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш; мактаб фаолиятининг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлашдан иборат, мазкур босқичлар изчиллигидан, бошқарув методлари: маъмурий, ижтимоий-психологик, иқтисодий, шунингдек, ахборотлар тўплаш методларини кўллаш ёрдамида юқорида келтирилган функцияларнинг бажарилиши амалга оширилади.

### БОШҚАРУВ АЛГОРИТМИ



9-расм. Бошқарув фаолияти агоритми

Умумий ўрга таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолияти давомида ўз муассасасининг фаолияти, таълим-тарбия жараённинг ҳолати, ходимларнинг ўз вазифасига бўлган муносабати, ўзаро муносабатлар, яъни ўқувчи ва ўқитувчиларнинг муносабатлари, шунингдек, умумий мақсадга эришиш учун амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлиги, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда ташкил этилаётгая дарсларнинг сифати тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши учун зарурий ахборотлар тўплаши лозим. Тўпланган ишончли ахборотлар тахлил қилиниши ва умумий ҳолатни ўрганилиши бошқарув фаолиятини ўзгarterиши, такомиллаштиришга, яъни бошқарув фаолиятининг мақсадини

белгилаб олишга хизмат қиласи. Ахборотларга асосланган ҳолда, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини ҳам таҳлил қилиш имконияти туғилади ва шунга асосан уни такомиллаштириш йўналишлари ва муассаса фаолиятини яхшилаш учун амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланади. Белгиланган вазифаларни ходимларининг билими, кўнкима ва малакалари, шунингдек, касбий тажрибаларига кўра таҳсиллаш амалга оширилади, яъни зарур ҳолларда муассасанинг фаолиятини, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш учун юкори малакали мутахассислар жалб этилади, шу асосда жамоа аъзоларининг фаолиятлари мувофиқлаштирилади. Мазкур жараёнларда амалга оширилган ишларнинг натижаларига ва йиғилган маълумотларга асосланган ҳолда таълим муассасасининг ривожланиш имкониятлари аниқланиб, белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўналишида қарорлар қабул қилинади.

Шундай қилиб, юкорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, бошқарув алгоритмининг мазмун-моҳияти бошқарув функциялари ва методларини амалга оширишда ўз ифодасини топади ва улар биргаликда бошқарув жараёнида таъсир кўрсатишнинг тартиби, кетма-кетлиги, йўллари ва уларнинг тугалланиш даврини акс эттиради.

### **1.5. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда ҳамкорликдаги бошқарув**

ЎЎТМ фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда педагоглар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши, таълим муассасаси барча ходимларининг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг асосда қоникиш ҳосил қилишлари, жамоадаги тўғри меҳнат таҳсимоти, ходимларда ўз вазифаларига нисбатан масъулият хиссининг шаклланиши, ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ташкил этилиши ва сифати, ўқувчиларнинг соғлигини мустажкамлаш, жисмоний жиҳатдан ривожланиши, яъни болалар спортини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда ўкув жараёнини ҳозирги замон талаблари даражасида илмий асосда ташкил этиш самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасаси раҳбарлари, мутахассислар ва ижрочиларнинг функционал вазифаларини қай даражада тушуниб этиши ва амалга оширишига боғлиқ бўлади.

ЎЎТМ раҳбар ходимларининг функционал вазифаларини амалга ошириш жараёни таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва такомиллаштириш, унинг натижавийлигини таъминлаш, рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш учун жамоада зарурй шарт-шароитларни яратиш, ўқувчилар ва педагог ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ЎЎТМ билан маҳалла, ота-оналар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорликларини таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда ҳамкорликдаги бошқарувни жорий этишга

йўналтирилган бўлиб, бунда, профессионал ва ижтимоий-психологик функцияларни раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочилар томонидан амалга оширилишини кузатиш мумкин.

Чунки, раҳбар ходимларниң ўз функционал вазифаларини бажариши профессионал функцияларни белгилайди ва бунда раҳбар ходимлар профессионал-мутахассис сифатида доимо инсонлар билан муносабатда бўлади ва бу ўз навбатида, бошқарув фаолияти ижтимоий-психологик функцияларни ҳам қамраб олишини ифодалайди.

Бу функциялар мълум бир тизимда раҳбарниң бўйсунувчилар билан мулоқоти жараёнида амалга оширилиб, бундай мулоқотлар бевосита ва билвосита шаклида бўлиши мумкин, мазкур функциялар УЎТМ фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда амалга ошириладиган вазифаларниң мазмун-моҳияти ва йўналишларига кўра раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларниң функционал вазифалари ва бошқарув функцияларини амалга ошириши жараёнида кузатилиди.

УЎТМ фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, белгиланган мақсадларга эришиш йўналишида ходимларниң ўз функционал вазифаларини самарали амалга оширишлари учун уларда масъулият ҳиссини шакллантириш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижаларига иштирокчиларда қизикиш уйғотиш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг манфаатдор бўлиши ва қоникиш ҳосил қилишлари учун шартшароитлар яратиш, ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш, яъни инновациюн жараёнларни ташкил этиш орқали таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш йўналишида турли хил масалалар юзасидан, турли даражадаги, мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилувчи қарорлар қабул қилишда жамоа аъзоларининг фикрини ўрганиш ва таклифларини иnobатга олиш, мазкур жараёнларда барча ходимлар иштирокини таъминлаш, мақсадга эришиш йўналишидаги масалаларни ва муаммоли вазиятларни ижобий ҳал қилиш каби раҳбар ходимларниң функционал вазифаларниң самарали бажарилиши педагогик тизимларни бошқаришда ўзига ҳос аҳамият касб этувчи ахборот-тахлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис, тартибга солиш-мувофиқлаштириш каби бошқарув функцияларини амалга оширилишида ўз ифодасини топади.

УЎТМ раҳбар ходимларининг функционал вазифалари ҳамда бошқарув функцияларининг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки:

- УЎТМни бошқаришда педагог ходимлар, ота-оналар ва ўқувчилар ўтасидаги бевосита ўзаро таъсир жараёнини кузатиш;

- барча учун зарур ва қулай бўлган руҳий муҳитни вужудга келтириш, тарбиявий муносабатларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш;

- УЎТМда ўқув машғулотларини давлат таълим стандартларига мос равишда, илмий асосда ташкил этиш ва назорат қилиш;

- ўқув ва тажриба-лаборатория хоналарини ўқув жараёнига тайёрлаш, ўқув жараёни иштирокчилари учун зарурий шартшароитларни яратиш;

- назарий ва амалий машғулотларни илмий асосда ташкил этиш учун зарур бўлган илмий-методик ва ўқув адабиётлари, техника воситалари, технологик жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-методик ва меъёрий хужжатлар билан таъминлаш;

- УЎТМдаги мавжуд муносабатларни, ўкувчиларнинг жисмоний, руҳий ва интеллектуал ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни, уларга бевосита таъсир кўрсатувчи жамоа аъзоларининг фаолиятини, яъни ўқитувчилар билан ўкувчилар, ота-оналар билан УЎТМ ҳамда ўкувчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- УЎТМда мавжуд зиддиятларни ҳамда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш;

- ўкувчиларнинг қобилияти, билим олишга ва хунар ўрганишга бўлган қизиқиши, улардаги ижобий ва салбий хислатларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда уларга таъсир кўрсатишнинг энг мақбул йўлларини белгилаш;

- ўкувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларни Ватанга садоқат, миллий ғурур, юксак ахлоқ, буюк аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга, уларнинг қизиқишлиари бўйича билим, кўниумма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш;

- таълим-тарбия жараёнининг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолаш;

- УЎТМнинг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлаш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш ўналишида қарорлар қабул қилиш;

- инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижавийлигига иштирокчиларнинг қизиқишлиарини шакллантириш;

- УЎТМнинг асосий мақсади бўлган муассасасада таълим тизимини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида кўзланган натижаларга эришиш, ракобатбардош мутахассислар тайёрлаш ўналишида ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш каби вазифаларнинг бажарилиши жараёнида УЎТМ раҳбар ходимлари таълим муассасаларини бошқаришда ўзига хос аҳамият касб этувчи ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан

кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияларини амалга оширадилар.

Бизнинг фикримизча, УЎТМ раҳбар ходимлари ўз функционал вазифаларини амалга ошириши учун ташкил этиладиган фаолиятнинг мазмун-моҳияти юқорида келтирилган функцияларни амалга оширишда ўз ифодасини топади ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари УЎТМда ҳамкорликда бошқарувни ташкил этиш заруриятини белгилайди.

УЎТМ фаолиятини самарали ташкил этиш, белгиланган мақсадларга эришишда ҳамкорликдаги бошқарув муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда жамоавий бошқарув органлари ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг иштироки ва уларнинг фаоллиги ўзига хос аҳамият касб этади.

Ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этишдан асосий мақсад УЎТМ олдига қўйилган мақсадларга эришишда муассасанинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш ва такомиллаштириш ўналишидаги масалаларни ҳал этиш, муаммоларнинг ижобий ечимини топиш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва ривожлантириш, турли хил масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнларида жамоа барча аъзоларининг иштирокини таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Ҳамкорликдаги бошқарув фаолияти ўзаро таъсир жараёнини вужудга келтириш асосида “инсон-инсон” муносабатлари, шунингдек, инсоннинг ташки муҳит билан муносабатлари, тарбиявий муносабатлар шаклида, яъни УЎТМнинг мақсади ва жамоа аъзоларининг эҳтиёжлари талабларидан келиб чиқиб, кўзланган мақсадни амалга оширишдаги ўзаро алоқалар шаклида ташкил этилади. Ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятининг мақсади объектив бўлиб, ўз ўрнида барча иштирокчилар томонидан белгиланади ва унинг натижаларига нисбатан барчада қизиқиш шаклланади.

Ҳамкорликдаги бошқарув фаолияти субъектлар томонидан лавозими ўналишидаги функцияларини бажаришлари жараёнида амалга оширилади. Мазкур фаолият олдиндан белгиланган мақсадга эришиш ўналишида амалга оширилаётган хатти-харакатлар мажмуй, шунингдек, бошқарув жараёни босқичлари сифатида УЎТМ раҳбар ходимларининг мақсадга ўналтирилган фаолияти орқали белгиланади.

Ҳамкорликдаги бошқарув ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар мақсадга эришишда харакатлар изчилиги билан белгиланади яъни бу жиҳатлар ўз-ўзидан мақсадга кўра аникланмайди, балки мақсадга эришишдаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро тушуниш, ўзаро таъсир жараёнининг самараси, жамоадаги кулай руҳий муҳит, жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар орқали белгиланади. УЎТМнинг асосий мақсади

умумий бўлиб, у ўзгармаса-да, мазкур мақсад белгиланган вақтдаги шарт-шароитлар ҳамда жамоа аъзоларининг таркиби ўзгариши натижасида ҳамкорликдаги фаолиятнинг самараодорлиги ўзгариши мумкин.

Демак, белгиланган мақсадларга эришиш учун ташкил этиладиган ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятининг самараодорлиги жамоадаги қулай руҳий муҳит, жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар, шунингдек, раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг билими, касбий кўникма ва малакалари даражасига боғлиқ.

УЎТМда ўзига ва ўз ишига нисбатан талабчан, ўз ишининг устаси бўлган, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чукур билгаёт, ўзини-ўзи ривожлантирувчи ҳамда ўз қобилияти ва имкониятларини тўла ишга сола биладиган, УЎТМ, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўя оладиган, раҳбар ходимларнинг фаолият кўрсатишини талаб қилиши билан бир қаторда, ҳамкорликдаги бошқарувни УЎТМнинг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтиришда мазкур жараён иштирокчилари учун бошқарув фаолияти ва унинг ҳукукий асосларини, иш вақтини тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш, қарор қабул қилиш, қарорларнинг ижросини таъминлаш шаклларини, стратегия ва стратегик бошқарув сирларини, мотивлаштириш назариялари ва ходимлар фаолиятини баҳолаш турларини билиш; муассасанинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни, инсон ресурсларини бошқариш сирларини билиш ва стратегик тафаккурга эга бўлиш заруриятини белгилайди.

Шунингдек, УЎТМ раҳбар ходимлари бошқарувнинг функционал жиҳатларини ўзлаштириши ва мотивлар билан боғлиқ омилларни бошқариши (моддий ва ижтимоий-психологик рағбатлантириш тизимини яратиш); самарали меҳнатни, ишга бўлган ташаббускорлик-ижодий муносабатни шакллантириши, мақсадга эришишда жамоа ва шахс эҳтиёжларини ҳисобга олиши, дам олиш вақтидан унумли фойдаланиш имкониятларини яратиши; муассасада соғлом ижтимоий-психологик вазиятни, шахслараро ва гурухлараро энг мақбул алоқаларни вужудга келтириш ва қўллаб-куватлаш, ходимларнинг батартиб ва дўстона ишлашига, ҳар бир шахснинг аклий ва ахлоқий салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиши; муҳандис-педагог, педагог ва бошқа ходимларнинг биргаликда амалга оширадиган меҳнат натижаларидан уларнинг тенг даражада кониқиши ҳосил қилишларига эришиши; раҳбарлик услубларини вазиятта боғлай билиши ва улардан оқилова фойдаланиши, УЎТМ бошқарувини ички ва ташки ўзгаришларга мослаштириши; инновацион жараёнларни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўналишидаги зарурий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур ҳисобланади

## **1.6. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини талкил этишда стратегик бошқарув ва режалаштириш**

Таълим тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар барча таълим муассасаларида таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариша фан-техника ютукларига асосланган бошқарувнинг эзг самарали, инновацион методларида фойдаланиши, бошқарув йўналишида билим, кўникма ва малакаларни, янги шахсий ва касбий сифатларни талаб қилади, бу ўз навбатида стратегик бошқарувнинг заруритини белгилаб беради.

Стратегия [strategos] грекча сўз бўлиб, ўзбек тилида "генерал санъати" деган маънони англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам мазкур атама уруш олиб бориш санъати, ижтимоий-сиёсий курашга раҳбарлик қилиш санъати ва илми маъноларида талқин этилган. Стратегия сўзи бугунги кунда бирон-бир фаолиятга раҳбарлик қилиш, корхона ёки муассасалар фаолиятини бошқариша истиқболни олдиндан аниқлаш, фаолиятни олдиндан режалаштириш, бажариладиган вазифаларнинг йўналишини аниқлаш, шунингдек, мақсадга эришишда натижаларни олдиндан аниқлаш ва назорат қилиш йўналишларида кенг қўлланилмоқда. Мазкур сўздан стратегик режа, стратегик режалаштириш, бошқарув стратегияси, стратегик бошқарув каби тушунчалар келиб чиқсан бўлиб, бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзининг мазмун-моҳиятига кўра таълим муассасаларини бошқариша муҳим аҳамият касб этади.

Стратегик режа - бу муассасада таълим тизимини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш - рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш йўналишида узоқ (беш, ўн йил ва ундан кўпроқ муддатларни ўз ичига олади) муддатларга мўлжалланган вазифаларни ўз ичига олган дастур (истиқбол режа) бўлиб, у таълим муассасасининг ҳамда раҳбар-ходимларнинг йиллик ва жорий режалари учун асос сифатида хизмат қиласди.

Стратегик режалаштириш. Таълим муассасасининг мақсадларидан келиб чиқиб амалга ошириш зарур бўлган вазифаларни белгилаш, мазкур вазифаларни амалга ошириш учун бошқарув функциялари, методлари ҳамда мақсадларини аниқлаш ва амалга ошириш юзасидан стратегик режалар ишлаб чиқиш жараёни бўлиб, бунда мақсад ва вазифаларнинг илмий асосланганлиги, белгиланган муддатларнинг аниқлиги ва обьективлиги, ижро чиларнинг билими ва касб маҳорати, ташки муҳит таъсири, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши, муассаса имкониятлари, шунингдек, бошқарув стратегияси, яъни стратегияни амалга оширишни бошқариш йўналишлари ўрганилиб таҳлил қилинади.

Бошқарув стратегияси. Кўзланган мақсадларга эришишда таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, педагогик

ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, стратегик режа асосида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш йўналишида асосан бошқарувнинг икки хил турини назарда тутади: стратегик бошқарув, конъюнктуравий бошқарув. Амалий фаолиятда у ёки бу бошқарув йўналишининг устунлиги ташкилий тизимнинг янгилик даражаси кўрсаткичлари билан белгиланади.

Стратегик бошқарув - бу таълим муассасасининг стратегик мақсади йўналишида муассаса имкониятларини педагогик ходимларнинг умумий манфаатлари билан мувофиқлаштиришни назарда тутувчи узоқ муддатга тузилган дастур, режа ва лойиҳалар асосида бошқаришdir. Стратегик бошқарув одатда, мазкур тизимни бошқарув маданиятининг юқори даражасини белгиловчи кенг инновацион дастурларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Конъюнктуравий бошқарув - мъълум бир даврда муассасанинг иқтисодий ҳолатини тавсифловчи белгилар мажмуаси билан боғлик бўлади.

Таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириб боришда, энг аввало, кўзланган мақсадларга эришишда фаолиятнинг стратегик режасини тузиш ва мазкур режа асосида муассасанинг истиқбол мақсади ва имкониятларини ходимлар манфаати билан уйғуллаштиришни ҳамда таълим муассасасининг фаолиятини замонавий ўзгаришларга мослаштириб бориш, таълим инновацияларини жорий этишини назарда тутувчи узоқ муддатли бошқарув усусларини бошқарув жараёнига татбиқ этиш зарур. Бу ўз навбатида истиқболни тадқиқ қилиш ва мақсадларга эришишда, ривожланишга таъсир этувчи омилларни олдиндан таҳлил қилишда зарурий билим, ривожлантирувчи бунёдкор ғоялар ва уларни амалга ошириш санъати заруриятини белгилайди.

Таълим муассасаларида инновацион бошқарув жараёнида муассасанинг истиқбол мақсади ва имкониятини педагог ходимларнинг манфаатлари билан уйғуллаштирувчи узоқ муддатли бошқарув усуслари - стратегик бошқарувнинг амалиётга кўлланиши таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув жараёнини такомиллаштириш ҳамда таълим муассасаси олдидағи вазифаларни замонавий талаблар даражасида бажаришда маҳсус, функционал, мужассамлаштирилган ва диверсификациялашган стратегияларни кўллаш орқали таълим самарадорлигини ошириш мумкин.

Маҳсус стратегия - таълим муассасасида таълим жараёни самарадорлигининг пасайиб кетишини, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг ДТС талаблари даражасидан тушиб кетмаслигини, шунингдек, тажрибали, билимли, ўз касбининг фидойилари бўлган педагогларнинг таълим муассасасидан кетиб колишиларининг олдини олиш мақсадида узоқ муддатга тузилади.

Функционал стратегия - таълим муассасасининг таълимтарбия жараёни иштирокчилари, бўлимлари, жамоавий бошқарув органлари ва маъмурият ҳамда жамоатчилик ташкилотлари олдидаги вазифаларни амалга ошириш усулларини ўз ичига олган ишчи стратегия ҳисобланади.

Мужассамлаштирилган стратегия - таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишининг барча йўналишларини камраб олган ҳамда таълим муассасасининг яхлит фаолиятини ўзида жамлаган мўлжалдир.

Диверсификациялашган стратегия - таълим жараёниник илмий асосда ташкил этиш, иқтидорли ўкувчиларни аниклаш ва уларни ўқитишида табақалаштирилган ёндашувларни жорий этиш асосида ўкувчиларниң ўзлаштириш кўрсаткичларини кўтариш, мактаб битирувчилари ўртасида ракобатбардош, хорижий тилларни биладиган, билимли, кенг дунёқарашга эга бўлган битирувчилар сонини кўпайтиришга қаратилган вазифаларни амалга ошириш йўлларини ифодалайди. Замонавий ижтимоий-иктисодий ривожланишлар ва таълим тизимидағи ислоҳотлар жараёvida амалга оширилаётган янгиликларга мактаб фаолиятини мувофиқлаштириб борища таълим муассасаси раҳбарлари жорий режалар билан чекланиб қолмай, ўз муассасалари келажаги ва ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда "стратегик" узоқ (беш, ўн йил ва ундан кўпроқ) муддатларга мўлжалланган истиқбол режаларини тузилиши ҳамда улар асосида фаолият олиб бориши зарур.

Таълим муассасаларини ривожлантириш ҳамда бошқарув жараёнини такомиллаштиришида муассасанинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар, раҳбарлик услублари, функция ва методлари, раҳбар ўзининг бошқарув фаолиятида афзал билган ва асосланган барча усуллар стратегик бошқарувнинг тактика ва стратегияларидан ташкил топган тизим сифатида қаралади.

Бунда бир томондан стратегиялар билан бошқарув фаолияти мазмуни, бошка томондан бу тизимнинг ўзи, таълим муассасасида бошқарув фаолиятини такомиллаштиришида, шунингдек, педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштиришида, жамоа мухитида турли аҳамиятга эга бўлган хатти-харакатларни мотивлаштиришида ва шу қатори професионал фаолият билан шуғулланувчи бошқарув субъектларининг кўникма ва малакаларининг ривожланишида ҳамда уларнинг професионал мутахассис сифатида шаклланишларида ҳам мухим аҳамият касб этади.

## **1.7. Умумий ўрга таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда ихтилоф ва стрессларни бошқариш**

Хар қавдай таълим муассасаси жамоасининг аъзолари бир-биридан ихтисослиги, қизикиши, психологияк хусусиятлари, умуман олганда, маълум бир сифатлари билан ўзаро фарқ қиласидиган

ходимлардан ташкил топади. Шу каби бир-биридан фарқ қиладиган хусусият ва қарашлар баъзан ўзаро мос келмаслиги сабабли ихтилофлар вужудга келиши мумкин, яъни ихтилофли вазиятларни келтириб чиқаради.

Шахслараро ихтилофлар шахсларнинг бир-бирини англамаслиги, манфаатларининг турли хиллиги, тушунчаларнинг номутаносиблиги, бир-бирини ёқтирмаслиги, қизиқишлари, қарашлари ва интилишларининг ўзаро мос келмаслиги натижасида юзага келади.

Кўпчилик раҳбарлар ихтилоф сўзининг ўзига шубҳа ва эҳтиёткорлик билан қарайдилар. Улар ҳар қандай йўл билан ихтилофли вазиятлардан қочишига ҳаракат қиласидилар. Бу тушунарли. Чунки инсонлар онгода ихтилоф албатта шахслараро муносабатларни ёмонлаштиришга, ўзаро ишонч йўқолишига, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади, деган тушунча қаттиқ ўрнашиб қолган. Аммо, аслида ундай эмас. Психология нуқтаи назарида ихтилоф одамлар ҳаёт фаолиятидаги табиий ва конуний жараён бўлиб, ҳамкорликдаги фаолиятнинг ва ривожланишининг ажралмас қисмидир.

Ихтилофлар бир неча хил бўлади: конструктив ихтилофлар ва деструктив ихтилофлар.

Конструктив ихтилофлар - ихтиёрий муассаса ҳаётининг муҳим муаммолари ва унга қарашлар кураши, фикрлар хилмажиллигидан иборат бўлиб, турғунлик ва қотиб қолишининг олдини олишига, ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қилишига, жамоанинг мақсад сари илгарилаб боришига, янги анъана ва қадриятлар шаклланишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Ҳар қандай ихтилоф асосида томонлар ўртасида аввалги муносабатларни инкор қилишига ҳаракатлар ётганлиги учун янги муносабатлар ва янги шароитлар яратишга олиб келиши мумкин.

Конструктив ихтилофнинг ижобий томони шундаки, у жамоа аъзоларининг янги шароитга психолигик мослашувини тезлаштиришга ёрдам беради, жамоада ягона фикр, умумий мақсад, соғлом муҳит яратилиши, ҳар бир ходимни ҳаяжонланиш, ташвишланиш ва кўркишдан мустаҳкам ишонч сари етаклайди. Аммо ҳар қандай ихтилоф таълим муассасаси ёки маълум бир жамоанинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатавермайди. Ҳаётда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни издан чиқарувчи, меҳнат унумдорлитини пасайтирувчи, ўзаро ишонч ва хурмат туйғуларини сўндирувчи, салбий хусусиятларга эга, бузғунчи ихтилофлар ҳам мавжудки, булар деструктив ихтилофлар деб аталади.

Деструктив ихтилофлар. Бундай ихтилофлар жамоадаги қадриятларни, меҳр-оқибатни йўқотиб, инсонларнинг ўзаро муносабатларини бузгая ҳолда уларнинг бирлиги, жисслиги, ушшоқлик, ўзаро ҳамкорликни йўқотади, шунингдек, меҳнат унумдорлигини пасайтиради ва муассасанинг ривожланишига

тўсқинлик қиласи. Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, мазкур ихтилофлар 15 фойзгача иш вақтини йўқотишга, 20 фойзга яқин меҳнат узумдорлиги пасайишига, ҳаттоқи, яхши, ўз касбийнинг моҳир устаси бўлган мутахассисларнинг жамоадан зерикиб кетиб қолишларига ҳам асосий сабаб бўлар экан.

Ихтилофлар, яъни келишмовчиликлар инсонларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиши, ўзаро муносабатлар жараёнида вужудга келади, шунинг учун ҳам улар инсонлар қаерда бўлмасин (оиладами, жамоат жойларида) мавжуд бўлиб, ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат киласи. Ихтилофлар фақаттина инсонлар ўргасида мавжуд бўлиб қолмай, балки бир инсоннинг ўзида, яъни ички ихтилофлар ҳам мавжуд бўлади. Масалан, дам олиш кунини қандай ўтказсам экан? деган саволга жавоб топишда ҳам ички ихтилофларнинг вужудга келишига гувоҳ бўламиз. Масалан, энг яқин ўртоғи дарё бўйида якшанба кунини бирга дам олиб ўтказишини таклиф килган, ўзи эса оиласидан дам олишга, яъни фарзандларини айлантириб келишига ўзаро келишиб кўйган, қайси бирини ташлаши зарур, бу ҳам ички ихтилофнинг намоён бўлиши.

Инсонларнинг қарашларидағи номутаносибликлар, яъни амалга оширилиши зарур бўлган у ёки бу тадбирни режалаштириш ҳамда унинг натижаларини олдиндан таҳлил килишда фикрларнинг мос келмаслиги кўпинча муаммоли вазиятларга олиб келади. Агар режалаштирилаётган тадбир қатнашчиларида бирортасининг кўзлагага мақсадига эришища хавф сезилса, у ҳолда тадбир ташкил этилгунга қадар ихтилофли вазият келиб чиқади.

Ихтилофли вазият - томонларнинг бирон-бир йўналишдаги қарама-қарши, зиддиятли нуқтаи назари, ўзаро умумий манфаатларга мос келмайдиган мақсадларга интилиш, уларга эришиш учун турли-туман воситалардан фойдаланиш ёки фаолиятни амалга оширишини режалаштириш жараёни.

Кўпинча ихтилофли вазиятлар асосида объектив сабаблар ётади, баъзида эса, қандайдир ноўрин айтилган сўз, фикр, ҳаракат ёки бирон-бир мақсадда олдиндан тузилган режа ихтилофнинг келиб чиқишига етарли асос бўлиши мумкин. Ихтилофли вазиятларда унинг келиб чиқиш сабаблари ёки сабабчилари бўлиши мумкин бўлган субъектлар ёки мухолифлар, ихтилофнинг йўналиши ва мақсади ёки ихтилоф объекти намоён бўлади.

Ихтилоф субъектлари мазкур жараёнинг ташкилотчилари ёки қатнашчилари бўлиб, бундай субъектлар сифатида раҳбарлар, педагогик ходимлар, айрим шахслар, гурухлар ёки жамоатчилик ташкилотлари майдонга чиқиши мумкин. Ихтилофли вазиятларнинг келиб чиқиш даражасидан қатъи назар, унинг келиб чиқиш сабабларига ва ихтилоф субъектларининг ҳатти-ҳаракатларининг натижаларига кўра таълим муассасаларида

вужудга келиши мумкин бўлган ихтилофларни ташкилий, функционал ва шахслараро ихтилофларга ажратиш мумкин.

Ташкилий ихтилофлар. Бундай ихтилофлар таълим муассасасида педагогик ходимларга ўкув юкламаларини тақсимлашда (фанлар бўйича дарс соатлари ажратишда хамда соатлар тақсимотида адолатнинг бузилиши), имтиёзлар беришда, мукофотга тавсия килишда, жамоатчилик топширикларини беришда ва бошқа ташкилий жараёнларда раҳбарлар томонидан йўл қўйилган хатолар сабабли ёки раҳбарият томонидан берилган топшириклар маълум бир ходимлар томонидан бажарилмаса, маъмурият талабларини четлаб ўтишга ҳаракат қиласа келиб чиқади.

Функционал ихтилофлар. Бу хилдаги ихтилофлар таълим муассасалари раҳбариятининг ўз вазифасига совукқонлик билан муносабатда бўлиши, яъни ўкув хоналарининг етарли даражада ёритилмаганилиги, қиши мавсумда иситилмаслиги, ўқитувчи ва ўқувчилар учун ишлаш, ўқиш, овқатланиш, спорт билан шуғулланиш, дам олиш ҳамда ижодий фаолиятни амалга оширишлари учун етарли шароитлар яратилмаганилиги, шунингдек, мактаб кутубхонасидаги шароит ҳамда ўкув жараёнини илмий асосда ташкил этиш учун илмий-методик маҳсулотлар ва янги ахборот технологиялари, компьютер техникаси воситалари билан таъминланмаганилиги сабабли вужудга келиши мумкин.

Шахслараро ихтилофлар. Таълим муассасасида шахслараро муносабатлар жиддий ва нозик бўлиб, раҳбарлар ўртасидаги муносабатлар, раҳбар-ходим, раҳбар-ўқитувчи, раҳбар-ўқувчи, раҳбар-ота-она, ходим-ходим, ўқитувчи-ходим, ўқитувчи-ўқувчи, ўқитувчи-ота-она, ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-ота-она ҳамда педагоглараро муносабатларни ўз ичига олади. Таълим муассасасидаги шахслараро муносабатларни ҳам нозик, ҳам мураккаб дейишимизга асосий сабаб, ёш авлодни тарбиялашда бу муносабатлар мухим аҳамият касб этади, ҳаттоқи ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан бўлган муносабатлари ҳам таълим-тарбия жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Шахслараро ихтилофлар асосан инсонларнинг бир-бирини тушунмаслиги, мағфаатларнинг номувофиқлиги, бир-бирини кўролмаслиги ёки арзимас сабабларга кўра аразлаб юриши туфайли келиб чиқиши мумкин.

Хар қандай ихтилоф маълум вақт бирлиги давомида содир бўлади, етилади ва бартараф этилади. Бу бир неча босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич - объектив ихтилофли вазиятнинг келиб чиқиши. Сабаблари - раҳбар-ходим, ходим-ходим, гурух-ходим, гурух-гурух ва ҳ.к.

Иккинчи босқич - ихтилофли вазиятни ҳеч бўлмаганда бир ходимнинг тушуниб этиши. Кўпинча эмоционал зўриқиш билав

кечади, яъни шахснинг норозилиги очикдан-очик ифода қилина бошлайди.

Учинчи босқич - ихтилоф хулқ-атворга таъсир кўрсатади, яъни томонлар очикдан-очик бир-бирларини рад этишади, хатто "сен-менга" бориб, ўз хукмларини ўтказишга уринадилар.

Тўргинчи босқич - ихтилофни ҳал қилиш. Ихтилоф мазмуни объектив сабаблар ва имкониятларга қараб, пировардида ҳал бўлиши ҳам турлича бўлиши мумкин:

- ўзаро яратириш асосида томонларни келишиши;
- компромисс - ҳар иккى томон даъволарини қисман кондириш асосида битимга келтириш, бир-бирларидан кечирим сўратиш;

- принципиал, қонуний, ишчанлик билан ҳал қилиш: объектив талабларини кондириш ёки конструктив ихтилофларда бирор томоннинг "баҳридан ўтиш", ишдан ҳайдаш ёки "айини бўйнига кўйиб" вазифасидан бўшатиш;

- ташкилий йўл билан ихтилофни бартараф этиш - соҳа ёки бўлимни тугатиш, "штатни қисқартириш", лидерни бошқа ишга ўтказиш ёки бўшатиш ва ҳ.к.

Таълим муассасаларида тез-тез содир бўлиб турадиган ихтилофларнинг аксарияти кўпинча асабийликларнинг вужудга келишига сабаб бўлади ва бу ўз навбатида стрессли вазиятларни вужудга келтиради.

Стресс. Асабийлик ва кескинлик сўzlари инглизчада стресс [stress] деган маънени англатади. Стресс тушунчаси ижтимоий психологияда шахсга нисбатан таъсир этаётган вазиятлар, омиллар натижасида вужудга келаётган ҳолатни ифодалайди. Масалан, инсонлар фаолият кўрсатаётган жамоадаги руҳий мухитнинг таъсири, ходимлар фаолият кўрсатаётган хоналардаги ҳароратнинг жуда юқорилиги ёки паст даражадалиги, ўткир хидлар, етарли даражада ёритилмаганлик, ўқув куролларининг етишмаслиги, ортиқча ва мураккаб бўлган топширикларнинг берилиши ва ҳ. к. шулар жумласидандир.

Умуман олганда, стрессларнинг вужудга келиши тез-тез учраб турадиган жараён, кучли таъсир этмайдиган, яъни ўта зўриқишига олиб келмайдиган, мухим аҳамиятга эга бўлмаган стресслар муқаррар ва зарарсиз бўлиб, хаддан ташкари зўриқишига, кучли сиқилишига ёки ҳолдан тойишга олиб келадиган стресслар эса шахс учун ҳам, таълим муассасаси учун ҳам кийинчиликлар, кўйилган мақсадларга эришишда муаммолар келтириб чиқаради.

Стресс деганда инсоннинг ташки мухит таъсирига, стимулларга ёки стрессорларга жисмоий, аклий ва психологик реакциялари мажмуй тушунилади. Бунда ташки мухитнинг таъсири ва ички ихтилофлар туфайли вужудга келаётган зўриқишлар инсоннинг физиологик ва психологик функцияларини мувозанатдан чиқаради.

Таълим муассасаларида бошқарув фаолиятининг илмий асосда ташкил этилмаслиги ҳамда раҳбарларнинг зътиборсизлиги натижасида ва қўйидаги омиллар таъсирида стрессли вазиятлар келиб чиқиши мумкин:

- педагогик ходимларнинг ёши, билими, кўнишка ва малакаси ҳамда қобилиятлари хисобга олинмасдан, имкониятлари даражасидан ортиқча топширикларнинг берилиши, бажарилган топшириклар натижасининг адолатли баҳоланмаслиги;

- ёш педагогларнинг дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнидаги, янги жамоасидаги ўз вазифаси ва ўринини учалик аниқ тушуниб етмаслигидан фойдаланган холда кўпроқ камситилишларга йўл қўйилиши. Бундай вазият одатда ёш мутахассисларга етарли зътиборнинг йўклиги, топширикларнинг ноаниклиги, уларнинг таклифлари, интеллектуал қобилиятлари ва ижодий фаолиятларининг назар-писанд қилинмаслиги;

- ходимларга ўзаро боғлиқ бўлмаган ва уларнинг асосий фаолиятларига халақит кўрсатадиган хилма-хил топширикларнинг бир вақтда, шошилинч бажарилиши талаб қилиниши ва маълум вақт ўтгандан кейин уларнинг зътиборга олинмаслиги;

- раҳбарларнинг келиб тушган асоссиз, нотуғри ахборотларни ўрганмай ва таҳлил қилмасдан айрим ходимларга нисбатан шубҳа билан қараб, кўпчиликнинг ўртасида гумон қилинаётган ходимларга очикдан-очиқ тазийклар ўтказилиши;

- турли хил топширикларни бажаришда ташкилотчилик, таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишда фаоллик, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ташкил этишда ташаббус кўрсатиб, инновацион фаолият йўналишида ўз таклифлари билан чиқаётган ходимларга нисбатан раҳбарлар томонидан худди уларнинг раҳбарлик лавозимларини талашаётгандек қараб турли хил қаршиликларнинг кўрсатилиши;

- барча таълим муассасаларида бўлмаса-да, афсус учраб турадиган айрим раҳбарлар томонидан ўкув юкламаларини тақсимлашда, ходимларни ишга олишдаги адолатсизликлар. Масалан, таълим муассасаси якинида олий маълумотта эга бўлган педагог-мутахассислар бўлишига қарамай, ўрта маҳсус маълумотта ва бошқа нонедагогик мутахассисликка эга бўлган шахсларни ишга олиш ва ўкув юкламасини, яъни дарс соатларини тақсимлашда мутахассис бўлмаса-да уларга алоҳида зътибор қаратиш ва х. к.

Юқорида тўхталиб ўтилган ихтилофлар ва улар келтириб чиқариши мумкин бўлган асабийлик ва стрессларнинг олдини олиш, бартараф этиш ва уларнинг оқибатларини олдиндан англаш таълим-тарбия жараёнининг барча иштирокчилари, педагогик ходимлар ва раҳбарлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

## **1.8. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда персонални бошқариш**

Ўзбекистонда персоналии бошқариш мустақиллик шарофати билан истиқлолга эришилган йилларнинг бошларидан эътиборан шаклана бошлаган бўлиб, бунга биринчи навбатда маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиши, корхона ва ташкилотлар қатори таълим муассасаларига ҳам мустақиллик ва эркинликнинг берилиши, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг ривожланishi ва тадбиркорликнинг авж олиши ҳамда энг асосийси, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда бозор муносабатларига ўтилишида инсон манфаатларининг улуғланиши сабаб бўлди.

Таълим муассасаларида персонални бошқариш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, узлуксиз таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқарища, бошқарувчи-раҳбар ҳам, мутахассислар ҳам, ижрочилар ва ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳам инсон ҳамда инсон ресурслари хисобланади. Таълим муассасаларида персонални бошқариш ўз хусусиятига кўра таълим-тарбия жараёнини, тарбиявий муносабатларни ва уларнинг иштирокчиларини бошқариш сифатида намоён бўлади, у педагогик ходимларнинг самарали меҳнат қилиши, ўкувчиларнинг ўкув фаолиятлари билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш, мазкур жараёнда энг юкори натижаларга эришиш, рақобатбардош битирувчилар тайёрлашга қаратилган бўлади.

Мактабда умумий таълим-тарбия жараёни иккита кичик тизимлар доирасида, яъни дарс ва дарсдан ташқари (талим-тарбиявий) фаолият жараёnlарида амалга оширилади. Бу жараёnlарни ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган ташкил этувчи қисмларнинг ички табиатида мавжуд бўлган жараёnlарни ўз ичига олган ҳамкорликдаги фаолиятлар, шунингдек, ички шароит ва имкониятлар педагогик тизимни ташкил этади, бунда тизимнинг субъекти хисобланган педагоглар, ўкувчилар, отаоналар ва бошқарувчиларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бунда персонални бошқариш мактабнинг мақсади, белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган йўналиши, фалсафаси, таълим муассасаси томонидан танланган модел, стратегия ва тактикаси амалга оширилади.

Таълим муассасаларида персонални бошқариш муассасанинг маҳсус функционал хизматларини амалга оширишда ва кўзланган мақсадларга эришишда тегишли раҳбарларнинг муассаса фаолиятини такомиллаштириш, стратегик режалар асосида ривожлантириш, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларидан ва бошқа барча ходимларнинг қобилиятлари ва имкониятларидан янада самаралирок фойдаланиш вазифаларини бажаришга қаратилган турли хил фаолиятлар мажмуасидир.

Персонални бошқариш - бу кўзланган мақсадларга эришишда таълим муассасасининг фаолиятини такомиллашти-

риш ва ривожлантириш, таълим-тарбия жараёни иштирокчилари, педагог-мутахассислар ва барча ходимларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиришда бошқарувни амалга оширишнинг мухим механизми сифатида таълим-тарбия жараёни иштирокчилари-нинг ўз вазифасига масъулият, яъни фаолиятлари натижаларига жавобгарлик ҳиссини шакллантириш ҳамда мақсадга эришишда умумий маңбаатларнинг уйғулашувини ҳисобга олган ҳолда бошқаришни самарали амалга оширишини назарда тутади.

Персонални бошқариш ўзаро боғлиқ бўлган бир неча фаолият жараёнлари, яъни мураккаб бошқарув жараёни сифатида намоён бўлиб, бунда таълим муассасасининг муваффақияти нафакат биргина раҳбарлар фаолиятига, балки ўкувчиларнинг ўкув фаолияти, ходимларнинг фаолликлари, ўз меҳнатларининг натижаларидан қониқиш ҳосил қилишлари ҳамда бутун бир таълим муассасаси фаолиятининг мувофиқлаштирилганлигига боғлиқ бўлади. Бунда таълим-тарбия жараёни иштирокчилари, унинг ташкилотчилари ва бошқа ходимларнинг салоҳиятини, яъни таълим муассасасининг илмий-педагогик салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш, уларнинг ижодий фаолиятларини ташкил этишга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш йўналишида барча зарурий чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш зарур бўлади.

Таълим муассасаларида мақсадга эришишга йўналтирилган бундай бошқарув функционал ва ташкилий бошқарувларни ўз ичига олиб, ҳар иккаласи ҳам таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштиришга ва илмий-педагогик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган бўлади.

Функционал бошқарув дейилганда кадрлар соҳасидаги ишлар билан боғлиқ бўлган барча вазифалар ва қарорлар масалан, кадрлар таъланаш, улардан фойдаланиш, малакасини ошириш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, рағбатлантириш ва мукофотлаш, лавозимларга тайинлаш, ишдан бўшатиш ва ҳ.к. тушунилади.

Ташкилий бошқарув. Бу тушунчага ташкилий жиҳатдан кадрлар билан ишлашга жавобгар бўлган барча шахслар ва институтлар, масалан, раҳбарлар, кадрлар билан ишлаш бўлими, мактаб кенгashi, педагогик кенгаш, илмий-методик кенгаш, касаба ўюшма кўмиталари ва бошқа жамоатчилик ташкилотларини ҳам киритиш мумкин.

Персонални бошқариш таълим муассасаларида ўзига хос жараён бўлиб, бошқаришнинг маълум бир функционал вазифаларини бажаришга йўналтирилган бўлади, яъни персонал фаолиятига баҳо бериш, аттестациядан ўткизиш, рағбатлантириш ва юкори лавозимларга тавсия қилиш каби мураккаб ва зиддиятли вазифалар билан ҳам боғлиқ бўлади. Юкорида санаб ўтилган вазифаларни яхлит бир тизим сифатида олиб қарасак, персонални

бошқариш тизими ўзига хос мураккаб бўлиб, у қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- таълим муассасаси олдига қўйилган мақсадларга эришишда ходимларнинг фаолликларини таъминлаш;
- барча фанлар бўйича мутахассислар билан таъминлаш;
- педагогик ходимларнинг қобилияtlари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш;
- жамоа аъзолари манфаатларининг уйғунлашуви ва уларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан қониқиши ҳосил қилишларига эришиш;
- таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш;
- таълим муассасасининг инновацион фаолиятини амалга оширишда педагогик ходимлар ва ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишга зарурий шарт-шароитларни яратиш;
- таълим муассасасининг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришда турли таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ходимларнинг илмий-амалий ҳамкорлик ишларига ёрдам кўrsатиш;
- педагогик ходимларнинг илмий-тадқиқот ишларига шарт-шароитлар яратиб бериш ҳамда мазкур йўналишдаги фаолиятларини кўллаб-куватлаш;
- илфор педагогик тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг фаолиятини оммалаштириш ва фан-техника ютукларини ўз фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш;
- мутахассисларнинг ўз устида мустақил ишлаши, билим, кўникма ва малакаларини орттириб бориши, ўзаро тажрибалар алмасиниши ҳамда ўз вактида малака оширишлари учун имкониятлар яратиш ва ҳ. к.

Персонални бошқариш йўналишидаги юқорида санаб ўтилган вазифаларга эътибор қаратадиган бўлсак, булар мазкур йўналишдаги барча вазифаларни камраб олмаган бўлса-да, ўзига хос мураккаб жараён эканлигидан далолат бериш билан бир каторда, уларнинг ҳар бири таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, таълим муассасаси мақсадларига эришиш, замонавий талаблар асосида педагогик фаолиятини ташкил этиш ҳамда рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш йўналишида ҳар бир педагогнинг билими, кўникма ва малакаси, фаолиятлари қандай бўлиши кераклигига нисбатан баҳо беради, яъни талаблар белгилайди.

Персонални бошқаришнинг мазмун-моҳияти бу раҳбарлар томонидан педагогик ходимлар ва ўқувчилар фаолиятини, умуман олганда жамоа аъзоларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш билан боғлик бўлиб, таълим муассасасини бошқаришда ходимлар билан ишлаш ва уларнинг фаолиятини бошқариши доимий ривожлантириб бориш демакдир.

## **И БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ РАҲБАРЛАРИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ**

### **2.1. Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари**

Узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотлар, таълим жараёни субъектлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиб бериш асосида таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари, умумий ўрта таълим муассасаларида мавжуд муаммоларининг ечимини топиш, бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик методларидан воз кечиб, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолиятини демократик тамойиллар ва инновацион ёндашувлар асосида шакллантиришни тақозо этмоқда.

УЎТМда педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқарип ва назорат қилиш, ўқитувчи ва ўқувчиларга зарурий шарт-шароитларни яратиб беришда фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўрикларини танлаш, қарор қабул қилиш; педагог ходимларнинг имконияти, қобилияти ҳамда вазифаларнинг мазмун ва можиятига кўра вазифаларни тақсимлаш; педагог ходимларнинг узлуксиз малака ошириши учун зарурий шарт-шароитларни яратиш; моддий-техник ва замонавий илмий-методик маҳсулотлар билан таъминлаш; илғор педагогик тажрибалар ва замонавий ахборотлар технологияларни татбиқ этиш; ДТС талабларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб боришини ташкил этиш; УЎТМ ривожланиш мойиллиги ва динамикаси бўйича ахборотлар тўплаш ва тахлил қилиш; педагогларнинг инновацион фаолият натижаларига қизикишини шакллантириш ва рағбатлантириш асосида инновацион фаолиятни ташкил этиш; қабул қилинган қарор ва буйрукларнинг бажарилишини назорат қилиш УЎТМ раҳбарларининг асосий функционал вазифалари хисобланади.

УЎТМ раҳбарларининг функционал вазифаларини амалга ошириш жараёни кўзланган натижаларга зришишда маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, тахлил қилиш ва объектив баҳолаш, педагог ходимлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни қамраб олган ҳолда раҳбарнинг бошқарув фаолиятини ифодалайди.

Демак, бошқарув мақсадга йўналтирилган таъсир, яъни субъектнинг объектга таъсири натижасида объектнинг фаолиятини мувофиқлаштирилиши бўлиб, УЎТМда педагогик жараёнлар самарадорлигини таъминлашда субъектлар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ва объектив баҳолаш, рағбатлантириш асосида мувофиқлаштириш раҳбарларнинг бошқарув фаолиятини ифодалайди.


ҮҮТМ раҳбарлари ва педагогик жараёнлар субъектларининг таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва самарадорлигини таъминлаш йўналишларидаги фаолиятлари ҳамкорликдаги бошқарув фаолияти бўлиб, ҮҮТМ фаолиятини ташкил этишда, кўзланган натижаларга эришишда маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, мазкур жараён иштирокчиларига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини мувофикалаштиришни ифодалайди.

Шундай экан, ҮҮТМ фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўналиши бўйича ҮҮТМ раҳбарлари белгиланган мақсадга эришиш учун вазифалар белгилаш; фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўрикларини таъланаш, қарор қабул қилиш; вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра мутахассисларни таъланаш ва бажариладиган вазифаларни таъсимилаш; ҮҮТМниң ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниклаш учун педагог ходимлар ва ўкувчилар ўртасида анкета сўровлари ва сұхбат ўtkазиш асосида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш; ҮҮТМ фаолиятини ривожлантириш ва тақомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни қайта кўриб чиқиш, янгилаш, лавозимлар бўйича давлат талаблари асосида кадрлар таъланаш ва жой-жойига кўйиш; педагог ходимларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш; қабул қилинган қарор ва буйруқларнинг бажарилишини назорат қилиш каби функционал вазифаларни бажариши лозим.

Шундай экан, ҮҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти ҮҮТМ фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, педагогик жараёнлар самарадорлигини ошириш, педагогик жараён субъектлари фаолиятини тақомиллаштириш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва мувофикалаштириш, ўзини-ўзи бошқариш ва ривожлантириш каби йўналишларни (10-расм) қамраб олади деб айтиш мумкин.

Педагогик жараёнларни ташкил этиш, бошқарип, сифат ва самарадорлигини ошириш йўналишидаги фаолият жараёнида ҮҮТМ раҳбарлари томонидан илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, замонавий ахборотлар коммуникацион технологияларини амалиётта татбиқ этиш; ДТС талабларини амалиётда қўллаш ва унинг мониторингини олиб боришни ташкил этиш; таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш; моддий-техник ва замонавий илмий-методик маҳсулотлар билан таъминлаш; таълим муассасаси ва социум муносабатларида узлуксиз алоқани таъминлаш каби мухим вазифаларни амалга оширилиши зарур.

## УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йұналишлари



10-расм. УҮТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йұналишлари

Ўзини-ўзи бошқариш ва ривожлантириш йұналишида УҮТМ раҳбарлари раҳбарлик услубларини ва уларнинг турли шакллари хамда усулларини ўзлаشتiriши ва улардан вазиятларга кўра оқилона фойдалана олиши; ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзини тута олиши, эҳтиосларга берилмаслик; ташаббускор бўлиши; кўпчилик дарди билан яшashi; ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳамижодкорлик билан иш юритиши; виждонли ва адолатли бўлиши; самимий, вазмин, бағрикенг бўлиши; ижодкор, бунёдкор ва яратувчая бўлиши; талабчан ва меҳрибон, вактнинг қадрига етадиган, хушмуомала иносон бўлиши; ўзини-ўзи баҳолапши, ўз фаолиятini ва шахсий сифатларини ўзи томонидан ташхис этиши; адолатли бўлиши; ходимларга зътибор билан караши; бўйсунувчилар билан сухбатлашганда маъruzачига айланаб қолмаслик, зътиборли тингловчи бўлиши; адолатпарвар ва ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли журъатли, жасур бўлиши - кўркоклик ва ҳадисирашларга йўл қўймаслиги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга асосланниш хамда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, бошқарувнинг педагогик, психологик ва ижтимоий-иктисодий асосларини ўзлаشتiriш, шулар қатори бошқарув жараёнига инновацион ёндашув технологияларини жорий этиш каби вазифаларни амалга ошириши зарур.

Ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятini ташкил этиш ва мувоifiklaشتiriш йұналишида УҮТМ раҳбарлари ҳамкорликда қарорлар қабул қилиш, қарорлар қабул қилиш жараённига барча ходимларнинг иштирокини таъминлаш; белгиланган мақсадга эришиш йұналишида вазифалар белгилашда ходимларнинг

таклифлари ва фикрларини инобатта олиш; турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг хатти-харакатларини, муносабатларини мувофиқлаштириш, уларнинг имкониятлари ва қобилиятларидан тўғри фойдаланишини ташкил этиш, мотивлаштириш ва назорат қилишга алоҳида эътибор қаратишлари зарур ҳисобланади.

Педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш йўналишида УЎТМ раҳбарлари ўқувчиларнинг фанлар бўйича мунтазам билим олишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиш, уларда билим олиш эҳтиёжини мунтазам шакллантириш ва ривожлантириб бориш, ўқувчиларда асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўнкимларини, ижодий фикрлаш, атроф-мухитта онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратиши; таълим тизимини модернизация қилиниши, уни таркибий жихатдан кайта куриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иктисадиёт ҳамда маданиятнинг жаҳон миёсидаги замонавий ютукларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини ўзгартириб, янгилаш борилишига ҳамда ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этилиши, таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуалар билан таъминланишига эришиши зарур ҳисобланади.

Инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишида УЎТМ раҳбарлари таълим муассасасида ижодий муҳит яратиш, педагог ходимларда ташабbusлар ва янгиликларга қизиқиши шакллантириш; инновацияларнинг қабул қилиниши ва амал қилиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиш; инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва кўллаб-кувватлаш механизмларини яратиш; инновацияларни оммалаштириш; инновациянинг асосланганлик даражасини аниқлаш; инновациянинг ихтилофлилиги, аҳамиятлилиги таваккалчилик даражасини аниқлаш; инновациянинг вазиятта алоқадорлилиги, структуравийлиги ва бошқарувчанлиги ҳамда ижтимоий мўлжалланганлиги, уларнинг субъектлар томонидан қабул қилинишини инобатта олган ҳолда инновацион фаолиятни ташкил этиш каби қатор вазифаларни амалга оширадилар.

УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш йўналишида УЎТМ раҳбарлари томонидан педагогик жараёнларни ташки мухитнинг ўзгаришларига мос равишда ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш; бошқарувнинг демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш тамойиллари асосида мувофиқлаштириш ва инновацияларни жорий этишда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш; бошқарув йўналишидаги

тушунчаларини мунтазам янгилаб бориш ва ривожлантириш асосида кўзланган мақсадларга эришишнинг янги йўллари ва воситаларини излаб топиш; ўзини-ўзи бошқариш ҳамда ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш; таълим муассасасини мунтазам ривожланиб боришини олдиндан кўриш ва режалаштириш; жамоанинг илмий-методик ва илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириб бориш; муассаса ининг фаолияти, таълим-тарбия жараёнининг ҳолати, ходимларнинг ўз вазифасига бўлган муносабати, ўзаро муносабатлар, яъни ўкувчи ва ўқитувчиларнинг муносабатлари, шунингдек, умумий мақсадга эришиш учун амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлиги, ўкувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда ташкил этилаётган дарсларнинг сифати тўғрисида ахборотлар тўплаш; тўпланган ишончли ахборотларни тахлил қилиш ва умумий ҳолатни ўрганиш асосида бошқарув фаолиятини ўзгартириш, такомиллаштириш; ахборотларга асосланган ҳолда, бошқарув фаолиятининг самарадорлигини тахлил қилиш ва такомиллаштириш йўналишлари ва муассаса фаолиятини яхшилаш учун амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаш; белгиланган вазифаларни ходимларнинг билими, кўникма ва малакалари, шунингдек, касбий тажрибаларига кўра тақсимлаш; педагогик жараёнлар самарадорлигини ошириш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этиш; жамоа аъзоларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш; таълим муассасасининг ривожланиш имкониятларини аниглаш ва такомиллаштириш йўналишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича улар томонидан бажариладиган ишларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғликлиги ва алокадорлигини кўришимиз мумкин. Демак, мазкур бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлиги УЎТМ раҳбарининг бутун бир бошқарув фаолияти самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятини ташкил этишда юқорида келтирилган бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича бажарилиши зарур бўлган вазифаларни амалга оширишда тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этиш заруратиши белгилайди.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича ўз функционал вазифаларини амалга оширишида педагоглар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши, УЎТМ барча ходимларнинг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг асосда қоникиш ҳосил қилишлари, жамаодаги тўғри меҳнат тақсимоти, ходимларда ўз вазифаларига нисбатан масъулият ҳиссининг шаклланиши, ўкуучилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия

ишларининг ташкил этилиши ва сифати, ўқувчиларнинг соғлигини мустажкамлаш, жисмоний жиҳатдан ривожланishi, яъни болалар спортини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда ўқув жараёнини ҳозирги замон талаблари даражасида илмий асосда ташкил этиш самарадорлиги кўп жиҳатдан УЎТМ раҳбарлари томонидан ўз бошқарув фаолияти йўналишлари бўйича функционал вазифаларини қай даражада тушуниб этиши ва амалга оширишига боғлик бўлади.

УЎТМ раҳбарларининг функционал вазифаларини амалга ошириш жараёни педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва такомиллаштириш, унинг натижавийлигини таъминлаш, кулай таълимий муҳитни қарор топтириш ва барқарорлаштириш учун жамоада зарурий шарт-шароитларни яратиш, ўқувчилар ва педагог ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, УЎТМ билан маҳалла ва ота-оналар ҳамкорликларини таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда ҳамкорликдаги бошқарувни жорий этиш вазифалари бошқарув фаолиятининг турли йўналишларига тегишли бўлиб, булар ҳам ўз навбатида тизимли ёндашувни татбиқ этиш заруратини белгилайди.

Бизнинг фикримизча, УЎТМ фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, белгиланган мақсадларга эришиш учун субъектларда масъулият ҳиссини шакллантириш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижаларига иштирокчиларда кизиқиш ўйғотиш, педагогик жараёнлар иштирокчиларининг ўз меҳнат фаолияtlари натижаларидан тенг манфаатдор бўлиши ва қоникиш ҳосил қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш, яъни инновациян жараёнларни ташкил этиш орқали УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш йўналишида турли ҳил масалалар юзасидан, турли даражадаги, мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра бир-биридан фарқ килувчи қарорлар қабул қилишда жамоа аъзоларининг фикрини ўрганиш ва таклифларини инобатта олиш, мазкур жараёнларда барча ходимлар иштирокини таъминлаш, мақсадга эришиш йўналишидаги масалаларни ва муаммоли вазиятларни ижобий ҳал қилишда УЎТМ раҳбарлари томонидан педагогик тизимларни бошқаришда ўзига ҳос аҳамият касб этувчи ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис, тартибга солиш-мувофиқлаштириш каби бошқарув функциялари амалга оширилади.

УЎТМ фаолиятини такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш, мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимини топиш, инновациян жараёнларни ташкил этиш ва ривожлантириш, турли ҳил масалалар юзасидан қарорларни УЎТМнинг барча аъзолари иштирокида, яъни умумий йиғилишларда қабул қилиш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш УЎТМ раҳбари бошқарув фаолиятининг турли

йўналишларига тегишли бўлиб, раҳбарлар томонидан бошқарув функцияларини амалга ошириш жараёнида бажарилади. Мазкур фаолиятнинг самарадорлиги олдиндан белгиланган мақсадга эришиш йўналишида амалга оширилаётган хатти-харакатлар мажмуюи, яъни бошқарув жараёни босқичлари сифатида УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғликлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш орқали белгиланади.

УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғликлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у мақсадга эришишда харакатлар изчиллиги билан белгиланади. Яъни бу жиҳатлар ўз-ўзидан мақсадга кўра аникланмайди, балки мақсадга эришишдаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро тушуниш, ўзаро таъсир жараёнининг самараси, жамоадаги қулай руҳий муҳит, жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар орқали белгиланади. УЎТМнинг асосий мақсади умумий бўлиб, у ўзгармаса-да, мазкур мақсад белгиланган вақтдаги шарт-шароитлар ҳамда жамоа аъзоларининг таркиби ўзгариши натижасида УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг самарадорлиги ўзгариши мумкин.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолиятининг самарадорлиги жамоадаги қулай руҳий муҳит, жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар, шунингдек, раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларнинг билими, касбий кўнкимга ва малакалари даражасига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишларининг ўзаро боғликлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлаш учун тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этилишига ҳам боғлиқ бўлиши УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёни ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўрсатади ва бу ўз навбатида, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ўргакиш ва уларни инобатга олиш заруриятини белгилайди.

## 2.2. Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари бошқарув фаолиятида раҳбарлик услублари

Раҳбарлик услублари ва унинг мазмун-моҳияти раҳбар ўзининг бошқарув фаолиятида афзал билган ва асосланган барча усуслар ва харакатининг тактика ва стратегияларидан ташкил топган тизим сифатида қаралади. Бунда бир томондан стратегиялар билан бошқарув фаолияти мазмунни, бошқа томондан бу тизимнинг ўзи, инсон фаолияти муҳитида турли аҳамиятта эга бўлган харакатлар ва шу қатори профессионал фаолият бошқарув субъектининг ривожланишида ҳамда унинг профессионал мутахассис сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Раҳбарлик услуби - бу раҳбарнинг бўйсунувчиларга нисбатан таъсир кўрсатиши ва кўзланган мақсадга эришишга ундашида бўйсунувчилар билан бўлган ўзаро муносабатлардаги одатий ҳаракатлари бўлиб, қуйидагиларга асосан аниқланади:

- қарорлар қабул қилиш жараённида бўйсунувчиларнинг иштирок этиш даражаси;

- бўйсунувчиларнинг маълумотлар ва ахборотлар билан таъминланishi;

- раҳбар томонидан қўлланилаётган иш услублари, яъни, у ёки бу масалани ҳал қилишда унинг ўзига хос ёндашиши.

Кўпчилик мутахассислар раҳбарлик услубларини таснифлашида мазкур жараённинг бош мезони ва ташкилий тамойили сифатида яккабошлиқ билан коллегиаллик нисбатининг устуворлигига эътибор беришади. Шундан келиб чиқиб, раҳбарнинг бошқарув фаолияти асосий услубларининг мазмун ва моҳиятига тўхталиб ўтамиз.

1. Авторитар (директив) услубда раҳбар ўз иродасини қўл остидагиларга маъмурий куч воситасида ўtkазишга интилади, яъни мажбурлаш, кўрқитиш, рағбатлантириш ва бошқа чоратадбирлардан фойдаланади. Бу хил бошқарувчилик бевосита бўйруқ ва фармойишлар беришга асосланиб, бошлиққа сўзсиз бўйсунишни тақозо қиласи. Жамоа аъзоларининг бевосита муроқотда бўлишини чегаралаб кўяди. Ўзининг ноўрин ҳаракатларининг таққид қилинишига чидай олмайди. Бундай вазиятда ходимларнинг меҳнат жараёнига муносабатлари, айrim шахснинг мағфаатлари психологик жиҳатдан эътиборга олинмайди. У ўз ходимларига ишонмайди, барча мавжуд ахборотларни ўзи орқали ўtkазишга ҳаракат қиласи.

Бу "ажратиб ташла ва ҳукмронлик кил" тамойилига асосланган шафқатсизларча услубdir. Бундай услуг гарчи бирмунча самарали бўлса ҳам, аслида, жамоада мухолифлик, ворозилик кайфиятини шакллантиради. Бундай услуг таъсирида инсон ўз меҳнатидан қоникмайди, унинг натижаларидан бегоналашиб қолади, меҳнат унумдорлиги пасаяди, иш сифати ёмонлашади, расмиятчилик авж олади, таъкиб, чакимчилик, гурухбозлик каби иллатларнинг кучайишига яккаҳокимликка интилиш сабаб бўлади. Автократ раҳбар жамоадаги муносабатларни издан чиқаради, жамоанинг меҳнат унумдорлиги тушиб кетишига олиб келади. Бунда мазкур услубнинг турли хил шакли ва усуllibari вужудга келади:

а) мутлоқ - диктаторлик шаклида - раҳбарнинг қарор қабул килишида бўйсунувчилар иштирок этмайди ва у муттасил бўйруқ беришга, мажбурлаш, кўрқитиш орқали ходимларни ўз истакларига сўзсиз бўйсундиришга интилади;

б) автократик усул - яккаҳокимлик тушунчасини билдиради, яъни ҳукмронликни амалга оширувчи раҳбарнинг иктиёрида кенг имконият ва ваколатлар бўлишини кўзда тутиб, бу маъмурий

бўйруқбозлилкка асосланган бошқарувнинг бюрократик тури; бунда раҳбар лавозимларга кўра бўйсуниш тартибини ворасмий белгилайди; раҳбар ва ходимлар аниқ бир ўрватилган қоидалар тизимига бўйсунадилар;

в) патриархал ёки матриархал шаклида раҳбар “оила бошлиғи” мавқеидан фойдаланиш ёрдамида қарорлар қабул қиласди, кўл остидагиларнинг фаолияти учун жавобгарликни ўз зиммасига тўлиқ олган ҳолда қабул қилган қарорларини тушунтиради ва бўйруқ беради; ходимлар унга нисбатан жуда катта ишонч билдиришади ва шунга асосан бўйсунишади;

г) илтифотли - харизматик шакли, бунда раҳбар шахснинг ўзига хос такрорланмас донолик, хайрихонлик, қаҳрамонлик, мардлик каби хусусиятларига асосланган юкори даражадаги мавқеидан фойдаланади; ходимлар унинг хатти-харакатларини, мақсадлари йўналишини ўзаро муносабатлар жараёнида кузатишади, шунингдек, унинг ижобий сифатларига, ички дунёқарашига ҳурмат билан қарашади.

2. Либерал (эркин иш юритиш) услуби раҳбарнинг ўз қарорларини тавсиялар кўринишида бериши, ходимларнинг ишига камроқ аралashiши билан тавсифланади. Бунда раҳбар воситачи сифатида фаолият кўрсатади, ходимларига кенг доирада мустақиллик, тўла эркинлик бериш билан бир қаторда уларнинг харакатларига кам эътибор беради ва назоратни сустлик билан амалга оширади. Либерал-раҳбар турли хил низоларнинг келиб чиқишидан чўчийди, шунинг учун муассаса фаолиятини, асосий ишларни ўз оқимида ташлаб қўяди, шунингдек, ўз зиммасига маъсулият олишини ёқтиромайди. Суистемолликларга бевосита йўл қўймаса ҳам ўзини билмасликка солади, иродасиз, ташаббусиз бўлиб, ташқаридан кўрсатиладиган таъсиirlарга майиллиги кучли бўлғанлиги сабабли юқорида ёки қуйидан кўрсатилган тазайиклар уни ҳаракатга келтириши мумкин. Танқидларни қабул қиласди, лекин ундан хулоса чиқармайди, келишувчанлик асосида фаолият кўрсатади, яъни ходимлар билан ўзаро муносабатларни бузмаслик учун уларнинг барча талабларини бажаради. Қоидага кўра жамоада расмий ёки ворасмий гурухларни бошқарувчи бир-иккита фаол инсонлар мавжуд бўлади, улар ва айрим вазиятлар (жамоа аъзоларининг ўз ишига ижодий ёндашуви ва ижобий муносабатлари) жамоа фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Мазкур услубда фаолият кўрсатувчи раҳбарда ташаббуснинг йўклиги ва юкори бошқариш органларининг кўрсатмаларини сўзсиз бажариши ҳамда юкори лавозимдагиларнинг кўрсатмаларида асосан фаолияти ташкил этиши унинг заиф томонларини, қатъиятсизлиги ва локайдлигини, низолардан, вазиятнинг кескинлашувидан чўчишини кўрсатади. Бу ўз ўрнида жамоада тартибсизлик вужудга келишига, ходимларнинг хатти-харакати устидан назоратнинг йўқолишига, ворасмий

гурухбозликларни авж олишига ҳамда турли хил масалалар, ҳатто, муассаса ҳаётида мухим аҳамият касб этувчи масалалар ҳам раҳбарнинг иштирокисиз ҳал этилишига олиб келади.

Бундай раҳбар барча ходимлари билан хушмуомала, ўзини ҳаддан ташқари эҳтиёт қиласди, бирон-бир бўйсувувчи ходим билан ҳам алоқани бузишни истамайди. Қабул қилган қарорлари агар бўйсувчилардан бирортасининг шуҳратига таҳдид солса, ихтиёрий вазиятда олдин қабул қилган қарорларини бекор қиласди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ушбу раҳбарлик услубининг кўйидаги усул ва шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) коммуникацион мойиллик - бунда раҳбар ўзи қарор қабул қилишта қийналади ва шунга асосан ходимларни хабардор қилгандан кейин қарор қабул қиласди. Ходимлар турли хил саволларни бериши, ўз фикрларини билдириши мумкин, лекин белгиланган тартиб ва кўрсатмаларга амал қилишади, бу бошқарувнинг маслаҳатли усули бўлиб, ходимлар ўртасида аниқ ахборотлар алмашинуви ҳамда ўтказилган сұхбатлардан кейин раҳбар қарор қабул қиласди, шунингдек, қабул қилинадиган қарор тўғрисида ва муаммонинг ижобий ечими бўйича ходимлар томонидан берилган таклифлар асосида қабул қилинган қарорлар улар томонидан бажарилади;

б) ҳамкорликда қабул қилинган қарорлар асосида бошқарув - раҳбар муаммонинг ечимини топиш учун барча ходимларни жалб этади ва бунда муаммони ечиш тартибини ўзи белгилайди, шунингдек, ўзининг барча хуқуқлари ва ваколатларини саклаб қолган ҳолда ходимлар томонидан муаммонинг ечими бўйича қарор қабул қилинишига рухсат беради.

3. Демократик (коллегиал) услубда раҳбар ўз фаолиятини ўзининг жамоаси аъзоларига таянгай ҳолда, жамоа фикрини инобатга олиб амалга оширади. Бошқарув ваколатлари, фаолият учун жавобгарлик бўйсувчилар ўртасида тақсимланади. Ходимларнинг ўзаро муносабатларини рағбатлантириш билан биргаликда уларнинг билдирган фикрига қулоқ солади, улар билан маслаҳатлашади, ижобий томонларини инобатга олиб рағбатлантириб боради.

Бу услугуб “бошлиқ”-“тобе” муносабатлари даражасида эмас, балки “инсон-инсон”, “инсон-техника-инсон”, “инсон-китоб-инсон”, “инсон-табиат-инсон”, “инсон-санъат-инсон” каби тарбиявий муносабатлар шаклида бўлишини кўзда тутади ва бунда раҳбар билан ходимларда бир-бирига нисбатан ишонч, ўзаро тушуниш ҳамда жамоада дўстона муносабат, ишчан мухит вужудга келади. Раҳбар ўзини жамоанинг бир аъзоси сифатида тутади, унинг олдида ҳар бир ходим ўзини эркин ҳис қиласди ва турли масалалар юзасидан фикрларини бемалол ифодалайди.

Мазкур услубда фаолият кўрсатувчи раҳбар ташаббускорликни рағбатлантиради, барча билан самимий

муносабатда бўлади, ўз мавқеи устуклигини билдирамайди, ҳамкорлик учун кулай вазиятни яратади, қўл остидагиларга қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имконини беради, улар томонидан билдирилган тақсидга тўғри муносабатда бўлади ҳамда турли хил вазиятларни инобатта олган ҳолда ёндашувларни амалга оширади.

Бундай раҳбарлик услугини такомиллаштириш йўналишида куйидаги бир неча усул ва шаклларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) инновация орқали бошқарув, бу фаолият йўналишида хилма-хил ташаббуслар ва янгиликларни ўз ичига олувчи, таълимнинг ривожланишига хизмат қилувчи инновацияларни ишлаб чиқиш талабларини белгилайди;

б) мақсад йўналишидаги топшириклар орқали бошқарув - бу усулдаги бошқарув биринчи ўринда барча бўғинлар бўйича поғонавийлик асосида мақсадга эришиш йўналишида вазифалар белгилайди, маълум бир белгиланган тартиб ва режага ҳамда текширувлар таҳлилига, эришилган ютукларга асосланган ҳолда мақсадга эришиш методлари ва йўлларини белгилашда эркинлик беради;

в) ходимларнинг алоқадорлиги орқали бошқарув - мақсадни шакллантириш, шунингдек, узи амалга ошириш ва таъминлаш жараёнида ходимларнинг иштирокини таъминлаш;

г) келишилган мақсад орқали бошқарув - бу бошқарув мақсад йўналишидаги топшириклар ва ходимларнинг алоқадорлиги орқали бошқарувларнинг ўзаро бириккан шакли бўлиб, эришиш зарур бўлган мақсадларни белгилашда ходимлар иштирок этишади ва жорий мақсадларга эришиш йўналишлари келишилади;

д) тизим орқали бошқарув - муассасанинг кўпгина вертикал ва горизонтал тузилган бошқариш шаклларига эга эканлигидан келиб чиқиб, бошқарув амалга оширилаётган жараёниларни умумий назорат қилишга эътибор қаратади. Муассаса ташки тузилишига кўра очиқ, динамик, алоҳида комплекс ва бир бутун тизим хисобланади. Бу тушунчалар куйидаги белгиларга асосан фарқланади:

- 1) бошқарув мақсадлари;
- 2) мослаштирилган бошқарув ахбороти;
- 3) назорат стандарти;
- 4) тез ва аниқ тескари алоқа;

5) назорат ахбороти (яхлит тизимга киритилган алоҳида аниқланган ахборотлар тизими билан чекли четга чиқишилар тўғрисидаги ахборот; таълим-тарбия жараёни, эгилувчан ва тизимлаштирилган фикр);

е) ватижга мўлжали орқали бошқарув - бунда натижага эришишнинг аниқ йўлларини белгилаш биринчи ўринга кўйилади. Бу лойиҳа аниқ режа асосида вазифалар белгилаш, назорат тизими, рағбат ва топширикларни талаб киласди;

ж) топшириқларни тақсимлаш орқали бошқарув - мустакил ишлап имконияти, қобилияти, ҳукуқларига эга бўлган ҳамда масъулиятни хис қиласидан ва жавобгарликни ўз зиммасига оладиган ходимлар ва шахслар ўртасида топшириқлар тақсимланиши;

з) муаммони ҳал қилиш қоидалари орқали бошқарув - бунда топшириқларни тақсимлаш билан биргаликда турли хил масалаларни ҳал этиш усулларини, умумий мақсадга эришиш ўйналишларини ўз ичига олади;

и) мотивлаштириш орқали бошқарув - ходимларнинг индивидуал талабларига, эҳтиёжларига мос келадиган рағбатларни ташкил этиш орқали бошқаришни кўзда тутади;

к) мувофиқлаштириш орқали бошқарув - муассаса фаолиятининг турли бўғинлари билан келишувлар асосида низоларнинг келиб чикишини камайтириш;

л) жараённи ўзлаштириш орқали бошқарувда раҳбарнинг ҳаракатлари аниқ бевосита таъсир кўрсатиш ва назорат қилиши орқали ажralиб туради;

м) шахсий ривожланиш орқали бошқарув - бу бошқарув турида шахснинг ривожланишига алоҳида аҳамият берилади, раҳбар ва ходимларнинг ўз устида ишлаши, шуғулланиши фаолиятни юқори даражада ташкил этишга хизмат қиласи.

Раҳбарнинг услуби - раҳбар ўз фаолиятида инсонлар билан кўллаётган ўзиға хос фаолият усуллари тизимиdir. Раҳбарлик услуби қарорлар тайёрлаш, уларни қабул қилиш ва амалга ошириш жараённада хатти-ҳаракатлари, мулоқоти, сўзлаш эркинлигининг берилиши, бошқа инсонларни эшитишда вужудга келади.

Раҳбарлик услублари бошқарув фаолиятининг энг зарур ва асосий ташкил этувчи уксури ҳисобланади ва раҳбар шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади. Келтирилган услублардан бирортаси ҳам ихтиёрий шароитларда кўлланилишига, универсалликка дъявогар бўла олмайди. Шунинг учун раҳбарнинг мухим сифатларидан бири турли хил услублардан фойдалана олиши, турли хил вазиятлардан, шароитдан келиб чиқиб уларни кўллай олиши ҳисобланади. Раҳбарлар у ёки бу услубни танлашда аникланган қатор омилларни ҳисобга олиши зарур.

1. Вазият (стресс, тинч аникланмаган). Масалан, вақт зик вазиятларда авторитар услугуб ўзини оклади.

2. Топшириқ (аниқ тузилишга кўра). Мураккаб топшириқларни бажаришда экспертларни жалб этиш, давра сұхбатлари ташкил этиш керак ва бунда демократик (коллегиал) услугуб зарур.

3. Гурух (унинг аъзоларининг живси, ёши, барқарорлиги). Топшириқларниң бажарилишига қизиқувчи, ўзаро иноқ жамоа учун демократик ёки (ижодий жамоада, топшириқларни

бажаришда ижодий ёндашувда) либерал услугубни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кейинги вактларда турли хил тизимларни бошқаришда "инсон омилига" кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Ўз ўрнида эътиборга олиш зарур, бошқарувда раҳбарлик услублари нафакат ташкилотнинг ривожланисига кўра аникланади, балки бошқа кўпгина омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улардан қуидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бошқариладиган ташкилотнинг тури ва ўзига хос хусусиятлари. Масалан, ҳарбий, педагогик, ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот жамоалари турли хил раҳбарлик услубларини талаб қиласди. Илмий тадқиқот жамоасида самарали бўлган услуб, ҳарбий жамоада самараасиз бўлиши ва аксинча бўлиши мумкин.

2. Топшириклар, бевосита ташкилотнинг тез ва навбатсиз бажариши зарур бўлган топшириклар раҳбарлик услубларини тез-тез алмаштириб туришни талаб этади, булар одатий, навбатдаги топшириклардан фарқ қиласди.

3. Тошлирикларни бажариш шароитлари, ташкилот олдида турган, тошлирикларни бажариш учун мавжуд қулай, ноқулай ва оғир шароитлар ўзига мос раҳбарлик услубларининг аҳамиятини белгилайди.

4. Фаолият воситаси ва усуллари (индивидуал, жуфтлик ёки гурухлар) ҳам раҳбарлик услубларини аниклайди.

Бошқарув фаолиятининг услубларини шакллантириш маълум даражада раҳбарнинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларига асосланади (мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий вазиятлар, бошқарув фаолияти муҳити ва ҳ.к.) ва бошқарув субъективининг ҳаракатларига тизим орқали таъсир кўрсатган ҳолда унинг индивидуал услубларини ривожлантиради.

Бошқарув фаолиятининг самарали услубларини шакллантиришда раҳбарнинг шахсий хусусиятлари, унинг маълумоти, касбий малакаси, ёши, соғлигининг ҳолати муҳим аҳамият касб этади. Бунда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзаро боғликлар мавжуд:

- бошқарув фаолиятининг услубий хусусиятлари билан раҳбарнинг бошқарув фаолиятининг асосини ташкил этувчи тушунчаларнинг компонентлари, унинг бошқарув фаолиятининг субъектив модели, ходимларнинг шахсий хусусиятлари, самарали бошқарув моделлари ўртасидаги боғликлар;

- самарали бошқарув фаолиятининг субъектив модели билан бошқарувнинг мақсади ва вазифаларини раҳбарларнинг тушуниши, уларнинг бошқарув фаолияти ҳолатларини ўзgartиришга таъсир кўрсатувчи муҳитнинг ўзаро боғликлиги;

- раҳбар шахсининг индивидуал-психологик хусусиятлари билан бошқарув фаолиятининг субъектив модели, бошқарув вазиятларини белгилаш, раҳбар амалга ошираётган бошқарув услублари ўртасидаги боғликлар.

Умумий ҳолатда бошқарув фаолиятининг услуги кўп даражали асосларни қамраб олувчи мураккаб тизим ҳисобланади. Раҳбарлик услубларининг замонавий тез ўзгарувчан шароитларда ўзгариши жамиятда ижтимоий-иктисодий шароитларнинг ўзгариши билан, шунингдек, раҳбарниңг шахсий хусусиятларининг ёшига боғлиқ ҳолда ўзгариши, профессионал бошқарув фаолияти кўникма ва малакалари, ривожланишининг ижтимоий вазияти, оиласи ҳолати, маълумоти ва бошқа сабаблар билан белгиланади.

### **2.3. Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг иш вақти ва ундан фойдаланиш**

Таълим муассасалари раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги улар сарфлаган вақт билан педагогик ходимларнинг меҳнат натижалари, яъни таълим-тарбия жараёни самарадорлиги, ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларининг ривожланиши, замонавий талабларга мос келиш ўлчови бўлиб, бу ўз навбатида раҳбарлар меҳнатининг натижасидир.

Раҳбарлар сарфлаётган вақт, улар учун зарур бўлган вақт ёки вақтнинг етишмаслиги каби тушунчаларга эътибор қаратадиган бўлсақ, буларнинг ҳар бири ўзига хос мазмун-моҳиятта эга бўлиб, барчаси вақтдан қандай фойдаланишга боғлиқ ҳолда тавсифланади.

Раҳбар сарфлаётган вақт - таълим муассасасининг фаолиятини тақомиллаштириш, педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш учун зарурий чора-тадбирларни белгилаш, моддий-техника базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бошқа ташкилотлар билан илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, юқори ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган турли хил тадбир ва ўйилишларга қатнашиш, ўқувчиларнинг ота-оналари билан сухбатлашим ўйналишидаги барча УЎТМдан ташқари ҳолатда, яъни уйда, кўчада ва бошқа ташкилотлардаги фаолиятлари билан барча УЎТМдаги фаолиятлари учун, у ақлий меҳнат бўладими, жисмоний меҳнатми, барчасига сарфланётган вақтдир.

Раҳбар учун зарур бўлган вақт - таълим муассасаси шарт-шароитлари ва фаолиятининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтадигав бўлсақ, раҳбарлар учун зарур бўлган вақтни, яъни бажарилиши лозим бўлган кўпгина вазифаларнинг муддатини бугунги кунги ривожланиш, қисқа муддатда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, таълим тизимининг ривожланаб бориши, ривожланаб бораётган фан ва техника ютуклари, ривожланаб бораётган замонавий талаблар, умуман олганда, кун сайин ривожланаб бораётган замон ва тақомиллашиб бораётган яшац, меҳнат килиш ва ўқиш шарт-шароитларининг ўзи белгилаб беради. Ижтимоий-иктисодий

ривожланиш, таълим тизимидағи ўзгаришлар ва фан-техника ютукларини УЎТМ амалиётига ўз вактида татбиқ этиш, шунингдек, мазкур тараққиёт билан таълим муассасасининг параллел ва боғлиқ ҳолда ривожланиб бориш зарурияти раҳбар олдига қўйган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган вақтни белгилаб беради.

Вақт танқислиги - бу тушунча раҳбарлик фаолиятида ёки умуман барча фаолиятлар давомида, яъни раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида бирон-бир вазифани бажаришга ёки айрим бир масалаларни ҳал қилишга улгурилмаган вазиятларда ишлатилади. Мазкур тушунча бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг бажарилиш муддатига нисбатан қўлланилди, яъни юкорида айтиб ўтганимиздек, вазифанинг бажарилиш муддатини белгилаш заруриятини аслида раҳбарлар эмас, балки ҳаётий эҳтиёжлар белгилайди. Масалан, вақт танқислиги сабабли УЎТМ ошхонасининг таъмирлаш ишлари биринчи кўнғирок кунига тугалланмади.

Демак, бу ерда ўқув йилининг биринчи кунига, яъни байрам кунига УЎТМ ошхонасининг фаолият кўрсатиш заруриятини умумий эҳтиёжлар белгилайди. Вақт етишмаслигига келсак, таъмирлаш ишларини режалаштириш ва амалга оширишда раҳбарнинг эътиборсизлиги ёки таъмирлаш гурухи аъзолари ишининг яхши ташкил этилмаганлиги сабаб бўлиши мумкин. Барча фаолиятлар давомида, жумладан, бошқарув фаолиятида вақт ўзига хос аҳамият касб этиб, бажариладиган вазифаларнинг мазмун-моҳияти, замонавий ўзгаришларга ва ривожланишга боғликлиги, шунингдек, умумий манфаатлар ва эҳтиёжларнинг ифодаланиши каби омилларни инобатта олган ҳолда фаолиятни режалаштириш ва амалга ошириш вақт танқислигининг олдини олади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим муассасаларини бошқаришда раҳбарлар ва мутахассислар учун асосий омил уларнинг қаңча вақтга эга эканлиги эмас, балки бажариладиган вазифаларнинг заруриятидан ва вақтга боғлиқлик хусусиятларидан келиб чиқиб тоифаларга ажратиш ва ўз фаолиятлари давомида вақтдан унумли фойдаланиши мухим аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларини бошқаришда раҳбарлар ва мутахассислар бажариладиган ишларнинг вақтга боғлиқлик хусусиятларига кўра кунлик - энг зарур, ҳафталик - зарур, ойлик - ултурилиши зарур бўлган ва йиллик - босқичма-босқич амалга ошириладиган ишлар каби тоифаларга ажратишлари ҳамда шунга кўра режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, назорат ва таҳлил ишларини амалга оширишлари мумкин.

Мазкур тоифалар бўйича бажариладиган ишларни режалаштириш ва ташкил этишда раҳбарларнинг иш режаларига

рахбар ўринбосарлари ҳамда мутахассис ва бажарувчиларнинг режаларини мувофиқлаштиришлари ва иш бошлашдан олдин кунлик режа, яъни биринчи тоифадаги ва бошқа тоифалардаги ишларнинг бажарилиши юзасидан келишиб олиниши мақсадларга эришишда самарали ҳисобланади. Чунки раҳбар кунлик ишини режалаштириб бўлгандан кейинги ихтиёрий юқори ташкилотдан келган кўнғироқ ёки раҳбарнинг йиғилишга чакирилиши кунлик ишларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. Албатта юқорида келтирилган тоифалар ўзгармас бўлмайди, асосан биринчи тоифа тез-тез ўзгариб янгиланиб боради, шунинг учун булар мунтазам равишда раҳбарлар ўртасида келишиш орқали мувофиқлаштириб борилиши зарур.

Таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, уни ривожлантириб ва такомиллаштириб бориш илфор педагогик тажрибаларни, янги педагогик ва ахборот технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш, фан ва техника ютукларидан амалиётда фойдаланиш каби вазифалар барча таълим муассасалари учун зарур бўлиб, булар маълум бир муддатни белгиламайди, чунки қанчалик тез ўзлаштирилса шунча яхши самара беради. Бундай ишларни режалаштиришда раҳбарлар бутун бир жамоа аъзоларининг фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, мазкур вазифалар ким томонидан қачон ва қандай қилиб амалга оширилади, булар қанча вақт талаб қиласи, бу ишларни амалга ошириш учун қандай шарт-шароитлар зарур, мазкур йўналишда бошқа таълим муассасалари қанақа тажрибаларга эга каби қатор саволларга жавоб топган ҳолда амалга оширишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таълим муассасаси раҳбарлари иш вақтларини тақсимлашда ўз фаолиятларини таҳлил қилишлари, ҳафта кунларини бажариладиган вазифаларнинг хусусиятларига кўра тақсимлашлари ҳамда бўш вақтдан унумли фойдаланиш учун кунлик регламентга эга бўлишлари зарур. Кунлик регламентни белгилашда раҳбарлар томонидан таълим муассасасининг иш регламентига асосланилиши муассасасининг бошқа ходимларининг ҳам шахсий режаларига таъсир кўрсатмайди ва меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Раҳбарлар ўзларининг бошқарув фаолияти давомида риоя қилиши лозим бўлган регламентларни ишлаб чиқишида таълим муассасаси мақсади билан бир қаторда бошқарув мақсадларини ҳам инобатта олишлари зарур. Чунки ҳар бир мақсадга эришиш учун бажариладиган вазифалар хусусиятлари ва йўналишлари жиҳатдан бир-биридан фарқ қилиб, маълум бир вазифани бажариш иккинчи бир вазифанинг ўз вақтида бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши ёки кўшимча вақт талаб этувчи муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Масалан, таълим муассасасида бошқарув тизимини қайта ташкил этиш зарурияти

туғилған бўлса, яъни қайсиdir раҳбар ўринбосарини ёки мутахассисни янгилаш бутун бир жамоа аъзоларининг кайфиятига қандай таъсир кўрсатишига боғликлигини, ҳамда бу муассаса фаолиятига салбий таъсир кўрсатса, фаолият самараадорлигини қайта тиклаш учун қанча вақт зарур бўлишини, шунингдек, мазкур ишларга сарфланган вақт ва меҳнат ўзини оқлайдими, буларни барчасини ҳисобга олиш зарур.

Бошқарувда бажариладиган вазифаларнинг мақсадини белгилаш, мақсадига кўра бажариладиган вазифаларнинг муҳимлик даражасини аниқлаш ҳамда улардан қайсилари муассаса фаолиятини такомиллаштиришда ўта муҳим, қайсиларини босқичма-босқич бажариш мумкинлигини белгилаб олиш зарур. Раҳбарлар кунлик ишларини таҳлил килишларида, маълум бир вазифани бажариш учун қанча вақт сарфладим ёки шунга якин, турдош бўлган вазифани бажаришга қанча вақт сарфладим-у, қандай хатоликларга йўл кўйдим ва бу хатоларимни тузатишга қанча вақт кетди, бу ортиқча сарфланган вақт давомида қанча муҳим ишларни амалга оширишим мумкин эди каби саволларга жавоб топишлари вақтни тўғри тақсимлаш ва фаолиятни такомиллаштиришда муҳим аҳамият эга.

## 2.4. Умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари

Таълим муассасаси раҳбар-ходимларининг функционал вазифаларини амалга ошириш жараёни педагогик жараёнларни илмий асосда ташкил этиш ва такомиллаштириш, унинг натижавийлигини таъминлаш, рақобатбардош мутахассислари тайёрлаш учун жамоада зарурий шарт-шароитларни яратиш, ўкувчи-талабалар ва педагогик ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш, таълим муассасаси билан маҳалла, отоналар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорликларини таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда ҳамкорликдаги бошқарувни жорий этишга йўналтирилган бўлиб, бунда, профессионал ва ижтимоий-психологик функцияларни раҳбар ходимлар томонидан амалга оширилишини кузатиш мумкин.

Чунки, раҳбар-ходимларнинг ўз функционал вазифаларини бажариши профессионал функцияларини белгилайди ва бунда раҳбар-ходимлар профессионал-мутахассис сифатида доимо инсонлар билан муносабатда бўлади ва бу ўз навбатида, раҳбарлик фаолияти ижтимоий-психологик функцияларни ҳам камраб олишини ифодалайди. Бу функциялар маълум бир тизимда раҳбарнинг бўйсунувчилар билан мулоқоти жараённида амалга оширилиб, бундай мулоқотлар бевосита ва билвосита (буйруклар, йўл-йўриқ кўрсатиш, кўрсатмалар) шаклида бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, белгиланган мақсадларга эришиш йўналишида ходимларнинг ўз функционал вазифаларини самарали амалга оширишлари учун уларда масъулият ҳиссияни шакллантириш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижаларига иштирокчиларда қизиқиш уйғотиш, педагогик жараён субъектларининг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг маңбаатдор бўлиши ва қоникиш ҳосил қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш, яъни инновацион жараёнларни ташкил этиш орқали таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш йўналишида турли хил масалалар юзасидан, турли даражадаги, мақсади, вазифаси ва мазмунига кўра бир-бираидан фарқ қилувчи қарорлар қабул қилишда жамоа аъзоларининг фикрини ўрганиш ва таклифларини инобатга олиш, мазкур жараёнларда барча ходимлар иштирокини таъминлаш, мақсадга эришиш йўналишидаги масалаларни ва муаммоли вазиятларни ижобий ҳал қилиш каби раҳбарлар томонидан бажарилиши зарур бўлган қатор вазифаларининг самарали бажарилиши педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўзига хос аҳамият касб этувчи функцияларни амалга оширилишида ўз ифодасини топади.

Яъни, таълим муассасалари раҳбарлари, мутахассислар ва ижрочиларнинг функционал вазифаларининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, улар томонидан ўз функционал вазифаларини бажарилишида куйидаги бошқарув функцияларини амалга оширилиши кузатилади.

Ахборот-таҳлил функцияси бошқарувда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ахборотларни олиш ва таҳлил қилишда жараён бошланади ва тугалланади. Бошқача сўз билан айтганда, ахборотларни таҳлил қилиш бошқарув тизимининг пойдевори ҳисобланади. Мазкур функциянинг асосий вазифаси педагогик тизимлар (педагогик жараён) тўғрисида узлуксиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чукур ўрганиш ҳамда объектив баҳолашдан иборат. Бу вазифаларни бажариш асосида бошқарув фаолиятининг стратегияси, ривожланиш омиллари, бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш йўллари аникланади. Шунинг учун, ахборотлар нафақат ишончли балки, янги ва фойдали бўлиши ҳам зарур.

Ахборот-таҳлил функциясининг асосий вазифаси педагогик жараёнлар тўғрисида узлуксиз равишда ахборотлар тўплаш ва уларни чукур ўрганиш ҳамда объектив баҳолашдан иборат бўлиб, мазкур ахборотлар раҳбарлар учун зарур ҳисобланади, чунки улар ўз йўналишларида таълим муассасасидаги мавжуд шарт-шароитлар, ўзаро муносабатлар, жамоадаги психологияк мухит ҳамда ўкувчи-талабалар, педагоглар ва ходимларнинг қизиқиши, мойиллиги, индивидуал психологик хусусиятлари, қобилияtlари

ва имкониятлари, шунингдек, оилавий шарт-шароити ва фаолиятлари тўғрисида ахборотлар тўплаш ва таҳлил қилиш асосида ўз фаолиятларини ташкил этиш ва такомиллаштиришни режалаштиради ва амалга ошириш йўл-йўрикларини белгилайди.

Мақсадли-мотивлаштириш функцияси белгиланган мақсадга ва кўзланган натижаларга эришиш йўналишида барча субъектларда қизиқишлар уйғотишга йўналтирилган тадбирларни ташкил этишини назарда тутади. Мотивлаштириш ходимлар фаолиятини мувофикалаштириш, субъектларнинг фаоллигини ошириш ва уларда инновацион жараёнлар учун қизиқишлар уйғотишга йўналтирилган тадбирларни етарли даражада ташкил этиш учун зарур. Бунда мотивларнинг хусусиятларини хисобга олиш зарур бўлиб, қандай мотивлар бошқарув фаолиятини йўналтиради ва қайсилари самарали ҳаракатлар режасини тузишга имконият яратишини билиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Мазкур функциянинг мақсади ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уни амалга оширишда таълим муассасаси олдига қўйилган мақсад умумий эканлигини ҳамда раҳбар-ходимларнинг функционал вазифаларининг йўналишини, шунингдек, жамоадаги шарт-шароитлар ва вазиятларни инобатга олиш, мақсадни белгилаш талабларига риоя қилиш, яъни вертикал ва горизонтал бўйича келишилган турли хил топшириклар йўналишида вазифаларни тақсимлашда мақсадларнинг бирлигини саклаш ҳамда инновацион жараёнларга субъектлар қизиқишини шакллантириш, топшириклар бажарувчилар томонидан ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун мақса ни белгилаш жараёнига уларни жалб этиш, эришиш зарур бўлган натижалар бўйича олдиндан тушунчалар бериш, топшириклар таҳлил қилиниб уларнинг бажарилиш муддатини белгилаш зарур хисобланади.

Олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси ташкилий шакллар, усуллар, таъсир этувчи воситаларни аниклади, назоратнинг меъёри ва натижаларини баҳолашга хизмат қиласди, шунингдек, педагогик тизимни ва унинг иштирокчиларининг ҳаракати ва фаолиятини мувофикалаштириш ва тартибга солишга имконият яратади.

Раҳбар-ходимлар томонидан таълим муассасасининг ҳолатини, эришилган натижаларни, муассасанинг ривожланиш мойиллиги, имкониятлари ва динамикасини аниклаш, жамоадаги руҳий муҳит, ўзаро муносабатлар ва эҳтиёжларни ўрганиш ҳамда барча учун кулагай бўлган ўзаро таъсир жараёнини, инновацион таълимий муҳитни вужудга келтириш, таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва бошқарувни такомиллаштириш стратегиясини белгиланишида олдиндан кўриш-режалаштириш функцияси амалга оширилади.

**Ташкилий-ижрочилик функцияси бошқарув фаолиятининг барча ўйналишларида ўз ифодасини топади.** Яъни, у кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш, ижрочиларнинг ўзаро таъсир этиш тизимини шакллантириш, ахборотлар тўплаш ва уларга ишлов бериш фаолиятлари билан боғлиқ бўлади. Бунинг натижасида у ёки бу педагогик тизимга хос таркибий тузилиш вужудга келади. Уни самарали амалга ошириш ўзаро ишонч ва ёрдам, ҳар кимга танлаш хукуқини бериш, фақат мақсадни белгилаш эмас, балки унга эришиш мезонларини ҳам белгилаш, ходимларнинг шахсий имкониятлари ва қобилиятларини тўла намоён этишлари учун шароитлар яратиш, бажарилган ишлар учун рафбатлантириш ва ҳар бир ходимнинг меҳнатини объектив баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, жамоада муҳим ижтимоий-психологик муҳитни вужудга келишида ўзига хос аҳамият касб этади.

**Назорат-ташхис функцияси.** Назорат - бу бошқарув жараёнигининг фаол босқичларидан бири бўлиб, у бошқарувнинг барча функциялари билан боғлиқ бўлади. Педагогик тизимни бошқариш жараёнида қўзланган ўйналишдан четта чиқишилар ҳам вужудга келиши мумкин, бундай вазиятларда назорат йўл қўйилаётган хатоларни сабабини ўз вактида аниқлаш ва уларни тузатиш усусларини белгилаш имкониятларини яратади. Бошқарув назоратининг асосланганлиги ташхис орқали ифодаланади. Махсус восита ва методларни қўллаш, ҳар томонлама ўрганиш йўллари билан объектич ички ҳолатини тавсифловчи ходисаларни мазмун-моҳиятини аниқлашга йўналтирилган ташхис англашнинг алоҳида кўринишини ифодалайди.

**Тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияси** педагогик тизимнинг ҳолатини зарурӣ, белгиланган даражада ушлаб туриш, уни янги сифат даражасига қўтариш ва педагогик жараёнда йўл қўйилаётган хатоликларни тузатиш ҳамда педагогик жараён иштирокчиларнинг хатти-харакатларини тартибга солиш учун хизмат қиласи. Мазкур функция ёрдамида педагогик тизим субъектларининг турли харакатлари мувофиқлаштирилади. Ўз навбатида мувофиқлаштириш педагогик тизимнинг харакатланиш ўйналиши билав барча бўғииларининг ўзаро ўйнулашувида юқори даражадаги тезкорликни талаб этади.

Таълим муассасалари раҳбар-ҳодимларининг функционал вазифалари ҳамда бошқарув функцияларининг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим муассасасини бошқаришда:

- педагогик ходимлар, ота-оналар ва ўқувчи-талабалар ўртасидаги бевосита ўзаро таъсир жараёнини кузатиш;

- барча учун зарур ва қулай бўлган руҳий муҳитни вужудга келтириш; тарбиявий муносабатларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш;

- таълим муассасасида касбий таълим машғулотларини давлат таълим стандартларига мос равища, илмий асосда ташкил этиш ва назорат қилиш;
- ўкув ва тажриба-лаборатория хоналарини ўкув жараёнига тайёрлаш, ўкув жараёни иштирокчилари учун зарурй шарт-шароитларни яратиш;
- назарий ва амалий машғулотларни илмий асосда ташкил этиш учун зарур бўлган илмий-методик ва ўкув адабиётлари, техника воситалари, технологик жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўкув-методик ва меъёрий хужжатлар билан таъминлаш;
- таълим муассасасидаги мавжуд муносабатларни, ўкувчи-талабаларнинг жисмоний, руҳий ва интелектуал ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни, уларга бевосита таъсир кўрсатувчи жамоа аъзоларнинг фаолиятини, яъни профессор-ўқитувчилар билан ўкувчи-талабалар, ота-оналар билан таълим муассасаси ҳамда ўкувчи-талабалар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- таълим муассасасида мавжуд зиддиятларни ҳамда йўл кўйилаётган камчиликларни аниклаш ва таҳлил қилиш;
- кадрлар таъланаш ва жой-жойига қўйиш;
- ўкувчи-талабаларнинг қобилияти, билим олишга ва ҳунар ўрганишга бўлган қизиқиши, улардаги ижобий ва салбий хислатларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниклаш ҳамда уларга таъсир кўрсатишнинг энг мақбул йўлларини белгилаш;
- ўкувчи-талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниклаш ва таҳлил қилиш, уларни Ватанга садоқат, миллий ғурур, юксак аҳлоқ, буюк аждодлар меросига хурмат руҳида тарбиялашга, уларнинг қизиқишилари бўйича билим, кўнинма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш;
- таълим-тарбия жараёнининг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолаш;
- таълим муассасасининг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниклаш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш йўналишида қарорлар қабул қилиш;
- инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижавийлигига иштирокчиларнинг қизиқишиларини шакллантириш;
- таълим муассасасининг асосий мақсади бўлган муассасасада таълим тизимини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида кўзлаянган натижаларга эришиш, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш йўналишида ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш каби вазифаларнинг бажарилиши жараёнида таълим муассасалари раҳбар-ходимлари таълим муассасаларини бошқаришда ўзига хос аҳамият касб этувчи ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва

тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияларини амалга оширадилар.

Бизнинг фикримизча, таълим муассасалари раҳбар-ходимлари ўз функционал вазифаларини амалга ошириши учун ташкил этиладиган фаолиятнинг мазмун-моҳияти юқорида келтирилган функцияларни амалга оширишда ўз ифодасини топади ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таълим муассасасида ҳамкорликда бошқарувни ташкил этиш заруритини белгилайди.

Ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этишдан асосий мақсад таълим муассасаси олдига кўйилган мақсадларга эришишда муассасанинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш ва такомиллаштириш йўналишидаги масалаларни ҳал этиш, муаммоларнинг ижобий ечимини топиш, инновацион жараёнларни ташкил этиш ва ривожлантириш, турли хил масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнларида жамоа аъзоларининг барчасини иштирокини таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Ҳамкорликдаги бошқарув фаолияти ўзаро таъсир жараёнини вужудга келтириш асосида инсон-инсон муносабатлари, шунингдек, инсоннинг ташки мухит билан муносабатлари, тарбиявий муносабатлар шаклида, яъни таълим муассасасининг мақсади ва жамоа аъзоларининг эҳгиёjlари талабларидан келиб чиқиб, кўзланган мақсадни амалга оширишдаги ўзаро алоқалар шаклида ташкил этилади. Ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятининг мақсади объектив бўлиб, ўз ўрнида барча иштирокчилар томонидан белгиланади ва унинг натижаларига барчада қизиқиш шаклланади.

Ҳамкорликдаги бошқарув фаолияти субъектлар томонидан лавозими йўналишидаги функцияларини бажаришлари жараёнида амалга оширилади, яъни мазкур фаолият олдиндан белгиланган мақсадга эришиш йўналишида амалга оширилаётган хатти-харакатлар мажмуи, шунингдек, бошқарув жараёни босқичлари сифатида таълим муассасаси раҳбар-ходимларининг мақсадга йўналтирилган фаолияти орқали белгиланади.

Ҳамкорликдаги бошқарув ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар мақсадга эришишда ҳаракатлар изчилиги билан белгиланади яъни бу жихатлар ўз-ўзидан мақсадга кўра аниқланмайди, балки мақсадга эришишдаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро тушуниш, ўзаро таъсир жараёнининг самараси, жамоадаги қулаги руҳий мухит, жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар орқали белгилавади, чунки таълим муассасасининг асосий мақсади умумий бўлиб, у ўзгармаса-да, мазкур мақсад белгиланган вақтдаги шарт-шароитлар ҳамда жамоа аъзоларининг таркиби ўзгариши натижасида ҳамкорликдаги фаолиятнинг самарадорлиги ўзгариши мумкин.

Белгиланган мақсадларга эришишда ташкил этиладиган ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятиниң самарадорлиги жамоадаги кулай руҳий мұхит, жамоа аъзолари учун яратилған шарт-шароитлар, шүннингдек, раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларниң билими, касбий күнікма ва малакалари даражасыга боғлиқ бўлиб, таълим муассасасида ўзига ва ўз ишига нисбатан талабчан, ўз ишини устаси бўлган, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чукур билган, ўзини-ўзи ривожлантирувчи ҳамда ўз қобилияти ва имкониятларини тўла ишга сола биладиган, таълим муассасаси, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўя оладиган, раҳбар-ходимларни фаолият кўрсатишини талаб қилиши билан бир каторда, ҳамкорликдаги бошқарувни таълим муассасасининг фаолиятини ривожлактириш ва такомиллаштиришга йўналтиришда:

- мазкур жараён иштирокчилари учун бошқарув фаолияти ва унинг ҳуқуқий асосларини, иш вақтини тақсимлаш ва удан самарали фойдаланиш, қарор қабул қилиш, қарорларни ижросини таъминлаш шаклларини, стратегия ва стратегик бошқарув сирларини, мотивлаштириш назариялари ва ходимлар фаолиятини баҳолаш турларини билиш;

- муассасанинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни, инсон фаолиятини бошқариш сирларини билиш ва стратегик тафаккурга эга бўлиш;

- бошқарувнинг функционал жиҳатларини ўзлаштириш ва мотивлар билан боғлиқ омилларни бошқариш (моддий ва ижтимоий-психологик рағбатлантириш тизимини яратиш);

- самарали меҳнатни, ишга бўлган ташаббускорлик-ижодий муносабатни шакллантириш, мақсадга эришишда жамоа ва шахс эҳтиёжларини ҳисобга олиш, дам олиш вақтидан унумли фойдаланиш имкониятларини яратиш;

- таълим муассасасида соғлом ижтимоий-психологик вазиятни, шахслараро ва гурухлараро энг мақбул алоқаларни вужудга келтириш ва қўллаб-қувватлаш, ходимларниң батартиб ва дўстона ишлашига, ҳар бир шахснинг ақлий ва аҳлоқий салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиш;

- педагоглар ва бошқа ходимларни биргаликда амалга оширадиган меҳнат натижаларидан уларниң тенг даражада коникиш ҳосил қилишларига эришиш;

- раҳбарлик услубларини вазиятта боғлай билиш ва улардан оқилона фойдаланиш, таълим муассасаси бошқарувини ички ва ташкил ўзгаришларга мослаштириш;

- инновацион жараёнларни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўналишидаги зарурий билим, күнікма ва малакаларга эга бўлиш каби талабларни беъгилайди.

## **2.5. Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари бошқарув фаолияти модели**

Узлуксиз таълим тизимидағи ислоҳотлар таълим тизимини бошқариш механизмларини ўзгартириш, такомиллаштиришни, ижтимоий-иктисодий, замонавий талабларга мос келадиган, демократик тамойилларга асосланган бошқарув тизимини шакллантиришни, таълим муассасасининг турли бўғини раҳбарларининг бошқарув фаолиятини такомиллаштиришнинг йўл-йўрикларини аниқлаш, янги шароитларга мувофиқлаштириш ва амалиётга жорий этиш, УЎТМни бошқаришда раҳбарлардан фан-техника ютукларига асосланган бошқарувнинг энг самарали, инновация методларидан фойдаланишни, бошқарув йўналишида билим, кўникма ва малакаларни, янги шахсий ва касбий сифатларни талаб қиласи.

“Бошқарув” сўзи одатда аниқ бир мақсадга эришиш учун бошқарилувчи объект (ёки тизим)га фаол таъсир кўрсатиш тўғрисида гапирилганда кўлланилади, бу ўз навбатида маълум бир режалаштирилган фаолиятни ифодалайди.

Хар қандай фаолият бошқариладиган объект ва бошқарувчи субъект тизимларидан иборат бўлиб, мазкур тизимлар ўртасидаги алоқа инсонларнинг ўзаро муносабатларидан ташкил топади ва маъжуд ўзаро муносабатлар уларнинг фаолиятини ифодалайди.

Шундай экан, ихтиёрий фаолият бошқарувни талаб этади, шахснинг индивидуал фаолиятида инсон ўзини-ўзи бошқаради ва кўзланган натижаларга эришади, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш учун ўзаро таъсир ёки шахснинг бошқа шахсларга нисбатан таъсири зарур бўлиб, бу ўз моҳиятига кўра бошқарувни, яъни маълум бир мақсадга эришиш йўналишида инсонлар фаолиятни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни ифодалайди.

Бошқарув инсонларнинг барча фаолиятларига тегишли бўлган жараён бўлиб, ҳаётий эҳтиёжларни қондиришда, кўзланган мақсадларга эришишда маълум бир мақсадга йўналтирилган фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, мазкур жараён иштирокчиларига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни ифодалайди.

Шундай экан, бошқарувни, яъни бошқарув фаолиятини ташкил этиш заруритини белгиловчи бош мезон бу раҳбар олдига ёки муассаса олдига кўйилган мақсад бўлиб, унга эришиш учун вазифалар белгилаш, ташкил этиладиган фаолиятни олдиндан режалаштириш, амалга ошириш йўл-йўрикларини таълаш, вазифаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра бажарувчилар (мутахассислар)ни таълаш ва бажариладиган вазифаларни тақсимлаш, белгиланган мақсадга эришиш учун ташкил этиладиган жараён иштирокчилари (ходимлар) фаолиятини мувофиқлаштириш зарур ҳисобланади.

Мазкур фаолият бошқарув фаолиятини, уни амалга ошириш бошқарув функцияларини, амалга ошириш изчиллиги (кетма-кетлиги) бошқарув алгоритмини, амалга ошириш йўл-йўриклари бошқарув методларини, ходимларнинг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш раҳбарлик услубларини, мазкур йўналишда қабул килинган қарорлар бошқарув қарорларини ифодалайди.

Таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув фаолиятини иккита субъектнинг, яъни раҳбар билан таълим муассасасининг ўзаро боғлиқ фаолияти сифатида қараш мумкин. Бундай ҳолатда раҳбарнинг бошқарув обьекти бошқариш ва ўзини-ўзи бошқариш каби зарурий хусусиятларга эга бўлган таълим тизими хисобланади, турли ҳил таъсирлар асосида, бошқарилаётган таълим муассасаси ҳам ўз ўрнида бошқарув натижаларига ва бошқарув субъектига таъсир кўрсатади.

Мазкур жараёнда таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолиятининг асосий вазифаси таълим жараёнини ташкил этишда ижобий натижаларга эришиш учун жамоада зарурий шароитларни яратиш, рақобатбардош битирувчилар тайёрлаш ва яхлит таълим тизимини ривожлантириш ҳисобланади, таълим муассасаси олдиға қўйилган мақсадга эришиш йўналишидаги ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этилишини ифодалайди ва бу ўз навбатида белгиланган мақсадларга эришиш таълим муассасалари педагогик ходимлари ва бошқа техник ходимларнинг биргаликдаги самарали фаолиятини назарда тутади. Бу жараён таълим муассасаларида фаолияти мувофиқлаштиришни, яъни бошқарувни маълум бир изчилликда лойиҳалаштириш заруриятини белгилайди.

Таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, рақобатбардош битирувчилар тайёрлашда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, таълим-тарбия жараёни иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда инновацион фаолиятни ташкил этишда таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолиятини илмий асосда ташкил этиш муҳим аҳамия касб этади.

Мазкур жараён ижодий жараён ҳисобланади ва ўз навбатида таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари йўналишида кўзлангая натижаларга эришиш учун энг қулай бўлган бошқарув методлари ва инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш асосида бошқарув функцияларини амалга ошириш, ходимлар билан бўлган ўзаро муносабатларда ҳамда муаммоли вазиятларни бартараф этишда оқилона қарорлар қабул килиш, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат килишда бошқарув фаолиятини маълум бир изчилликда лойиҳалаштиришни назарда тутади.

Бошқарувни лойиҳалаштиришда, энг аввало, бошқарувнинг мақсади, функцияларининг мазмун-моҳияти ва вазифалари ишобатга олинади. Умумий мақсадларга эришишда мазкур

функцияларни амалга ошириш тизимини ташкил этувчи вазифаларнинг бажарилиш кетма-кетлиги белгиланади, бу бошқарув алгоритмини ифодалайди.

Биз таклиф қилаётган бошқарув алгоритми педагогик жараённинг ҳолати түғрисида ишончли ахборотлар түплаш, қайта ишлап ва объектив баҳолаш; бошқарув фаолияти мақсадини белгилаш; бошқарув фаолиятини олдиндан кўриш (англаш) ва режалаштириш; кадрлар ташлаш ва жой-жойига кўйиш; жамоа фаолиятини назорат килиш ва ташхис; жамоа аъзоларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш; УЎТМ фаолиятининг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлашдан иборат бўлиб, мазкур боскичлар изчиллигида, бошқарув методларини кўллаш ёрдамида бошқарув функцияларининг бажарилиши амалга оширилади.

Бошқарув алгоритмининг мазмун-моҳияти бошқарув функциялари ва методларини амалга оширишда ўз ифодасини топади ва улар биргаликда бошқарув жараённада таъсир кўрсатишнинг тартиби, кетма-кетлиги, йўллари ва уларнинг туталланиш даврини акс эттиради.


Таълим муассасаларини бошқаришда педагогик ходимлар ҳамда ўқувчилар фаолиятига таъсир кўрсатувчи, шунингдек, муассаса фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этувчи асосий жараёнлардан бири қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини таъминлаш жараёни хисобланади. Мазкур жараёнда қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва унинг бажарилишини таъминлаш кўп жиҳатдан раҳбарларнинг бошқарув йўналишидаги билими, кўникма ва малакаси, касбий тажрибаларига, бажариладиган вазифаларнинг хусусиятларига, шунингдек, муассасада яратилган шароитга боғлиқ бўлади.

Таълим муассасаларини бошқариш жараённада турли хил муаммоларни ҳал этиш, таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва таълим самарадорлигини оширишда турли масалалар юзасидан моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи қарорлар қабул қилиш жараёвига муайян вазиятлардан келиб чиқиб баҳсли масалалар, турли-туман фикрлар ва тортишувлар вужудга келади, бундай пайтларда, асосан ахборотларга асосланилади. Ахборотларнинг аниқлиги, уни ташкил этувчи маълумот, хабар ва янгиликларнинг ишончлилиги, яъни исботланганлиги қабул қилинадиган қарорларнинг хусусиятларини белгилаб беради.

Шундай келиб чиқиб, бошқарув фаолияти - бу бошқарув жараённада қабул қилинётган қарорларнинг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган

**МАКСАД**

Таълим тизимини ривожлантириш, таълим-тарбия жараённида кўзлангани натижаларга эришиш – ракобатбардош битирувчилар тайёрлаш

**ВАЗИФАЛАР**  
(максадга эришиш учун белгиланган вазифалор)**БОШҚАРУВ ФУНКЦИЯЛАРИ****КАЙТАЛОКА****БОШҚАРУВ АЛГОРИТМИ**

Ахборотлар тўплаш методлари

Меъёрий хужжатларни ва илтор педагогик тажрибаларни ўрганиш

Таълим-тарбия жараёнини таҳлил

Сўровномалар ўтказиш

Аттестация

Таҳлилий баколаш

Угуумлештириш ва тизимлаштириш

Статистик ва математик таҳлил

Иктисадий:

Ижтимоий-психологик

Ташкилий-маъсурий

**БОШҚАРУВ МЕТОДЛАРИ****БОШҚАРУВ КАРОРЛАРИНИ КАБУЛ**

Бажариладиган вазифалар билан Қўлланиладиган раҳбарлик услублари ва бошқаруу методларини мувофиқлаштириш

Педагогик тизимини ва ривожлантириш йўйелтишидаги вазифалорни олдиндан белгилаш

Энг куладай ва самарали бўлган бошқаруу максадларини белгилаш ва уларни амалга ошириш воситаларини ташлаш

Танланган бошқаруу максадлари бўйича вазифалор белгилаш

11-расм. Таълим жуассасаси раҳбарлари бошқаруу фоалияти модели

натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлиқ бўлган ва бирбирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизимдир (11-расм).

Бунда бошқарувнинг мақсади ва вазифалари таълим тизимини мунтазам ривожлантириб бориш ва ракобатбардош битирувчилар тайёрлаш хисобланади.

Бошқарув фаолиятини амалга оширишда ташкилий, бошқарув, педагогик ва бошқа қарорларни қабул қилинишини назарда тутган ҳолда таълим муассасаси раҳбари бошқарув фаолиятининг моделига бошқарув жараёнида қабул қилинадиган қарорларнинг йўналишини ифодаловчи компонентлар киритилган бўлиб, улар қуидагиларни ўз ичига олади:

- бажариладиган вазифалар билан қўлланиладиган раҳбарлик услублари ва бошқарув методларини мувофиқлаштириш;

- педагогик тизимнинг истиқболини ва ривожлантириш йўналишидаги вазифаларни олдиндан белгилаш;

- энг қулай ва самарали бўлган бошқарув мақсадларини белгилаш ва уларни амалга ошириш воситаларини танлаш;

- белгиланган бошқарув мақсадларини амалга ошириш бўйича бажариладиган вазифаларни аниқлаш.

Демак, УЎТМни бошқариш мазмун-моҳиятига кўра кўпгина вазифаларни бажарилишини назарда тутади, чунки УЎТМда факат таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш вазифалари амалга оширилмайди, балки таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этишининг ўзиёқ бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига зарурий шароитларни яратиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, мазкур жараёнини амалга ошириш учун моддий-техника базасини яратиш ва мустахкамлаб бориш, яғи педагогик ва ахборот технологиялари билан қуроллантириш, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш каби қатор бошқа вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутади.

## 2.6. Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёни модели

Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини илмий асосда ташкил этиш учун мазкур жараёнини бевосита субъекти хисобланган директорларнинг фаолиятини замонавий талабларни ишобатга ҳолда такомиллаштиришда, мактабда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёниларида уларнинг фаолигини таъминлаш ҳамда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари учун зарурий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёnlарини, бир сўз билан

айтганды умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини солдиндан моделлаштириш мухим аҳамият касб этади.

Умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари фаолияти жараёнини илмий асосда ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, олдиндан режалаштирилган натижаларга эришиш учун энг қулай бўлган бошқарув методлари ва раҳбарлик услубларини амалиётга татбиқ этишини назарда тутади ва ўз навбатида раҳбарлардан бошқарув йўналишида ўзага хос билим, кўникма ва малакалар, ўкувчи ва ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш учун маълум тажриба талаб этади.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари сифатида УЎТМда ташкил этиладиган ўкув семинарлари, семинар-тренинглар, очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илғор педагогик технологияларни оммалаштириш, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотларни ҳамда масофадан ўқитиш жараёнларини, шувингдек, ХТМФМТТЭТБга қарашли УЎТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар тренинг жараёнларини тизимнинг компонентлари сифатида ўзаро таъсир кўрсатишининг аҳамиятини инобатга олиш зарур.

УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, фан-техника ютуклари, яратилаётган янгиликлар ва ривожланишлар, таълим бошқаруви хусусиятларининг ўзгариб бориши, ривожланиб бораётган давлат, жамият ва шахс эҳтиёжлари, ривожланишларга боғлиқ ҳолда кун сайин ўзгариб, янгиланаб ва ривожланиб бораётган замонавий талабларга асосланиш керак.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари модели мавжуд талаблар даражасида раҳбарлар томонидан юкори даражада кўникма ва малакаларга эга бўлган директорларнинг илғор тажрибаларини қўллаш ҳамда инновацион таълими дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишлари учун уларда зарурый билим, кўникма ва малакалар шакллантиришга етарли шарт-шароитларни яратиб беришга хизмат қилиши зарур хисобланади.

Шундай экан, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштириш – бу УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда мухим аҳамиятга эга бўлган талаблар асосида ишлаб чиқилгаян, самарали хисобланган методлардан фойдаланиши ифодоловчи, мазкур жараённи

ташкил этиш босқичлари ва функциялари ҳамда қайта алоқани таъминланиши акс этирилган андоза деб тавсифлаш мумкин.

Моделлаштириш УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини илмий асосда ташкил этишда муҳим аҳамият касб этиб, унда УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга кўйилаётган замонавий талабларни, раҳбарларнинг эҳтиёжлари, УЎТМ жамоасининг ўзига хос жиҳатлари, раҳбарларнинг дувёқараши ва бошланғич тушунчалари, раҳбарларнинг имкониятлари, ўрганиладиган мавзуларнинг мақсади, предмети ва аҳамиятини инобатга олиш ҳамда уларга мос келувчи таълим методларини танлаш, амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни ва уларни амалга ошириш босқичларини белгилаш зарур.

Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда инобатга олиниши зарур бўлган педагогик шартлар сифатида кўйидагиларни келтириш мумкин:

- УЎТМда ташкил этиладиган ўкув семинарлари, семинар-тренинглар, очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотларни, масофадан ўқитиш жараёнларини ҳамда УЎТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар тренинг жараёнларини узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш;

- УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш;

- марказлаштирилган семинар тренинг жараёнларида раҳбарларда ўз устида мунтазам ишлап, мустакил таълим ва мустакил маълумотлар олиш учун эҳтиёжлар шакллантириш;

- ўрганиладиган мавзуларни режалаштиришда уларнинг ўзаро боғликлиги, алоқадорлиги ва изчиллигини таъминлаш;

- УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш;

- УЎТМ раҳбарларида рефлексив фаолият кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида ёътибор қаратиш.

Моделлаштиришда УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш ҳамда ўрганиладиган тушунчаларнинг ўзаро боғликлиги ва алоқадорлигини таъминлаш заруриятини инобатга олган ҳолда вазифалар белгиланиши зарур.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларига такомиллаштирилган моделларни самарали татбиқ этишда УЎТМда ташкил этиладиган ўкув

семинарлари, семинар-тренинглар, очиқ дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотларни, масофадан ўқитиш жараёнларини ҳамда УУТМ директорлари учун ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар тренинг жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ва кўзланган мақсадларни мувофиқлаштирилганлиги ҳамда мазкур жараёнларда раҳбарларниг самарали иштирокиви таъминловчи чора-тадбирлар ва вазифаларни белгиланганлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларини ҳамда барчага тегишли замонавий талабларни инобатга олиш, УУТМ раҳбарларида шакллантирилиши зарур бўлган тушунчаларга асосан замонавий талаблар асосида малака ошириш курслари ўкув дастурларини такомиллаштиришнинг зарурлиги каби шартларниг бажарилишини инобатга олиш зарур.

УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда раҳбарларниг бошқарув йўналишидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда уларда ўзини-ўзи ривожлантириш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи куйидаги омилларни инобатга олиш ўзига хос аҳамият касб этади:

- УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш, раҳбарларниг бошқарув йўналишидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда ўзини-ўзи ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш йўналишида бажариладиган вазифалар билан фойдаланиладиган методлар ва ёндашувлар ўртасида ўзаро мутаносибликни таъминлаш;

- УУТМ раҳбарларида малака ошириш учун эҳтиёж ва қизиқишлар шакллантириш, уларда ўзини-ўзи ривожлантириш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш воситаларини танлаш;

- УУТМ раҳбарларида малака ошириш ва инновацион фаолиятга майиллик ва қизиқишлар шакллантирувчи мотивларни аниклаш;

- УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш омилларини аниклаш;

- УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларининг истиқболини ва самарадорлигини ривожлантириш йўналишидаги вазифаларни олдиндая белгилаш;

- УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини такомиллаштириш йўналишида амалга ошириш зарур бўлган вазифаларни белгилаш;

- УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари узвийлигини таъминловчи воситаларни аниқлаш.

УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш йўналишида белгиланган мақсадларга эришишда раҳбарларнинг бошқарув фаолияти йўналишидаги билим, кўникма ва малакалари даражаси, кобилиятлари, шахсий хислатлари, шунингдек, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишнинг мураккаб томонларини фаол ўрганиш ва шулар асосида моделлаштириш зарур ҳисобланади.

УУТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти йўналишлари ва функционал вазифаларини англаши, ўзини-ўзи ва ўз фаолиятини ўзи таҳлил килиши, шунингдек, ўзини-ўзи шахсий ривожлантириш эҳтиёжларини фаоллаштириш ҳамда ижодий салоҳиятини ривожлантириши учун имконият яратувчи таълими мухитни вужудга келтириш заруриятларини инобатга олиш УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини моделлаштиришда мухим аҳамиятга эга бўлган асосий шартлардан бири ҳисобланади.

Чунки, УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларида яратилган шарт-шароитлар раҳбарлар учун ўзини-ўзи ривожлантиришга имконият яратиши билан бир қаторда, бошқарув фаолияти жараённи педагог ходимларга ва ўкувчиларга ўрнак бўлиши учун уларда зарурий билим, кўникма ва малакалар шакллантиришга хизмат қилиши керак.

УУТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларида раҳбарлар ўзини-ўзи ривожлантиришга итилиши; амалиётни ўрганиши ва келгуси бошқарув фаолияти учун илфор тажрибаларни эгаллаши; бошқарув йўналишида юқори даражадаги тайёргарлик ва ўзини-ўзи бошқариш кўникмасига эга бўлиши; эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни келажакда амалиётга татбиқ этиш заруриятини англаб етиши; ўз фаолиятини такомиллаштиришга юқори даражада итилиш ҳиссиётларининг вужудга келиши; касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни шакллантириши ва ривожлантириши учун етарли ва зарурий шарт-шароитлар яратилиши зарур.

УУТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишин режалаштиришда ва моделлаштиришда, мазкур жараёнларнинг мақсади, белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва мавжуд имкониятлар инобатга олиниши, шунингдек, умумий мақсадларга эришишда белгиланган вазифаларнинг бажарилиш кетма-кетлигини аниқлаш ҳамда мазкур вазифаларни бажаришда кўлланиладиган методлар ва асосий ёндашувлар танлаб олиниб,

ўрганиладиган мавзунинг мазмун-моҳиятига кўра ҳамда вазиятларга кўра мувоғиклаштирилиши муҳим аҳамиятга эга.


Демак, УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнлари модели таълим муассасаси раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ўзаро боғликлигини таъминловчи, белгиланган мақсад ва вазифаларининг йўналишини ифодаловчи ва кўзланган натижаларга эришишни таъминловчи ўзаро боғлик бўлгая ва бирбирини ўзаро тўлдирувчи компонентлардан иборат бўлган тизимни тасвиrlashi зарур (12-расм).

Мазкур модел УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларининг барча шаклларини ўзаро боғликлиги, алоқадорлиги ва узвийлигини таъминлашни назарда тутади. Моделнинг тузилишига эътибор қаратадиган бўлсак, белгиланган мақсад - бу УЎТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат бўлиб, олдинги параграфларда келтирганимиздек, УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлиги унинг бошқарув йўналишидаги билими, кўникма ва малакаларига ҳамда тажрибасига боғлик бўлиши билан бир қаторда, унинг шахсий хислатлари, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлари ва қобилиятига ҳам боғлик бўлади. Шунинг учун ҳам моделда мақсадга эришиш йўналишида амалга ошириладиган асосий вазифалардан бири сифатида УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш келтирилади.

Моделда мақсадга кўра белгиланган вазифаларни амалга оширишда эътибор қаратилиши зарур бўлган омиллар сифатида УЎТМ раҳбарининг бошқарув фаолияти самарадорлилигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар келтирилади, яъни УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантиришда энг аввало, раҳбарлада умуминсоний хислатлар, касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар ва бошқарувчи учун зарур қобилиятларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг заруриятига эътибор қаратилади.

Демак, УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларда касбий компетентлиликини шакллантириш ва ривожлантиришда бошқарув йўналишидаги тушунчалар билан, яъни таълим менежменти фанини ўргатиш билан бир қаторда, педагогика ва психология фанларини чукур ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Чунки бошқарувчи хисобланётган УЎТМ раҳбарида педагогик маҳорат, дидактик қобилият, коммуникатив қобилият, перцептив қобилият, умуминсоний хислатлар, эҳтиросли хислатлар, ахлоқий хислатлар, ишбилармонлик хислатлари йўналишидаги тушунчалар, билим кўникма ва малакалар



12-расм. УУТМ раҳбарлари бошқарув фаолияти самарадорлигини  
oshiриш жараёнлари модели.

педагогика ва психология фанларидан ташкил этиладиган машғулотларда, ташкилотчилик қобиляти, касбий маҳорат, касбий тажриба, касбий аҳамиятта эга бўлган шахсий сифатлар бўйича тушунчалар, билим кўникма ва малакалар таълим менежменти фанидан ташкил этиладиган машғулотларда ва мустақил таълим жараёнида ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларида шаклланади ва ривожланади.

Шунингдек, моделда раҳбарларда шакллантирилиши ва ривожлантирилиши зарур бўлган мазкур компонентлар УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларида амалга оширилишига урғу берилади.

Ҳакиқатан ҳам, УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилиги компонентлари сифатида келтирилган сифатлар, маҳорат ва қобилятлар, билим, кўникма ва малакалар раҳбарларда нафакат малака ошириш курслари жараёнида, балки тажриба алмашиниш, масофадав ўқитиш, УЎТМда ташкил этиладиган очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ҳамкорликдаги ижодий фаолият, инновацион фаолият ва тарбиявий муносабатлар жараёнларида ҳам шаклланаб, ривожланиб боради.

Шунингдек, УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилиги мустақил таълим, ўзини-ўзи бошқариш, таҳлилий фаолият, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзлигини исботлаш, янгиликларга интилиш, ўз фаолиятини ўзи томонидав мувофиқлаштириб бориш жараёнларида ривожланиб ва мустаҳкамланиб боради.

Аввалги мавзуда айтиб ўтганимиздек, УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантиришда маҳсус ташкил этилган қисқа муддатли курслар, яъни марказлаштирилган семинар тренингларни ташкил этилиши ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки маҳсус ташкил этиладиган курсларни режалаштиришда УЎТМ раҳбарларининг бошланғич тушунчалари ва касбий тажрибалари даражаси ииобатга олинади ҳамда замонавий талабларга асосан ёндашилади. Бир сўз билан айтганда, марказлаштирилган семинар тренинглар модернизациялаштирилган дастурлар асосида ташкил этилиши назарда тутилади.

УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш учун маҳсус ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар тренингларни режалаштириш ва ташкил этишда УЎТМ раҳбарларининг бошланғич тушунчалари ва касбий тажрибалари даражасини ииобатга олиниши - бу УЎТМ раҳбарларининг малака ошириш институтларида назарий ва амалий машғулотлар жараёнида, масофадан ўқитиш жараёнида, илмий-амалий конференциялар, тажриба алмашиниш, мустақил таълим, УЎТМда ташкил этиладиган турли тадбирлар ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнида олган билимлари, кўникма ва

малакалари, раҳбарлик фаолияти жараёнида ортирган касбий тажрибаси даражасини инобатга олишни ифодалайди.

Модернизациялаштирилган дастурлар асосида ташкил этилиши - бу ЎУТМ раҳбарлари шахсига ва лавозим вазифаларига қўйилаётган замонавий талабларни, фан ва техника янгиликларни инобатга олиб ўкув дастурларини замонавийлаштиришни, яъни мунтазам янгилашени ифодалайди.

ЎУТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш учун маҳсус ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар тренингларни ташкил этишда ЎУТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлиги, узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашнинг зарурати моделда ўз ифодасини топган бўлиб, ЎУТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини ошириш учун ЎУТМ раҳбарларининг касбий Компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишга тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этиш ўзига хос аҳамият касб этади.

Шунинг учун, моделда келтирилган асосий компонентлардан бири ЎУТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнлари бўлиб, унинг компонентлари сифатида малака ошириш курслари, тажриба алмашиниш, масофадан ўқитиш, ЎУТМда ташкил этиладиган очик дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илфор тажрибаларни оммалаштириш, илмий-амалий конференциялар, ҳамкорликдаги ижодий фаолият, инновацион фаолият ва тарбиявий муносабатлар жараёнлари, мустакил таълим, ўзини-ўзи бошқариш, таҳлилий фаолият, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўзлигини исботлаш, янгиликларга интилиш, ўз фаолиятни ўзи томонидан мувофиқлаштириб бориш жараёнлари келтирилган. Моделда мазкур жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш зарурияти белгиланган бўлиб, мазкур жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда мазкур жараёнларни ташкил этишга тизимли ёндашувни татбиқ этиш зарурияти инобатга олинган.

Таклиф этилаётган моделда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фан ва техника ютуклари, яратилаётган янгиликлар, ривожланиб бораётган давлат, жамият ва шахс эҳтиёжлари ва замонавий талабларни ўрганиш, таълим муассасаси фаолиятининг ривожланиш мойиллигини аниклаш ва такомиллаштириш йўналишидаги вазифаларни белгилаш ҳам унинг компонентлари сифатида келтирилган бўлиб, булар қайта алоқани таъминлаш, яъни ЎУТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини янада ошириш, давлат, жамият ва шахснинг ривожланиб бораётган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун янги вазифалар белгилаш ва амалга оширишга хизмат қиласди.

Мазкур модельнинг тузилишига ҳамда функционал вазифасига эътибор қаратадиган бўлсак, унда келтирилган маҳсус ташкил этиладиган марказлаштирилган семинар тренингларни ташкил этишда УЎТМ раҳбарларининг касбий компетентлилигини ривожлантириш жараёнларини яхлит, динамик тизим кўрикишида тасаввур қилиб, марказлаштирилган семинар тренинглар жараёнида ўрганилиши таклиф этилаётган мавзуларни маълум бир изчилликда ва ўзаро параллел равишда ўрганиш зарурияти вужудга келади. Мазкур зарурият УЎТМ раҳбарларининг бошқарув фаолияти самарадорлигини оширишда тизимли ёндашув технологиясидан фойдаланишининг аҳамиятини ўрганишни тақозо этади.

### ІІІ БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

#### 3.1. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга замонавий ёндашувлар

Замонавий педагогика фави бошқарув ғояларини ҳар томонлама, турли нұктай назардан ўрганишга интилиш билан бир қаторда уларни таълим амалиётіга татбиқ этишнинг йўл-йўриклирини ишлаб чиқади. Бутунги кун педагогика фанида тизимли ёндашув методологиясиз бошқарув муаммоларининг ҳал этилишини тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай ёндашувнинг жорий этилиши бошқарувда тасодифий ва кутилмаган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Тизимли ёндашувда таълим муассасаси тизим сифатида, яъни ташқи мухитда хизмат қилаётган мураккаб тизим сифатида кўриб чиқилади. Бунда унинг алоқалари ва воситаларининг мазмун ва моҳиятига кўра объектни бир бутун, яъни яхлит ҳолда тасаввур қилиш талаб этилади. Таълим муассасасини ўрганишда алоҳида хусусиятларга эга бўлган бир неча қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро боғликлик хусусиятлари аникланади, чунки ҳар бир қисм яхлит тизимнинг ўзгаришига ўз хиссасини кўшади.

Кенгроқ маънода тизимли ёндашув - бу фалсафа методологияси билан табиий ҳолдаги илмий тадқиқотларнинг методлари ўртасидаги вазиятни згаллаб турувчи фан, илмий билиш назариясининг методологик асосларидир. Тизимли ёндашув фан сифатида аниқ бир янги тушунчалар бермайди, лекин объектни ўрганишда ўзига хос яхлитлик, умумийлик, универсаллик, дифференциаллик каби тушунчалар асосида мужассамлаштирилган технологиялар, яъни тадқиқотнинг интеграция технологияларини ўз ичига олади.

Универсал тушунчалар аппарати, абстракциянинг юкори даражаси, асосий тамойилларнинг интегратив хусусиятлари - инсонларнинг турли хил соҳалар бўйича тушунчалари, фикрлапи ва дунёқарашини ўрганишнинг самарали усули сифатида тизимли ёндашувни қўллаш имкониятини яратади. Тизимли ёндашув йўналишидаги барча билим, кўнинма ва малакалар мажмуаси ихтиёрий фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишда, раҳбарлик қилиш, яъни раҳбарларнинг бошқарув фаолиятида энг зарурый шартлардан бири ҳисобланади.

Тизимли ёндашувнинг асосий тушунчаси "тизим" бўлиб, алоқа, муносабатлар, интеграция, яхлитлик, ташкил этувчи қисмлар каби тушунчалар орқали ифодаланади. Бу тизимнинг бир-бiri билан боғлик бўлган, ўзаро таъсир этувчи қисмларининг мажмуй яхлит объектни ташкил этади.

Педагогикада "тизим" тушунчаси жуда кенг қўлланилади, масалан, таълим тизими, тарбия тизими, таълим-тарбия

жараёнини ташкил этиш шакллари ва методлари тизими ва ҳоказо. Ижтимоий тизимнинг турларида бири ҳисобланган таълим тизими - инсонларга ва ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, таълим жараёнини ташкил этиш мақсадларига хизмат қилувчи турли структуравий ва функционал боғлиқ бўлган компонентлар мажмуасидан иборат бўлади.

Таълим тизимини ўзгартириш, уни қайта ташкил этиш ва мослаштириш қайсиdir қисм ёки қисмларнинг ўзаро таъсир кўрсатиш йўналишига боғлиқ: моддий-техник базани мустаҳкамлаш, мазмунини такомиллаштириш ва х.к. Тизимли ёндашув йўналишида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, улар куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тизимлилик, яхлитлилик - бундай шаклдаги тизимни компонентлар, ўзаро таъсир этувчи қисмлар ва бўғинларнинг ўзаро бирикиши ташкил этади ва унинг функционал вазифаларини амалга ошириш ва ривожлантиришни таъминлайди.

2. Педагогик тизимда тизимни ташкил этувчи омиллардан бири мақсад бўлиб, унга эришиш учун услугуб ва воситалар зарур ҳисобланади. Мақсадга эришишда тизим ва унинг компонентларининг ҳаракати тизим функциясининг моҳиятини белгилайди.

3. Педагогик тизим таркибий қисмлардан иборат бўлиб, унинг ўзгариши ички зиддиятларга боғлиқ бўлади.

4. Тизим очиқ бўлганлиги сабабли ташки мухит билан кўлгина коммуникациялар орқали боғлиқ бўлиб, мухитнинг муносабатлари тизимнинг ҳаракатланиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

5. Ахборотларнинг педагогик тизимга келиб тушиши ва ундан қайта ўзатилиши тизим компонентларининг ўзаро ва бутун бир тизим билан ҳамда тизимнинг ташки мухит билан алоқа қилиш услублари ҳисобланади.

6. Талаб этилаётган, мавжуд бўлган ва истиқбол тизимлар ўртасидаги фарқни бошқарув жиҳатлари белгилайди.

Мамлакатимизда ва хорижда таълимни бошқаришнинг илмий асослари пайдо бўлиши ўзининг чукур тарихий илдизларига эга бўлиб - бу тизимли бошқарувнинг ривожланиш жараёнидир. Бошқарувга илмий ёндашувнинг барча асослари умумназарий, умумбошқарув, умумтехнологик, умумтизимлилик ёндашувлар бўйича олиб борилган изланишларнинг натижаларига асосланади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчи, олим, раҳбар ҳар бир ҳодиса ва воқеани, ҳар бир бошқарув обьектини ҳамда ўз фаолиятини тизим сифатида ҳисоблаб, тизимли ёндашув тамойилларини қўллаши зарур.

Таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув фаолиятининг асосий вазифаси таълим жараёнини ташкил этишда ижобий натижаларга эришиш учун жамоада зарурий шароитларни

яратиш, рақобатбардош битиравчилар тайёрлаш ва яхлит таълим тизимини ривожлантириш хисобланади.

Шундай келиб чиқиб, мактаб билан таълим жараёнини ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизим деб ҳисобласак, уларни бошқариш ҳам тизимли хусусиятга эга бўлиши керак. Таълим муассасаларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишга тизимли ёндашувнинг мазмун ва моҳиятини қўйидаги тамойиллар асосида кўришимиз мумкин:

- субъектлар фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги;
- мажмуавийлилик - объект ўзаро боғланган ташкил этувчи қисмларнинг мажмуаси эканлиги;
- интегративлик -ҳаракатланиш ва ривожланишга хизмат килувчи ички ва ташки омилларнинг ўзаро бирлиги;
- ўзаро боғликллик - объект алоҳида бир тизим сифатида ва юқори тартибли яхлит тизимнинг ташкил этувчи қисми сифатида мавжудлиги;
- коммуникативлик - ташки мухит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

Бошқарув фаолиятининг тизимли обьекти сифатида таълим муассасасининг қўйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- интегратив сифатлар, алоҳида олинган ташкил этувчи қисмлардан бирортаси ҳам бундай сифатларга эга эмас;
- ташкил этувчи компонентлар, улар мактабнинг ташкилий қисмлари ҳисобланади;
- структура - бу ташкил этувчи қисмлар ўртасидаги белгиланган алоқа ва муносабатлар;
- тизимнинг ва унинг алоҳида компонентларининг функционал тавсифлари;
- ички ва ташки мухитлар ўртасидаги ўзаро таъсир натижасида вужудга келувчи коммуникатив хусусиятлар.

Таълим муассасаси (қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, давлат таълим стандартлари доирасида) ўз фаолияти функцияларининг йўналишини, мазмун ва моҳиятини, тартибини белгилаш ва тўлдириб бориш хукуқига эга. Таълим жараёни функциялари амалга оширилишининг натижавийлиги ўқувчиларнинг шахсий ривожланиши ва тайёргарлигининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлик даражасини белгилайди. Таълим муассасаси фаолиятида вужудга келаётган таълим-тарбия жараёнидаги муаммоларнинг кўпқирраллиги ва мураккаблиги, нафакат таълимни бошқаришни сифат жиҳатдан ўзгартириш шартини қўяди, балки таълим муассасаларини бошқаришни такомиллаштириш заруриятини ҳам белгилайди.

Таълим муассасасини ислоҳ қилиш жараёнлари одатда локал, алоҳида, қисмлар бўйича, айrim ўқитувчиларнинг ижодий-педагогик фаолияти доирасида ўзаро боғлиқ бўлмаган янгиликлардан бошланади. Кейин ислоҳотлар соҳалар,

тармоклар, бўғин ва қисмларни қамраб олади. Ислоҳотлар жараёни тўла объектни, таълим муассасани қамраб олган даврда барча ўқувчилар, ўқитувчилар, раҳбарлар иштирок этадилар ҳамда ривожланишга, ижобий натижаларга эришишга йўналтирилган янги мақсадларни ва таркибий тузилишга эга бўлган янги турдаги таълим муасасасини яратиш зарурияти ва имконияти вужудга келади. Бундай ҳолларда таълим муассасаси алоҳида бир ижтимоий организм, ижтимоий тизим сифатида ривожланади.

Мактаб олдига кўйилган мақсадларга эришиш учун қаратилган, олдиндан яратилган, мавжуд бўлган салоҳиятлар асосидаги фаолиятлар жараёни асосий ва ёрдамчи (таълим жараёнлари) жараёнлар ҳамда уларни таъминловчи ва шароитлар яратувчи жараёнларни ўз ичига олади. Ривожланиш жараёнлари фаолиятлар билан боғлиқ ҳолда, салоҳиятни бойитиш, кеңгайтириш асосида янада янги сифатларга, юқори ва самарали натижаларга эришишга йўналтирилган ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, улардан фойдаланишда самарадорликка эришиш ва ривожлантириш учун одатда белгиланган мезонларни алмаштириш; асосий (таъминловчи) ва ёрдамчи (таъминловчи) жараёнларни ёки фаолият жараёнини такомиллаштириш зарур бўлади.

Фаолиятнинг муваффакиятсизликлари ва натижаларнинг замонавий талабларга мос келмаётганилиги тўғрисидаги маълумотларни олиб, тизим мавжуд бўлган муаммоларни ўз салоҳияти даражасида эски усуслар асосида ҳал қилишга ҳаракат киласди. Тангликни бартараф этиш тизимни қайта ташкил этиш асосида амалга оширилади. Мактаб бир бутун организм сифатида ички ўзгаришларга асосан ривожланади ва ўзаро алоқалар тизими барқарорлашади. Мақсадга эришишдаги вазифалар, турли хил янги масалаларни ҳал этиш замонавий усуслар ёрдамида амалга оширилади, натижалар замон талабларига мослашади ва тизим ўз фаолиятини ижобий баҳолайди.

Мактабнинг муаммоларини ҳал қилиш йўналишидаги ёндашувлар, анъаналар, таомиллар, белгиланган тартиб ва меъёрларни ўз ичига олувчи мактаб маданияти педагогик тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мактаб фалсафаси ва мактаб маданиятини (бошқарув, педагогик, ўқув, маънавий) ўзаро мослаштириш жуда зарурдир. Мактабни бошқариш учун раҳбарлар ва жамоанинг бошқа вакилларидан иборат мактабнинг ички бошқаруви, яъни ички назорат ташкил этилади.

Мактаб жамоаси – бу мураккаб тизим бўлиб, ўқув ва меҳнат фаолиятини кониқарли ташкил этиш, шунингдек, мактаб фаолиятнинг натижаларига ўз таъсирини кўрсатувчи расмий ва ворасмий, горизонтал ва вертикал, шахсларро ва меҳнат фаолиятига оид алоқалар ҳамда муносабатларни қамраб олади.

Таълим муассасаси бошқарув фаолиятининг тизимли обьекти сифатида қўйидаги хусусиятларга эга: зарурият, имконият, таълим муассасасининг кўрсаткичлари ва ўз қобилиятини баҳолаш мезонларини ҳисобга олиш асосидаги ривожланиш йўналиши; унинг салоҳияти, функционал имкониятлари, индивидуаллиги ва маданийлиги; мактабнинг менталитети; унинг яхлит педагогик тизими; ресурслар билан таъминланиш имкониятлари; ички имкониятлари ва ташки муҳит билан муносабатлари; педагогик ва мактаб жамоаларининг ривожланиши, шунингдек, мактабнинг ички бошқарув тизими ва унинг ривожланиши.

Таълим муассасаларини бошқариш дастурларини лойиҳалашда тизимли обьект сифатида яхлит таълим муассасасининг ривожланиши ва унинг уникал моделини такомиллаштиришда ташкил этувчи қисмлар таъсир кўрсатишининг аҳамиятини инобатга олиш, шунингдек, бир хил, тенг шароитда таълим муассасасининг ривожланишига кўпроқ таъсир кўрсатувчи баъзи қисм ва бўғинларни ўзгартиришга имтиёзлар бериш зарур.

Таълим муассасасининг умумий моделини ўзгартиришда директор, раҳбарлар ва педагогларнинг ишончларига асосланиш керак, чунки янгиланган модел замонавий талаблар даражасида ўкувчилар ва бўлажак ўкувчилар, ёш авлоднинг ўзгарувчан таълим-тарбиявий, маънавий эҳтиёжларини қондира олиш, юкори даражада кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчиларнинг тажрибаларини кўллаш ҳамда педагогларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга етарли шароитларни яратиб бериш зарур бўлиб, таълим муассасасини бошқаришнинг асосий тамоилларини (13-расм) инобатга олиш лозим.

Бошқарув фаолияти жараёнда педагогик тизимларнинг бошқариши мақсадга мувофиқ равишда амалга оширишда, аниқ мақсадларга эга бўлган бошқарув субъектиниң мотивлаштириш йўналиши сифатида шахс-фаолият ёндашуви вужудга келади.


Шахс-фаолият ёндашувида шахснинг ва фаолиятнинг компонентлари бир-бири билан чамбарчас боғланган, чунки бу ёндашув жараёнда шахс субъект сифатида фаолият кўрсатади ва ўз навбатида, шахснинг субъект сифатида ривожланиши турли хил омиллар таъсирида аниқланади.

Таълим-тарбия жараёни ва педагогик фаолиятнинг тез ўзгарувчан хусусиятлари яна бир методологик ёндашувни жорий этишга эътибор қартиш заруриятини белгилайди, яъни бошқарилувчи обьектнинг маълум бир шароитдаги ички ва ташки вазиятига қараб бошқаришнинг маъқул услубини кўллашни талаб килади.

Вазиятли ёндашув - бошқаришнинг самарадорлигини аниқ вазиятларга кўра аниқлашни кўзда тутади. Вужудга келаётган

вазиятларга мувофиқлаштирилган бошқарув энг самарали хисобланади.

### БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ



13-расм. Замонавий мактабни бошқаришнинг асосий тамойиллари.


Вазиятли ёндашувда бошқарилувчи обьектнинг аник шароитдаги ички ва ташки вазиятига қараб бошқаришнинг мақбул услуби қўлланилади ва мазкур жараёнда қуйидагилар инобатта олинади: муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни аниклаш мақсадида таълим-тарбия жараёнининг вазиятларини таҳлил қилиш; тури педагогик вазиятларда эришиладиган натижаларниң самарадорлигини аниклаш; таълим-тарбия жараёнини ва педагогик фаолияти илмий асосда ташкил этишда мавжуд бўлган вазиятлар асосида педагогик тизимнинг ривожланишини олдиндан белгилаш.

Таълим самарадорлигини ошириш, кўзланган мақсадга эришишда бошқарув фаолиятига жалб этиладиган сарф-харажатларнинг меъёрда ортмаслигини таъминловчи, мактабнинг шароитига мос келувчи, энг қулаги бўлган ҳамда бошқарув жараёни ва унинг таркибий тузилишини қайта ташкил эта оладиган тизимни вужудга келтириш мувофиқлаштирилган ёндашувни жорий этишdir.

Содда қилиб айтганимизда, мувофиқлаштирилган ёндашувнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида бошқарувчи субъектнинг меҳнати ва вақти тежалади, шунингдек, бошқарувда бир томонламалик бартараф этилади.

Миллий-худудий ёндашув. Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнини бошқаришни ривожлантириш тизимида ёндашувнинг мазкур турига ҳам жуда катта аҳамият берилмоқда. Таълим муассасаларини миңтақалаштириш жараёллари турли хил тизимлар ва тизимости бўғивлар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Бошқарув қарорларининг мазмун ва моҳияти турли хил даражада белгиланмоқда: давлат, худудий, шаҳар, туман ва муассасалар миқёсида. Бугунги кундаги тизимнинг аввалги тизимдан асосий фарқларида, афзалликларида бири таълимнинг демократлашви - таълим ва тарбия услубларини танлашда ўкув юртлари мустакиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилишидадир. Шундан келиб чиқиб, таълим муассасасини бошқаришда субъектлар мустакил қарорлар қабул қилиш, таълим муассасасининг мустакил сиёсатини олиб бориш, тактика ва стратегияни мустакил белгилаш, худудий ва бошқа ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш имкониятларига эга.

Натижалар бўйича бошқарув. Бундай ёндашувнинг асосий ғояси шундан иборатки, ҳеч бир ташкилот (бошқарув, аввало, муассаса) ўз-ўзича ҳеч қандай аҳамият қасб этмайди, аммо, у бошланган натижаларга эришиш учун ўзаро бирлашган индивидларни ёки уларнинг гурухларини тартибга солишини кўзда тутади. Натижалар бўйича бошқарув тушунчаси ривожланиш тизими сифатида амал қиласди, булар ёрдамида таълим муассасасининг барча субъектлари билан келишилган ҳолда белгиланган натижаларга эришиш мумкин. Мазкур жараённинг вазифалари, мазмун ва моҳиятини ҳар бир қатнашувчига тушунтириш, маъмурий буйруқбозликни бартараф этишда ва шахснинг ўз-ўзини англапи ҳамда ўз фаолиятига ижодий ёндашувни жорий этишга хизмат қиласди. “Натижа” тушунчасининг ўзи бундай ёндашувларда жуда кеңг маънени англатиб, асосий тушунча сифатида у куйидаги турларга бўлинади (14-расм).



14-расм. Натижа тушунчасининг турлари

Таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишда уни мотивлаштириш, ташаббусларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш учун шароитлар яратиш, барча таркибий қисм ва бўлимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда натижаларнинг самарадорлигини таҳлил қилишни ҳамкорликда ташкил этиш, давлат талаблари асосида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали амалга ошириш зарур.

### **3.2. Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда инновацион фаолият**

“Инновация” тушунчаси (лот. Novus – янги) тадқиқотларда ва илмий ишларда XIX асрларда қўлланила бошлади. Аввал у алоҳида элементларни бир соҳадан бошқа соҳага киритишини ифодалади. Инновация - мақсадга йўналтирилган ўзгартиришлар бўлиб, маълум бир ижтимоий бирликка - муассаса, уюшма, жамоа ва гурухларга янги, нисбатан барқарор бўлган элементларни, умумий ҳолда халқнинг маънавий-маданий муносабатлари ва мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши билан узвий боғлик бўлган янгиликларни киритишидир.

Инновацион фаолиятга етакловчи омиллар объектив ва субъектив хусусиятларга эга бўлиб, унинг асосий йўналишини белгилайди. Инновацион фаолият жараёнини ташкил этишнинг педагогик шартлари мақсадга йўналтирилган, илмий асосланган жараёнларда инновацияларнинг ривожланишини такомиллаштириш учун имконият яратади.

Инновацион фаолиятни ривожлантиришда уни ташкил этиш жараёнини олдиндан моделлаштириш асосида юқори самарадорликка эришиш мумкин. Умумий ўрта таълим муассасаларида инновацион жараёнларни бошқариш модели муассасада ўзаро таъсир кўрсатувчи, функционал вазифалари аник белгиланган мутахассислар, бошқарув субъекти структурасини тасвирлайди.

Таълим муассасалари амалиётига инновацион моделларни самарали татбиқ этишнинг бошланғич шартлари сифатида: умумий мақсадларнинг мавжудлигини; бошқарув структурасининг кулаги ва демократик хусусияти; ахборотлар алмасиниш тизими орқали тизимости тизимларни горизонтал мувофиқлаштирилиши; раҳбарларнинг юқори даражада професионал компетентлиги (ўз соҳасини моҳир устаси бўлиши); жамоада психологик мухитни ижобийлиги; инновацион фаолиятда ўқитувчиларнинг самарали иштирокиин таъминловчи чора-тадбирларни келтириш мумкин.

Инновацион жараённинг таркибий тузилишини (15-расм) муаммолар, янгилашишга эҳтиёж, субъектлар, мақсад, вазифалар, мазмун, методлар, натижага ташкил этади.



15-расм. Инновацион жараённинг таркибий тузилиши.

Мазкур расмдан кўриш мумкинки, инновацион жараённи ташкил этишда ҳамда кўзланган натижаларга эришишда энг аввало, таълим муассасасидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда бажарилиши зарур бўлган вазифаларни, мақсадни аниқлаш шунингдек, муассасасининг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чикиб инновациоя жараённинг мазмун ва моҳиятини белгилашнинг сифати ва бажарилиш самарадорлиги субъектларнинг фаолиятига қай даражада боғлик бўлса, таълим муассасаси фаолиятида белгиланган мақсадларга кўра юкори натижаларга эришиш уларнинг инновацион фаолияти ҳамда инновацион жараёнларни ташкил этиш қобилиятларига шу даражада боғлик бўлади.

Шунингдек, барча кўрсаткичлар бўйича маълумотлар олиш учун қатор методлар ҳам қўлланилади: педагогик тажриба, сўровлар, хужжатлар таҳлили ва ҳ.к. Бу методларни қўллаш ёрдамида олинган маълумотлар ишлаб чиқилган инновацион моделни ҳаётий аҳамиятини аниқлашга имконият яратади.

Таълим муассасаларида инновацион жараёнларни бошқаришининг турли моделларини татбиқ этиш куйидагиларни назарда тутади: жараёнлар самарадорлигини (бошқарув сифатлари, инновацион фаолиятга қизиқиш ва тайёрланиш) таъминловчи бошқарув субъекти хусусиятларини ишлаб чиқиш; татбиқ этиш (тажриба-синов ишларини, педагогик таҳлил, ўзаро кузатиш, устоз-шогирд тизими, семинарлар, маслаҳатлар) шакллари, восита ва методларини ишлаб чиқиш.

“Инновация” ва “инновацион жараёнлар” иборалари ўзаро яқин ва ўхшаш, лекин бир хил маънони англатмайди. Инновацион жараён инновацияларни вужудга келтириш, амалиётта тадбиқ этиш ва оммалаштириш фаолиятлари билан боғлик. Инновацион салоҳиятига кўра янгиликлар; модернизация, фаолиятни

такомиллаштириш, шаклан ўзгартириш, ривожлантириш билан боғлиқ бўлган модификацион инновациялар; олдиндан маълум бўлган методларнинг элементларини янги тизимга бирекишини назарда тутивчи бириккай инновациялар; ўхшашликка ва умумийликка эга бўлмаган радикал инновациялар ислоҳотларнинг асоси сифатида белгиланади.

Педагогик жамоа аъзоларини инновацион жараёнга жалб этиш алоҳида бир жамоа аъзосининг фаолиятига ёки бутун жамоа фаолиятига боғлиқ бўлиши мумкин. Инновацияларни татбиқ этишини натижавийлигини текшириш уларнинг самарадорлигини баҳолаш масалаларини ҳал этишини талаб этади ва бунга куйидагилар мисол бўлади:

- педагогик жамоанинг касбий маҳоратини ўсиши;
- жамоада ижтимоий-психологик муҳитнинг мустаҳкам ва ижобий хусусиятлари;
- таълим ва тарбия жараёнини янгилашга жамоанинг тайёрлиги;
- жамоанинг илмий ва илмий-методик салоҳиятини оширишга мойиллик;
- педагоглар ўртасида ахборотлар алмашинуви сифатини ўсиши;
- ўкувчиларни таълим тизимишнинг турли босқичларида ўқиши давом эттиришлари учун тайёрлаш сифати.

Шу қатори инновацион фаолиятда педагогларни иштирок этиш асослари ҳам муҳим аҳамиятта эга (масалан, таълим муассасаларини ўзгартериш, янгилаш жараёнида педагоглар ўз иштирокини муҳим ва зарур деб ҳисоблайдими ёки зарур деб ҳисобламайдими ва ҳ.к.). Жамоадаги муносабатларни ҳам таҳлил килиш муҳим ҳисобланади, чунки бу педагогик жамоада ижобий руҳий муҳитни шакллантирилганлиги тўғрисидаги маълумотларни олишга имконият яратади. Жамоадаги ўзаро муносабатлар куйидаги белгилар орқали тавсифланади: "узаро ёрдам ва эҳтиросли қўллаб-куvvatlashlar", "ишонч ва бир-бирига нисбатан юқори даражадаги талабчанлик", "жамоага тегишли бўлган масалалар муҳокамаси жараёнида ўз фикрини эркин ифодалаш" ва ҳ.к.

УЎТМда бугунги кунда ўқитувчи узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, психологик муносабатларини ўзгартериши, шунингдек, бошқаларда ҳам инноватик ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур. Бундай педагоглар билан ишлаш, яъни жамоани ўзига эргаштира оладиган ходимларни бошқариш ва уларни фаолиятини ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга.

Шунинг учун таълим муассасаси раҳбари янгилик яратиш ва уларни татбиқ этиш, ихтирочилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг тажрибасини тарғибот килиш, оммалаштириш, инновацион фаолиятларининг натижаларини

баҳолаш бўйича, айниқса УЎТМ ва педагогик жамоа даражасида зарурӣ билим, кўнишка ва малакаларга эга бўлиш зарур.

Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, таълим муассасаларида инновацион жараёнларни бошқариш самарали бўлади, агар:

- таълим тизимини бошқаришнинг мавжуд тизими билан унинг интеграциялашуви амалга оширилган бўлса;

- умумий ўрта таълимни ихтисослаштирилган таҳлил дастурлари билан боғлиқлигини таъминлаш масалаларига тизимли ёндашувни жорий этилса;

- бошқарув субъекти обьектнинг функциялари ва структурасига мос келадиган қулай, ривожланувчи ташкилий структурага эга бўлса.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, таълим инновацияларининг барча асосий шаклларини интеграциялари амалга ошириладиган таълим муассасаси учун таълим дастурларини самарали бажарилишини таъминловчи янгиликларни кенгайтириш, ривожлантириш, қўллаб-куватлаш, такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш имкониятларини яратувчи, янгиликлар билав бойитилган мукаммал бошқарув структурасини яратиш зарур.

Бошқарув субъекти ташкилий структуралари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи, таълим муассасасининг турли хизматларини (ижтимоий, психологик ва ҳ.к.) амалга оширувчи, таълим-тарбиявий жараёнларни мунтазам тадқиқ қилишда қўллаб-куватланган, маъқулланган ва ходимлар, турли хизматлар ўртасида ахборот алмашинувини таъминловчи тизимни жорий этиш энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Инновацион бошқарувнинг турли хил моделларини самарали татбиқ этишнинг асосий шартлари: бошқарув структурасини қулай ва демократик ҳусусиятлари; тизимости тизимларни мувофиқлаштиришни аниклиги; раҳбар ҳусусиятларини таълим тизимининг ривожланиш ва ҳаракатланиш самарадорлигини саклашга мос келиши; педагогик жамоа ҳусусиятлари мажмуаси; кадрларни ўқитищ, инновацион жараёнларни қўллаб-куватлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш ва амалга ошириш ҳисобланади.


Умумий ҳолда, УЎТМ бошқарувида инновацион фаолиятни таъминлашни назарий таҳлили уни обьективлигини, ёш авлодга таълим-тарбия беришда узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принциплари асосида, замонавий талабларга мос янги вазифаларни бажариш, таълим жараённига янги педагогик технологияларни, ахборот технологияларини, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда, таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш заруриятини исботлайди.

### 3.3. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда тарбиявий муносабатлар

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалга оширишда, таълим муассасаси раҳбари, ўқитувчи-ходим ҳамда ўқувчилар ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар, бу муносабатларни иктиносидий, сиёсий ва бошқа муносабатлардан фарқли равишда тарбиявий муносабатлар деб атайдиз.

Тарбиявий муносабатлар - инсонлар ўртасидаги доимий муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсиин ривожлантиришга, яъни мустакил маълумот, мустакил таълим олиш ва ўзини ўзи тарбиялашни шакллантиришга хизмат қиласди, шунингдек, бу бошқарув жараёнида раҳбарлар билан ходимлар ўртасидаги муносабатларда турли шаклларда намоён бўлади, яъни, раҳбарларнинг билими, муомала ва мулоқот маданияти, кийиниши, гавда ҳаракатлари, бошқарувчилик қобилияти, фантехника, санъат ва табиатга бўлган муносабати ҳамда қизиқиши ходимларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Тарбиявий муносабатлар - бу инсонларнинг ўзаро тажриба алманиши, тажрибаларни ўзлаштириши, қўллаши бўлиб, бунга фан, техника, санъат ва табиат билан бўлган муносабатлар ҳам киради. Буларга асосан тарбиявий муносабатларнинг асосий шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин: "инсон-инсон", "инсон-китоб-инсон", "инсон-техника-инсон", "инсон-санъат-инсон", "инсон-табиат-инсон" шулар жумласидандир. Бу тарбиявий муносабатлар жараёнида инсон иккинчи бир инсонга бевосита ўзининг ҳаракатлари билан ёки воситалар ёрдамида таъсир ўтказиши мумкин, буни биз куйидаги (16-расм) расмда ҳам кўришимиз мумкин.



16-расм. Тарбиявий муносабатлар тизими

Юқоридаги чизмага асосланадиган бўлсак, "инсон-инсон" муносабатлари шаклида биринчи ўринда раҳбарнинг ўз ходимлари билан "раҳбар-ходим", ўқитувчининг ўз ўкувчилари билан "ўқитувчи-ўкувчи" муносабатларини, яъни, бошқарув жараёнида ўзаро бевосита таъсир мавжудлигини кўрамиз.

Бу бевосита таъсир, мулокот жараёнида ёки мулокотсиз масофадан туриб ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Мулокот жараёни сўзлар ёрдамида маълумот узатиш, яъни, таъсир этиш бўлиб, бунда раҳбарнинг нутки билан бир қаторда гавдасининг ҳолати, қўл ҳаракатлари, овозининг оҳангига ва атрофидаги ҳолат ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун раҳбар мулокот жараёнида қандай сўз ва атамалардан фойдаланишига, урғуни қаерга қўйишига, қанқа интонация билан гапиришига ҳам эътиборини қаратмоғи зарур ҳисобланади.

Мулокот жараёнида раҳбарнинг самимий ва диққат билан ўз сұхбатдошига қараб туриши ва уни тинглай билиши, сұхбатдошига ўз фикрини тўла ва тўғри ифодалалиши ҳамда самимий сұхбатлашиши учун имкон яратиш билан бир қаторда ўқитувчи-ходимларнинг ўз раҳбарлари билан бемалол сұхбатлашишлари, ўз фикрларини ва таклифларини раҳбарларга билдиришлари, янгиликлар яратиш борасида ҳам раҳбарларга суюниш мумкинлигига ишонч ҳосил қилишларида, шунингдек, ўқитувчи ва ўкувчилар ўртасидаги муносабатларда ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Ихтиёрий раҳбар ўз ўқитувчи-ходимларининг барчаси билан ҳам доимий жонли мулокотда бўлавермаслиги ҳаммамизга маълум, шунга қарамасдан, барча ўқитувчи-ходимлар, шу қатори ўқувчилар ҳам раҳбар билан доимий, бевосита ўзаро таъсирда бўлиши тарбиявий муносабатларда намоён бўлади. Бундай бевосита таъсир масофадан туриб, мулокотсиз тарбиявий жараёnda вужудга келади ва ундан раҳбар ҳам, ўқитувчи-ўкувчилар ҳам бир хилда таъсирланишлари мумкин. Яъни, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг ташки кўриниши, кийиниши, ютуклари, фан ва спорт йўналишлари бўйича турли мусобақалардаги ғалабалари раҳбарнинг кайфиятига ва унинг рейтингига қандай таъсир кўрсатса, раҳбарнинг ташки кўриниши, кийиниши, билими, жамоадаги мавқеи, ўзи каби таълим муассасалари раҳбарлари ўртасидаги обрўси, фан-техника, спорт ва санъатга бўлган қизикиши ўқитувчи ва ўкувчиларнинг фаолияти ҳамда ўзаро муносабатларига шундай таъсир кўрсатади.

Инсон ўзига ёккан, ўзи ҳавас қиласидиган, истараси иссик, хушфөйл, билимдон ва қобилиятли бўлган шахсни кўриши, унинг жилмайиши, бирдан кайфиятининг кўтарилишига сабаб бўлади. Шундай экан раҳбарнинг соқоли олинганлиги, соchlарининг тозалиги ва тартиблилиги, дадил қадам, маънодор хатти-ҳаракат, самимий жилмайишлар унинг ташки кўриниши ҳисобланаб, тоза,

дазмол босилган, сифатли кийим кийиши, кийимларининг ўқитувчи ва мураббий раҳбарларга мос бўлиши, шунингдек, кабинетининг тоза ва тартибли бўлиши, китоблар шкафида замонавий адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, айниқса, ўз ўқитувчилари томонидан тайёрланган методик маҳсулотларнинг бўлиши тарбиявий муносабатларда жуда катта аҳамият касб этади.

“Инсон-инсон” муносабатларида мулокот жараёнини ва мулокотсиз ўзаро таъсир жараёнларини тўғри ташкил этиш билан бир қаторда раҳбарлар ўз ходимларининг меҳнатларини тўғри баҳолай билишлари ҳам зарур ҳисобланади. Оддий бир мисол келтирадиган бўлсак, раҳбар бинога ёки кабинетига киришида оёғини пол артиш латтасига артиб кириши, яъни, фаррош меҳнатини қадрлаши, турли тадбирларда илфор тажрибага эга бўлган ўқитувчилар қатори, вижданан меҳнат килаётган фаррош ва бошқа техник ходимларни ҳам мукофотлаб, рағбатлантириб бориши жамоа аъзолари ўргасида мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллашига имкон яратади.

“Инсон-китоб-инсон” муносабатларига келадиган бўлсак, инсон бутун умри давомида тажриба орттириб борар экан, у ўз ҳаётида дуч келган муаммолар ва уларнинг ечимларини, инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган янгиликларни қофозга тушириб китоб яратади ва бу китоб иккинчи бир инсоннинг тарбияланишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида энг асосий манбалардан бири бўлиб хизмат киласди.

Шундай экан, раҳбарнинг билими, илмий даражаси, илмий-ижодий ишлари, унинг жамоадаги мавқеига ҳамда жамоа аъзоларининг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Бунда раҳбарнинг ўз устида тиямай ишлаши, фан-техника янгиликларидан ўз вақтида хабардор бўлиши, кўп китоблар ўқиши зарур бўлиб, у ўзи ўтказадиган йиғилишларда ҳар бир сўзини илмий асосланган маълумотларга, китоб ва бошқа манбаларга боғлаб маъруза килиши, нутқининг равон бўлиши ўқитувчи-ходимлар ва ўкувчилар билан бўлган муносабатларда ўз самарасини кўрсатади.

Раҳбар яратган янгиликлар, унинг илмий-ижодий меҳнати, ёзган китoblari, қўлланма ёки илмий-услубий мақолалари ўз жамоасидаги тарбиявий муносабатларни тартибга солиб бориша асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилиши мумкин. Яъни, таълим муассасаси раҳбари шахсан ўзи турли мавзулардаги илмий-амалий конференцияларда ўз мақолалари билан иштирок этиб борса, мактаб кутубхонасини янги адабиётлар билан бойитса, фан ва техника янгиликлари бўйича ўкув семинарларини ташкил этиб борсагина, жамоанинг илмий ижодий фаолият билан шуғулланишлари учун зарурий шароит яратади, шу билан бир қаторда ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, билим, тажриба ва кўникмаларни ривожлатириб

боришиларини талаб киладиган ижодий мухитнинг вужудга келишига замия яратган бўлади.

Демак, “инсон-китоб-инсон” муносабатларида раҳбар ўз муассасасининг ўқитувчи ва ўқувчиларини янгиликлар билан таништириб бориша, билим олишга ва ижодий ишлашга чорлашда факат куруқ сўзлар билан эмас, балки, ўзининг ижодий меҳнатининг маҳсулни бўлган китоби ёки илмий-услубий мақолалари билан ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таълим муассасаларида экологик тарбия таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб, у ўқитувчи ва ўқувчиларда табиатта онгли муносабатда бўлиш, табиат захираларини саклаш ва кўпайтиришга оид масъулият туйғуси ҳамда экологик муаммоларни амалий ҳал килишдаги кўнижмаларнинг ривожланишида мухим аҳамият касб этади. Шундай экан, “инсон-табиат-инсон” муносабатлари ҳам бошқарув фаолиятида раҳбарларга жуда катта вазифалар юклайди, масалаң, таълим муассасасининг тапки кўриниши, яъни, ер участкаларидағи дарахт, мевали дарахтлар, гулларнинг турлари, уларнинг парвариш килиниши ҳамда уларга берилаётган эътибор раҳбарнинг рейтингига таъсир қилиш билан биргаликда ўқитувчи-ходим ва ўқувчиларни табиатта бўлган муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирини авглаш ва унга эътибор қаратиш шахс илмий дунёкарашининг ривожланиш жараёни бўлиб, бу жараёнда “инсон-табиат-инсон” шаклидаги тарбиявий муносабатлар намоён бўлади ва бунда табиат конуниятларининг инсон томонидан ўзлаштирилиши, табиат конуниятларига оид таълим-тарбия асосида табиат яхлитлиги ҳамда атроф-мухитнинг инсон томонидан ўзгартирилиши ҳақидаги тасаввурлар шаклланади.

“Инсон-техника-инсон” муносабатларида инсон ўз тафаккури, билими ва қобилияти билан ҳаётий эҳтиёжларни қондириш маҳсадида техникани яратади, мураккаб тузилишга ва ишлаш принципига эга бўлган техникадан фойдаланиш учун эса, унинг тузилишини ва ишлаш принципини ўрганиш зарурияти туғилади, шунингдек, бу техникадан фойдаланиш услублари ҳам инсон томонидан яратилади. Бундан кўриниб турибдики, инсонлар томонидан яратилган техника ва техника воситалари бошқа бир инсонларни билим олишга, янгиликларни ўрганишга, илмий-ижодий фаолият билан шуғулланишга чорлайди.

Тарбиявий муносабатларда инсон иккинчи бир инсонга техника воситалари ёрдамида таъсир этиши ёки инсоннинг бирор бир техникага қизиқиб қолиши унинг ҳаётида жуда мухим роль ўйнаши мумкин. Бугунги кунда турли давлатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан берилаётган маълумотлар, кабель телевидениеларининг кўрсатувлари ёки “интернет-кафе” шахобчаларидаги компьютер ўйинларининг ўқувчи-ёшлар

тарбиясига ва уларнинг келажагига бўлган таъсирини турлича таърифлаш мумкин. Биз асосан таълим муассасаларидаги тарбиявий муносабатлар ва раҳбарларнинг вазифалари тўғрисида фикр билдиromoқчимиз.

Таълим муассасалари раҳбарларининг ўқитишнинг техникавий воситаларини яхши билиши, компьютер техникаларига қизиқиши ва улардан оқилона фойдаланиши, дарсларда ва йиғилишларда, ўкув-семинарларида слайд, электрон дарслик, ўкув-лаборатория машғулотларининг электрон вариантларидан фойдаланишга эришиши тарбиявий муносабатларда ўзининг ижобий самарасини беради.

Таълим муассасасида компьютер техникаси воситаларининг янги авлодларининг бўлиши ва улардан барча ўқитувчи ва ўкувчиларнинг фойдаланишлари учун, шунингдек, компьютер техникаларидан фойдаланишни ўрганишлари учун шароит ва имкониятлар яратилиши ўқитувчи-ходимлар ва ўкувчиларда раҳбарга нисбатан бўлган хурмат ва эътиборни кучайтиради ҳамда уларнинг компьютер техникаларига бўлган қизиқишини ривожлантириш билан бир каторда, улардан фойдаланишни ўрганишта ҳамда яратилган имкониятлардан мустақил фойдаланишга уйдайди.

“Инсон-санъат-инсон” шаклидаги муносабатлар ҳам таълим муассасаларидаги бошқарув жараёнида ўзига хос аҳамият касб этади, чунки санъат бор жойда янгиликка интилиш, меҳр-муҳаббат, инсонийлик туйғулари хукм суради.

Ҳар бир инсон қайсиdir бир санъат турига қизиқади, қайсиdir бир санъаткорни севиб тинглайди ва уни кўрганда ёки эшитганда беихтиёр кайфияти кўтарилиб кетади. Таълим муассасаси раҳбарининг санъатга бўлган қизиқиши нафақат бошқарув жараёни, балки, ўкув жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, чунки таълим олаётган ўкувчи-ёшларнинг ўртасида бир неча бўлажак буюк санъаткорлар ҳам бўлиши мумкин.

Таълим муассасаси раҳбари ҳар доим ходимларнинг меҳнатта ижодий муносабатда бўлишига таъсир этадиган субъектив ҳамда объектив омилларга эътибор бериши керак. Тарбиявий муносабатларда шахсга турли воситалар орқали тарбиявий таъсир кўрсатилади. Бундай воситалардан бири таълим муассасаси раҳбарининг санъатга қизиқиши, санъатга ва санъат турларига бўлган муносабатлардаги шахсий намунаси бўлиб, бу таълим муассасасида санъат турлари бўйича тўғаракларнинг фаолият кўрсатилишида, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг турли байрамларда, кўрик-танловларда ва фанлар бўйича ўtkaziladigan кечаларда ўз кобилиятлари билан иштирок этишларида ҳамда бундай қобилият згаларининг ўз вактида раҳбар томонидан рағбатлантирилиб борилишида намоён бўлади.

### **3.4. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда ахборотлар билан ишлаш**

Бошқарув субъекти ташкилий структуралари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи, таълим муассасасининг турли хизматларини (ижтимоий, психологик ва ҳ.к.) амалга оширувчи, таълим-тарбиявий жараёнларни мунтазам тадқиқ қилишда кўллаб-куватланган, маъкулланган, педагогик ходимлар, турли хизматлар ўртасида ахборот алмасинувини таъминловчи тизимни жорий этиш энг муҳим шартлардан бири хисобланади.

Ахборот - бу таълим муассасаларини бошқарув жараёнида педагогик ходимлар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофикалаштиришда, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ҳамда таълим самарадорлигини оширишда ўзига хос, турли хил янгиликларни ўз ичига олган маълумот ва хабарлардан иборат бўлиб, ишончли ва зарур ахборотлар раҳбарлик фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ахборотлар билан ишлаш - турли маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва узатишдан иборат бўлиб, педагогик ходимлар фаолиятини мувофикалаштириш жараёнида қўлланилади. Бу жараёнда раҳбар муассасага келиб тушаёттак асосий маълумотларнинг генератори сифатида фаолият кўрсатади ва унинг учун асосий меҳнат предмети ахборотлар бўлиб, улар асосида қарорлар - бошқарув жараёнининг маҳсулотлари ишлаб чиқалади.

Ахборотлар билан ишлаш функцияси раҳбарлар билан бўйсунувчилар ўртасидаги шахсий ва технологик ахборотлар алмашувини ташкил этади. Унинг асосий хусусияти раҳбарлар томонидан ходимларнинг меҳнат жараёнидан қониқишиларига кизиқишиларнинг вужудга келиши билан белгиланиб, бу хусусият раҳбарнинг бошқа функциялари ва ахборотлар билан ишлаш функциясининг қолган кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлади.

Ахборотлар тизими - бу таълим муассасаларини бошқарув жараёнида педагогик аҳамиятта эга бўлган маълумотларни, ўқитишининг янги педагогик ва ахборот технологияларини ҳамда таълим жараёнини ташкил этиш йўналишидаги барча меъёрий хужжатларни, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий, илмий-техникавий, ҳуқуқий ва ташкилий янгиликлардан иборат ахборотлар оқимини, замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компютерлар тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ўз ичига олувчи мураккаб тизим хисобланади.

Ахборотлар тизими кенг бўлиши ва ўз хусусиятига қараб янгиланувчалигини, яъни ўзгариб бориши, янгиликлар билан бойиб боришни инобатга олиб, бу тизимга раҳбар томонидан тизимли ёндашувнинг жорий этилиши талаб этилади. Бунинг сабаби, тизимнинг ташкил этувчилари ўртасидаги муносабатлар, ўзаро боғлиқлик ҳамда ташкил этувчилар тизимнинг ўзгаришига

ўз хиссасини қўшиши ва ўзгарувчи омилларнинг бошқарув жараёнига таъсир кўрсатишидадир.

Шундай қилиб ахборот раҳбарлар учун зарурий бўлган хабар ва маълумотлар мажмуидан иборат. Таълим муассасаларини бошқаришда ишончли ва керакли ахборотлар мухим аҳамият касб этади, чунки бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар ўргасидаги алоқа шакллари ахборотларга асосланади. Бошқаришда ахборотлар билан ишлаш жараёнлари куйидагиларни ўз ичига олади: ахборотлар тўплаш ва узатиш, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун олинган ахборотларни қайта ишлаш, зарурий ахборотларни ижрочиларга узатиш, уларни назоратга олиш.

Рахбарнинг иши хақидаги ахборот у чиқарган бошқариш қарорларини асослайди. Мазкур ахборотларнинг тўлик, ишончли, аниқ ва сифатли бўлиши бошқарув қарорларининг сифатига ўз таъсирини кўрсатади. Раҳбар ўз муассасасидаги ахборотларнинг ишончли ва аниқ бўлишини таъминлаши учун ўзига ахборот тайёрловчи ходимлар меҳнатини ташкил эта билиши, улардан тўғри фойдалана олиши керак. Тўпланган ахборотлар куйидаги талабларга мос келса унда қарор қабул қилиш учун мақбул дейиш мумкин: вазифа мазмунини тўла акс эттирас; маълум даврга таълим муассасаси ҳолатини акс эттирас; ўз вактида субъектига етказилса; қийинчиликсиз, қайта ишловсиз кўллаш мумкин бўлса.

Ахборотларнинг ишончли, мазмунли ва тушунарли бўлишидан ташқари ўз вактида келиши ва ўз вактида бажарувчиларга етказилиши, яъни тезкорлиги ҳам бошқарув жараёнида мухим аҳамият касб этади. Ўз вактида аниқланган ва ижрочиларга етказилган ахборотлар самарали бўлиб, кеч юборилган ахборотлар ўз аҳамиятини йўқотади. Раҳбарнинг ахборотлар билан ишлаш жараёнида, яъни ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ижрочиларга етказишида тескари алоқа мухим аҳамият касб этади. Чунки тескари алоқа жараёнида ахборот қабул қилувчи қандай қабул қилганлиги, мазмун-моҳиятини тўғри тушунганилиги тўғрисида ахборот бериш билан бир қаторда мазкур ахборотга бўлган муносабатини билдиради. Бу жараён ахборот узатувчи ҳамда қабул қилувчиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишлари учун хизмат киласи. Ахборотлар билан ишлаш вактида раҳбарлар доимо асосий эътиборни ахборотларнинг қандай шакл ва тартибда ижрочиларга етказилаёттанилигига қаратиши лозим, чунки ихтиёрий ахборотнинг хотўғри узатилиши турли хил шов-шувларга ва тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Коммуникациялар маълум бир таълим муассасасини бошқаришда ўзига хос мураккаб тизим бўлиб, бу жамоа аъзолари ўргасидаги ўзаро ахборот алмашинувидир. Раҳбарлар бажарадиган барча ишлар ахборотларнинг самарали алмашинишни талаб киласи.

тавсифланади ва бошқарув маданиятининг ташкилий сифатини белгилайди.

Раҳбарлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ва унинг ижрочилар томонидан бажарилиши, шунингдек, таълим муассасасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ахборотларнинг ўз вактида ва самарали алмашинувини талаб этади. Содда қилиб айтганда, яхши йўлга кўйилган коммуникация бошқарув фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

Икки ва ундан ортиқ инсонлар ўртасидаги ахборот алмашиш жараёни коммуникация жараёни бўлиб, мазкур жараёнда раҳбарлар оғзаки ва ёзма мулокотни амалга оширади. Бу жараёнда самарадорликка эришиш учун педагогик ходимлар ўз раҳбарларига топшириқнинг мазмун ва моҳиятини қандай тушунганилиги тўғрисида маълумот бериши, раҳбарлар эса топширикларни қандай ва қай тартибда бажариш ва қандай натижаларга эришиш лозимлигини тушунтириши зарур. Таълим муассасаларида мавжуд коммуникациялар асосан ташки ва ички коммуникацияларга бўлинади.

Ташки коммуникация. Таълим муассасаси билан ташки муҳит ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни ташки коммуникацияларни ифодалаб, бунга ташқаридан келган ахборотлар, юқори бошқарув органлари, ҳокимият, вазирлик ва халқ таълими бошқармаларидан келган ахборотларни киритиш мумкин.

Ички коммуникация. Таълим муассасаларида вертикал ва горизонтал ахборот алмашинуви мавжуд бўлиб, булар таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш учун зарур бўлган ахборотлар алмашинуви, яъни ички коммуникацияни ифодалайди.

Таълим муассасаларидаги мавжуд коммуникацион жараёнлар раҳбарларга оғзаки ва ёзма мулокот жараёнида сұхбатлашиш, ёзиш, ўқиши, нутқ сўзлаш, яъни йиғилишларда маъруза қилиш йўналишларида ўзига хос талабларни белгилайди. Масалан, раҳбар томонидан қарорларни ижрочиларга етказиш жараёнида фақатгина саводли ва чиройли ёза билишни эмас, балки маълумотларни, фикр ва ғояларни қисқа ва равон, давлат тилида ифодалашни назарда тутади. Оғзаки мулокот жараёнида раҳбарлар диалогик ва монологик нутклардан фойдалана билиши, сўзлардан ташқари турли хил ҳаракат, ҳолат, кулгу, оҳанг, мимика, тўхташлардан тўғри фойдаланиши зарур бўлиб, булар сұхбатдошга таъсир кўрсатиш билан бир қаторда мулокот жараёнини тўлдиради ва таъсирини кучайтиради.

### **3.5. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларида мотивлаштириш**

Мамлакатимизда жорий этилган узлуксиз таълим тизими барча таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадолигини, изчилиги ва узвийлигини таъминлаш асосида таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигин ошириш, замонавий методларини ва воситаларини танлаш ҳамда таълим-тарбия жараёнларига инновацияларни татбиқ этиш асосида рақобатбардош битиравчилар тайёрловчи қулай таълимий мухитни шакллантиришни назарда тутади.

Таълим муассасаларида рақобатбардош, мустақил фикрловчи, барча фанларни яхши ўзлаштирган, чет тилларини мукаммал биладиган, маънавий баркамол битиравчилар тайёрлашга йўналтирилган таълимий мухитни шакллантириш учун зарурй шарт-шароитларни яратишда ўқитувчиларниг эҳтиёжлари ва имкониятларини ўрганиш асосида уларниг фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш зарур бўлиб, бошқарув жараёнида мотивлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Мотивлаштириш - бу маълум эҳтиёжлардан келиб чиқиб, кишилар фаолиятини психологик таъсир этиш йўллари билан мақсадга мувофиқ йўналтиришdir. Таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишда мотивлаштириш, ташаббусларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш учун шароитлар яратиш, барча таркибий қисм ва бўлимларниг фаолиятини мувофиқлаштириш, ижтимоий амалиёт ва таълим эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда натижаларниг самарадорлигини таҳлил қилишни ҳамкорликда ташкил этиш, давлат талаблари асосида педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали амалга оширилади.

Таълим муассасаларини бошқаришда мотивлаштириш жуда мухим аҳамият касб этади, таълим муассасаларида нафақат педагогик ходимлар, балки ўқувчиларниг фаолиятини ҳам мувофиқлаштириш, давлат ва жамият, шахс, фан ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мотивлаштириш зарур хисобланади.

Мотивлаштириш таълим-тарбия жараёни иштирокчилари-ning хатти-харакатларига йўналиш беради, эришиш зарур бўлган мақсадларни белгилайди. Мотивлаштириш педагогик ходимлар ва ўқувчиларниг ҳамкорликдаги фаолиятларини, таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишида ҳаракатга келтирувчи динамик жараён хисобланади.

Мотивлаштириш жараёнида инсон эҳтиёжлари ёки жамоа аъзоларининг умумий манбаатларини ифодаловчи эҳтиёжларни инобатга олиш зарур хисобланади, чунки мотивлаштириш эҳтиёжларниг қондирилиши асосида амалга оширилади.

Эҳтиёж инсонларни маълум бир фаолиятга йўналтирувчи омиллар бўлиб, уларни жисмоний ёки аклий меҳнатга, шунингдек, дам олиш, билим олиш, хунар ўрганиш, умуман олганда яшаш учун курашишга чорлади. Инсон эҳтиёжлари турли хил бўлиб, уларнинг психологик хусусиятларига, яъни одати, диди ва кайфияти, ёши ва соғлиги, жинси, оиласвий ахволи, меҳнат қилиш ва яшаш шароитларига ҳам боғлик бўлади.

Масалан, таълим муассасасидаги кекса ёшли педагог билан янги оила қурган ёки уйланмаган педагогнинг, ўқитувчи билан ўқувчининг, раҳбар билан ходимнинг эҳтиёжлари бир-биридан тубдаға фарқ қиласди. Ихтиёрий инсоннинг эҳтиёжлари ўзгарувчан бўлиб, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари ўзгариб, ривожланиб борган сари эҳтиёжлар ҳам ортиб боради.

Масалан, эҳтиёжларнинг ортиб боришини эндиғина бир хонали уйга эга бўлган кишида маълум вақт давомида замонавий таъмирлаш ёки кўп хонали уйга эга бўлиш эҳтиёжи, бир қаватли ҳовли-жойга эга бўлган кишида, икки қаватли қилиб куриш мақсадининг вужудга келишида ва бошқа ҳолатларда кўришимиз мумкин. Инсон ўсиб-улғайиб, ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар ривожланиб, тараққий этиб борар экан, барча эҳтиёжлар ҳам уларга узвий боғлик ҳолда ортиб бораверади.

Инсон ҳаётида мавжуд бўлган хилма-хил эҳтиёжларни қондириш учун турли хил фаолиятларни ташкил этиш ва мазкур фаолиятни мувофиқлаштириш учун бошқарув фаолиятини амалга ошириш ва унда мотивлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Мотивлаштириш жараёни мавжуд эҳтиёжларга қоникиш ҳосил қилиш учун, яъни эҳтиёжларнинг қондирилиши учун мақсадни белгилаш ва унга эришиш учун ҳаракат қилишдан бошланади. Мазкур жараёнда эҳтиёжнинг қондирилиш даражаси иштирокчиларнинг муайян фаолиятининг ҳолатини белгилайди.

Таълим муассасаларида бошқарув фаолияти жараёнида мотивлаштириш педагогик ходимларнинг ҳамда ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини, яъни таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш ҳамда юқори натижаларга эришиш жараёнида уларнинг қобилиятларини ривожлантиришга ундашни билдиради.

Мотивлаштиришнинг руҳий ва ташкилий иқтисодий йўналишдаги турли назарияларини икки гурӯхга бўлиш мумкин:

1. Мотивлаштиришнинг мазмунли назарияси, у кишиларни бошқача эмас, айнан шундай ишлашга мажбур қиласиган шахснинг ички руҳий фаолиятининг идентификациясига асосланади (бу А.Маслоу ва Ф.Герцберг ва бошқалар термини).

2. Мотивлаштиришнинг процессуал назарияси - жуда ҳам замонавий услублардан бири бўлиб, кишилар ўзини билиши ва тарбия маъносига ўзларини қандай тутишларига асосланади (бу Портер-Лоуларнинг кутиш назарияси, одиллик назарияси ва мотивлаштириш моделлари). Санаб ўтилган назариялар бальзи

масалаларда бир-биридан фарқ қиласада, улар бир-бирини иккор этмайды [30, 122-б.].

Маслоу назарияси бүйича барча эхтиёжларни қатый иерархия структураси бүйича жойлаштириш мумкин. У күйи даражадаги эхтиёжларни қондиришни талаб қиласади, ўз навбатида инсон хулкига таъсир күрсатади, юқори даражадаги эхтиёжлар эса аста-секин таъсир күрсатади.

Америкалик психолог А. Маслоу инсон ҳәётидаги мавжуд эхтиёжлардан бешта асосийларини ажратиб күрсатади (17-расм).



17- расм. Маслоу назарияси бүйича мотивлаштириш бөкічлари.

Маслоу назарияси бүйича барча эхтиёжларни қатый иерархия структураси бүйича жойлаштириш мумкин [101, 497-б.]. У күйи даражадаги эхтиёжларни қондиришни талаб қиласади, ўз навбатида инсон хулкига таъсир күрсатади, юқори даражадаги эхтиёжлар эса аста-секин таъсир күрсатади.

Бирламчи эхтиёжлар - бу инсоннинг ҳәётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган эхтиёжлар. А.Маслоунинг фикрича, инсон, энг аввало ана шу эхтиёжларини қондириш учун ишлайди. Бирламчи эхтиёжлар ҳисобланган озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уй-жойга, уйқуга бўлган эхтиёж қондирилса, бошқа даражадаги эхтиёжлар ҳам аста-секин аҳамият кассб этиб боради. Юқорида айтганимиздек, бирламчи эхтиёжлар қондирилгач, бошқа заруриятлар кишиларни юқори даражадаги эхтиёжларга қараб ҳаракат қилишга мажбур қиласади. Лекин, инсоннинг барча эхтиёжларни ҳеч қачон тўла-тўқис қондириш имконияти бўлмайди. Шу сабабли эхтиёжларга асосланган мотивация жараёни мавжуддир.

Мотивлаштиришда америкалик психолог В.Врум томонидан 1964 йилда ишлаб чиқилган кутиш назарияси ҳам мухим аҳамият касб этиб, меҳнатининг натижасини кутиш, яъни меҳнат харажатлари билан олинган натижа ўртасидаги фарқни, фойдани кутиш, натижа билан рағбатлантириш ўртасидаги фарқни кутиш, бу ерда рағбатлантириш меҳнат натижасидан қониқиши ёки қониқмаслики билдиради. Яъни, кутилган натижага эришиш мотивациянинг ҳолатини белгилайди, раҳбарлар томонидан меҳнати натижаларига кўра ходимларнинг ўз вақтида рағбатлантирилиб бориши мотивацияни кучайтиради ва ҳ. к.

Умуман олганда таълим муассасаларида педагогик ходимларни мотивлаштириш (раҳбарлар ва бўйсувувчилар) – бу усул ходимларнинг бошқарув жараёнида кенг миқёсда иштирок этишига асосланган бўлиб, уни кўллаш орқали соғлом ижтимоий-рухий мухит яратилади. Бунда ижтимоий-психологик методлар меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган бўлиб, у ходимларнинг маънавий ва ижтимоий хулқига таъсир этиш орқали амалга оширилади.

### **3.6. Умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиши ва бошқаришда меҳнат муносабатлари этикаси**

Таълим муассасаларидаги ижтимоий-психологик мухит жамоанинг шахслараро муносабатлардан қониқиши ва қониқмаслиги билан белгиланади. Ижтимоий-психологик мухит ходимларнинг ҳиссиётлари ва кайфиятларида ифодаланаадиган ўзаро таъсирлар сингари барча ҳолатлар мажмуасини акс эттиради.

Таълим муассасаларини бошқаришда жамоа аъзоларининг индивидуал психологик хусусиятлари, шахсий сифатларининг ҳар томонлами ривожланиши ва уларнинг ўзаро муносабатларининг мувофиқлаштирилиши мухим аҳамият касб этади. Чунки, таълим муассасасининг муваффакияти, мақсадга эришишдаги натижаларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан жамоа аъзолари муносабатларининг такомиллашув даражасига, таълим муассасасидаги "ижтимоий микроклимат"нинг соғлом бўлишига боғлиқдир. Мазкур жамоа аъзоси бўлган шахснинг мухим маънавий сифатларидан ҳисобланган ахлоқий онг, ҳиссиёт ва хулиқи шакллантириш, ватанпарварлик, ватанга мухаббат, инсонпарварлик, онгли интизом ва бошка туйғуларни таркиб топтириш соғлом руҳий мухитнинг вужудга келишида мухим аҳамият касб этади.

Жамоатчилик фаолияти шахснинг хусусиятлари сифатида намоён бўлади ҳамда инсон ва жамият мағфаатларини, мақсадларининг бирдамлигини ифодалайди. У ўз таркибига меҳнат ва жамоатчилик фаоллиги, бурч ва жавобгарлик туйғуси, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, жамоа ва бутун жамият мағфаатлари йўлида бошқаларга ва ўзига талабчанлик

туйғуларини қамраб олади. Жамоада соғлом мұхитни вужудға келтиришнинг яна бир мұхим хоссаси меңнатта масъулият билан қараш фазилатларини шакллантиришдір. Этика (ахлоқ) дейилгандың ижтимоий ҳаёт жараённанда рүёбга чикариладынан универсал ва ўзига хос ахлоқий талаблар да хулқ-атвор мәйерлардың тизими назарда тутилады.

Шундай экан, ахлоқнинг мұхим таркибий қисмларидан үлгап мұхитни масъулиятли мұносабатнинг асосий белгилари бекараразлық, мәңнат мажбуриятларында онгли, масъулиятли ёндәшиш, интизомлилик, ижодий излашиш, ташаббус, фаолият натижаларини олдиңдан күра билиш да мустақил қарор қабул килиш, жамоатчилик ҳамкорлығы, дүстона ёрдам күрсатышта тайёрлик, ходимларнинг қадр-киммати да ўзаро ҳурмат түйғусини ривожлантириш ҳисобланады. Ахлоқнинг яна бир хислати онгли интизомдир. Онгли интизом ахлоқнинг таркибий қисми бўлиб, давлат да жамоатчилик мажбуриятларини тўла бажариш ҳамда ижтимоий ҳаётда инсонларга бекарараз ёрдам күрсатиш да барча хатти-ҳаракатларни умумий қабул қилинган мәйерлар доирасида амалга оширишдир.

Инсоннинг мәңнат жамоасидаги хулқи ижтимоий мәйерлар асосига қурилади. Ижтимоий мәйерлар шахс ўрнини белгилаш да вазиятни танлаш мақсадларында хизмат қилади ҳамда хулқни назорат қилишни таъминлайди, бу билан мазкур гурӯҳ доирасида шахснинг ўзаро таъсир фаолиятини тартибга солади. Ҳар бир мәңнат жамоасида таркиб топған анъана да ижтимоий мәйерлар ходим хулқини тартибга солища мұхим аҳамият касб этади. Бунга эса жамоада тарбиявий ишларни олиб бориш орқали эришилади. Ходимнинг бу мәйерларни қанчалик тушуниши, унга риоя қилиши унинг мәңнат самарадорлигига таъсир қилади. Таълим муассасасидаги ҳар бир педагогик ходимнинг ўз вазифасини қандай бажаришига қараб унинг маҳорати, кобиляти, малакаси да билими ҳақида холоса чиқариш мумкин.

Таълим муассасасида таркиб топған анъана да касбий фаолият мәйерлари шу жамоа раҳбари, педагогик ходимлар да мутахассисларнинг касбий фаолият сифатлари ҳақида холоса чиқариш имконини беради. Бу мәйерлар ҳар доим ҳам ижтимоий мәйерларга мос келавермайди. Мазкур мәйерларда кўпинча маълум бир жамоагагина хос қарашларга оид тажриба мустахкамланади, шунинг учун ҳам бу тажриба мазкур мәңнат жамоасида амал қилади да кутилган натижаларни беради. Жамоада таркиб топған ижодий анъана да касб мәйерлари янги келган педагогик ходимнинг муассаса шароитига тез мослапиши учун ёрдам беради, агар салбий хусусиятларга эга бўлган анъаналар бўлса турли ихтилофларнинг келиб чиқишига да ходимларнинг кўнимсизлигига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Раҳбар ҳар доим мәңнатта ижодий мұносабатда бўлишга таъсир этадиган субъектив ҳамда объектив омилларга эътибор

бериши керак. Шахсга турли воситалар орқали тарбиявий таъсир кўрсатилади. Бундай воситалардан бири таълим муассасаси раҳбарининг шахсий намунаси ва обрўсидир. Раҳбар шахси қанчалик етук бўлса (билими, муомаласи, ходимларга меҳрибонлиги, сўзи устидан чиқа олиши, барча муносабатлари), унинг ходимларга тарбиявий таъсири шунчалик самарали бўлади. Таълим муассасасида раҳбар ташкилий ишлар марказида туради. Шунинг учун ҳам раҳбар ўз қўл остидаги ходимларига шахсий намуна бўлиши учун ахлоқий сифатларни яхши ўзлаштирган ва ўзида шакллаштирган бўлиши керак. Булар унинг ўз фаолиятини ташкил этишида, меҳнатга бўлган муносабатида, ходимлар билан бўлган мулокот жараёнида, умуман олганда барча муносабатларида намоён бўлади.

Таълим муассасаларида педагогик ходимларнинг педагогик фаолияти уларнинг ахлоқий меъёрларни, хулқ-автор қоидаларини бажариши ва ўзининг атрофидаги ташки мухит билан (ҳамкаслари, ўқувчилар ва бошқа ходимлар билан) ўзаро муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш, мулокот жараёнини ташкил этиши билан узвий боғлиқ. Ахлоқий меъёрлар умуминсоний меъёрларга ва хулқ-автор қоидаларига асосланади, лекин ўзининг айрим фарқ қилувчи хусусиятларига ҳам эга. Педагогик фаолият жараёнида шахслараро ўзаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиш керак бўлади.

Таълим муассасаларида шахслараро муносабатлар жамоа аъзолари ўртасидаги объектив алоқаларни ва ўзаро таъсир этиш шаклларини ифодалаб, улар расмий ва норасмий турларга бўлинади ва ўз навбатида муносабатларни хизмат муносабатлари ва шахсий муносабатларга ажратиш мумкин. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва такомиллаптириш билан боғлиқ бўлган, яъни педагогик фаолият йўналишидаги муносабатларни хизмат муносабатлари деб атасимиз мумкин. Шахсий эҳтиёж ва шахсий ишлар билан боғлиқ бўлган муносабатлар шахсий муносабатлардир.

Психологияда шахслараро муносабатларни тавсифлашда уларнинг уч таркибий қисми, яъни учта асосий компонентлари кўрсатиб ўтилади: хулқий, эмоционал ва билиш компонентлари.

Хулқий компонентлар - саъи-ҳаракат, қилик, мимика, имоишора, нутқ ва бошқа инсон хулқи билан боғлиқ муносабатлар. Эмоционал компонентлар - эмоционал кечинмалар билан боғлиқ бўлган муносабатлар. Билиш компоненти - бошқаларни ва ўз-ўзини билишга қаратилган психик жараёвлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва ҳ.к.

Таълим муассасаларида бошқарув фаолиятини ташкил этишда хулқ компоненти етакчи бўлиб, шахслараро муносабатларни тартибга солиб туради. Норасмий муносабатларда эса эмоционал компонент тартибга солувчи функцияни бажаради. Шахслараро муносабатлар мулокот

жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Мулоқот ҳам ахборотли, ҳам предметли ўзаро таъсир кўрсатишдир. Ўзаро таъсир кўрсатиш, мулоқот, биргаликдаги фаолиятда шахслараро муносабатларда пайдо бўлади ва шаклланади. Улар кенг кўламдаги психик ҳодисаларни: инсонларнинг бир-бирини идрок қилиши ва тушуниши, шахслараро жозибадорлик (ўзига тортиш, мойиллик, симпатия), ўзаро таъсир этишини ифодалайди. Мулоқот жараёнида энг аввало, саломлашиш муҳим аҳамият касб этади, агарда мулоқот иштирокчилари биринчи марта мулоқотда бўлаётган бўлса, албатта ўзининг кимлигини айтиши, яъни ўзини танишириши зарур ҳисобланади. Шунингдек, мулоқот қандай ташкил этилишига кўра эшлиш ва сұхбатлашиш, танқидни қабул қилиш қонидаларини ва шунингдек, телефонда гаплашиш одобини билиш мулоқот жараёнига ҳамда мулоқотдан кўзлангая мақсадга эришишга ўз таъсирини кўрсатади.

Мулоқотда шахслараро ахборотлар, билимлар, ғоялар, фикрлар алмашинуви жараёни вужудга келиб, бу маълумотлар алмашинуви жараёни, яъни мулоқотнинг коммуникатив жараёни дейилади. Мазкур жараёнда асосий восита нутқ бўлиб, асосий эътиборни нуткга қаратиш зарур бўлади. Оғзаки нутқ диалогик ва монологик турларга бўлинади. Диалогик нутқнинг мазмуни, мулоқотга киришётган шахсларнинг шахсий қизиқишлари, қарашлари, бир-бирларига бўлган муносабатлар ўзаро боғлиқ бўлади. Монологик нутқ эса бир шахснинг бошқа шахсга ёки гурухга нисбатан мурожаати бўлиб, унга нисбатан грамматик қонун-қонидаларга амал қилиш, фикрларнинг аниқ ва тушунарли бўлиши каби бир қатор шартлар кўйилади.

Мулоқотнинг интерактив томони ҳам мавжуд бўлиб, бунда мулоқотга киришувчи томонларнинг хулқ-авторларига ўзаро таъсир жараёни вужудга келади. Мулоқотга киришувчи томонларнинг бир-бирларини идрок этишлари ва тушунишлари билан боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараён мулоқотнинг перцептив томони ҳисобланади. Умуман олганда ҳар бир мулоқот турининг мақсад ва вазифаси, ўз қонун-қонидалари, таъсир усууллари ва йўл-йўриклари борки, уларни билиш доимо мулоқотда бўладиган ҳар бир инсон учун зарур ҳисобланади.

## **IV БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

### **4.1. Умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимлари малакасини оширишга раҳбарларнинг тизимли ёндашуви**

Педагог-ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, уларда ишга бўлган ташаббускорлик - ижодий муносабатни шакллантириш, моддий ва ижтимоий-психологик рағбатлантириш тизимини яратишга муассаса раҳбарларининг тизимли ёндашуви зарур.

Бугунги кунда кўпгина таълим муассасаси раҳбарлари ўз фаолиятларида педагогик ходимларнинг малакасини оширишни қачон ва қайси йили малака ошириш институтида ўқиб келганилиги билан белгилайди, яъни малака ошириш тушунчасига бир томонлама ёндашишмоқда.

Бу ўз навбатида педагогларнинг янгиликлардан оркада қолишига асосий сабаб бўлиш билан бир қаторда, ракобат мухитининг вужудга келишига қаршилик кўрсатмоқда. Педагог ходимларни моддий рағбатлантиришга, фаолиятини такомиллаштиришга асосий мезон бўлиб хизмат ҳилиши мумкин бўлган билими, кўникма ва малакаси, касбий маҳоратини ривожлантиришда мухим аҳамият касб этувчи малака ошириш ва қайта тайёрлашни мураккаб педагогик тизим сифатида ҳисоблаб, унга тизимли ёндашувни жорий этиш зарур.

Чунки, ҳар қандай тизим ўзининг ташкил этувчиларига, яъни компонентларига эга бўлади. Мураккаб педагогик тизим ҳисобланган узлуксиз малака ошириш жараёни асосий компонентларига: таълим муассасасида ташкил этиладиган ўкув семинарлари, семинар-тренинглар, очиқ дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илфор педагогик технологияларни оммалаштириш, профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланадиган методик маҳсулотлар, жумладан, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотлар ҳамда масофадан ўқитиши киритиш мумкин.

Ихтиёрий тизимнинг ташкил этувчи компонентларидан бири мазкур тизимнинг ўзгаришига ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга тизимли ёндашувни жорий этиш зарур бўлиб, бунда профессор-ўқитувчининг билими, кўникма ва малакаси ҳамда касбий маҳорати даражасини аниқлаш мезонларининг элементи сифатида тизимнинг ҳар бир компонентини олиш мумкин.

Педагог-ходимлар рейтингини белгилаш мезонини ишлаб чиқиша малака ошириш тизими компонентларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб балларнинг тақсимланиши, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда ўзига хос аҳамият

касб этади. Масалан, 100 баллик тизимда баҳолаш мезонини күйидагича белгилаш мүмкін:

- илмий даражаси учун - 20 балл (фан доктори - 20 балл, фан номзоди - 10 балл);

- тажрибаси оммалаштирилғанлиги учун - 15 балл (Республика ва вилоят миқёсида оммалаштирилған бўлса - 15 балл, туман миқёсида оммалаштирилған бўлса - 10 балл, таълим муассасаси миқёсида оммалаштирилғанлиги учун - 5 балл);

- малака ошириш институтида ва масофадан ўқитишда ўз вақтида ўқигани учун - 9 балл (мутахассислиги бўйича - 5 балл, қисқа муддатли курсларда - 4 балл);

- илмий-методик мақолалари учун 8 балл (Республика илмий-методик журналларидаги ҳар бир мақоласи учун - 4 балл, бошқа журнал, газета ва тўпламларда - 2 балл);

- яратган ўкув кўлланма, дарслик ва методик кўлланмалари учун - 9 балл ( ўкув кўлланма ёки дарсликни ҳар бири учун 9 балл, методик кўлланма - 5 балл, методик кўрсатма - 4 балл);

- илмий-амалий конференцияларда мақоласи билан иштироки учун - 8 балл (халқаро ва республика конференцияларида - 5 балл, вилоят ва туман миқёсида - 2 балл);

- ўкув семинарлари ва семинар-тренинглар учун - 15 балл (ташкил этган ҳар бир семинар учун - 4 балл, иштироки учун - 2 балл);

- очиқ дарслар учун - 8 балл (ташкил этгани учун ҳар бир соатига - 2 балл , бошқа очиқ дарсларга қатнашгани учун уч соатига - 1 балл);

- ўзаро дарс кузатишлар - 8 балл (профессор-ўқитувчининг дарс кузатиши, ҳар ўн соатига - 1 балл).

Тизимли ёндашувда барча компонентлар тизимнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатишини инобатга олиб, юкорида келтирилған барча катталикларни ҳисобга олиш зарур ва бу ўз навбатида педагогик ходимларни рағбатлатириша ҳам асосий компонентлар сифатида хизмат қилиши мүмкін.

Баҳолаш жараённан демократик тамойилларга асосланган ҳолда баҳолаш мезонларини профессор-ўқитувчиларнинг ўзига тарқатиш ва белгиланган мезонлар асосида ўзини-ўзи баҳолашни ташкил этиш уларнинг ижодий фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириша мухим аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида педагог ходимларнинг узлуксиз малакасини ошириб боришига заман яратади ва ўз навбатида, таълим муассасаларида педагог ходимлар ва раҳбарларни малакасини узликсиз равишда ошириб боришига хизмат килувчи педагогик жараёнларни самарали ташкил этишни назарда тутади.

Таълим муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг малакасини ошириш - бу нафакат педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга уларнинг тайёргарлигини ривожлантириш, балки уларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш ва

профессионал компетентлилик йўналишидаги эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган узлуксиз жараён, яъни кўшимча таълим тизимида субъектларнинг шахсий аҳамият касб этувчи ўзаро таъсир жараённи сифатида ташкил этилиши зарур.

Таълим муассасалари педагог ва раҳбар ходимларнинг малакасини узлуксиз равишда оширишга қаратилган жараён фаолиятнинг барча босқичларида улар ўзларининг касбий тажрибаларини англаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ўзини-ўзи шахсий ривожлантириш эҳтиёжларини фаоллаштириш ва қўллаб-кувватлашга асосланади. Мазкур жараёнда шахснинг маънавий бойиши ҳамда ижодий салоҳиятининг ривожланиши учун имконият вужудга келади.

Таълим муассасалари педагог ва раҳбар ходимларнинг малакасини узлуксиз оширишга йўналтирилган педагогик жараён раҳбарлар ва педагог ходимлар учун нафақат назарий, балки юксак даражада яшаш ва ҳаётий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш қобилияtlарини шакллантирувчи мухит вазифасини ҳам бажариши ҳамда мазкур жараёнларда яратилган шарт-шароитлар улар учун ўз шахсини ривожлантиришга имконият яратиши зарур.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёни раҳбарлар ва педагогик ходимларда қуидаги йўналишларда эҳтиёж ва ижобий мотивларни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши керак:

- ўзини кўпроқ мустақил ва ўзини-ўзи бошқарувчи шахс сифатида хис этиш ҳамда ўзини-ўзи ривожлантиришга интилиш;
- таълим-тарбия манбаси сифатида вужудга келадиган, ҳаётий ва касбий бой тажрибаларни ўзлаштиришга интилиш;
- белгиланган аниқ мақсадларга эришиш ва муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашиш;
- белгиланган мақсадларга эришиш ва муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал этишга интилиш билан боғлиқ ҳолда, таълим олиш учун юқори даражадаги тайёргарлик ва мотивацияга эга бўлиш;
- эгаллаган билими, кўникма ва малакаларини амалиётта татбиқ этиш заруриятини тушуниш;
- касбий фаолиятида вужудга келган муаммоларни имкон даражасида тезроқ ҳал этиш учун ва эгаллаган билимларини қисқа муддат ичida амалиётта татбиқ этишга юқори даражадаги интилиш.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёни педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг шахсий-йўналтирилган жиҳатларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш, турли даражада уларни амалга ошириш, педагогик жараённинг барча субъектларининг шахсий ривожланишини таъминлаш учун имконият яратувчи психологик тайёргарликни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишда раҳбарлар ва педагог ходимларини шахс сифатида умумий ривожланишини, шунингдек, уларнинг педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш фаолиятига муносабатлари ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш зарур.

Раҳбарлар ва педагог ходимларда шахс сифатида янгиликларни яратишга ички мослашув ва фикрларни усуллари шаклланган бўлса, улар барча ўзгаришларга ўз муносабатини осон билдиради, уларни тўғри баҳолайди, бошқаради ва ўз касбий фаолиятида уларни самарали амалга оширади.

Агарда уларда янгиликларни яратишга ички мослашув яхши шаклланмаган бўлса, улар шахс сифатида кўпроқ консерватизмга мойил бўлади ва бундай ҳолатларни узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишда инобатта олиш ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Чунки раҳбарлар ва педагог ходимлар педагогик жараёнларни ривожлантиришнинг концептуал дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда сермулоҳазали назариётчи, методолог, тадқиқотчи ва компетентли бошқарувчи бўлмаса, узлуксиз ривожланиб борувчи жараёнлар ҳисобланган педагогик жараёнларни илмий асосда бошқара олмайди.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнининг энг асосий мақсади раҳбарлар ва педагог ходимлар шахсига ва уларнинг фаолиятига қўйилаётган ижтимоий-иктисодий талаблар билан замонавий ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларда улар олдида турган, таълимни модернизация қилиш, янгилаш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мақсад ва муаммоларни, шунингдек, раҳбарлар ва педагог ходимларнинг ўз касби ва лавозими йўналишидаги педагогик ва бошқарув функцияларини бажаришга тайёргарлигини етарли даражада эмаслигини инобатга олган ҳолда замонавий ижтимоий талаблар ва муаммолар ўртасида мувофиқликни таъминлашда иборат бўлиши зарур.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида раҳбарлар ва педагог ходимларда касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришга эришиш учун мазкур жараёнда қуидагиларга алоҳида зътибор қаратиш зарур:

1. Таълим муассасалари фаолиятига қўйилаётган янги ижтимоий талабларни ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини қайта англаш ва баҳолаш.

Бунда раҳбарлар ва педагог ходимлар ўз фаолиятини таҳлил қиласи ва баҳолайди, мақсад ва воситалар, мақсад ва натижалар ўртасидаги зиддиятларни, тушунмовчиликларни ҳамда ўзини-ўзи ривожлантириш йўналишларини аниқлайди ва унинг зарурятини англайди. Бунда фаолиятнинг одатий

стереотипларини йўқотиш, янги тушунчалар асосида ўзи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, аввалги эски услублар ёрдамида ўз фаолиятини амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етиш назарда тутилади. Улар ўз фаолиятига нисбатан рефлексив муносабатда бўлишга ўтади ва аввалги фаолиятини тақиёдий таҳлил қилиш асосида касбий-шахсий ривожланиш жараёнининг фаоллашиби вужудга келади.

2. Касбий фаолият йўналишидаги тушунчаларни ва янгиликни аংглашга нисбатан интилишнинг ўзгариши.

Бунда раҳбарлар ва педагог ходимларнинг билими, кўникма ва малакаларининг янгиланиши, маънавий ва маданий салоҳиятининг ривожланиши ҳамда ахборотлар алмашинуви амалга ошади, уларда касбий фаолият йўналишидаги тушунчаларнинг ўзгариши, шахсий ўзгаришлар вужудга келади. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тажрибалар бойиди, касбий тажрибалар тўпланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёни самарадорлиги, мазкур жараённинг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи куйидаги қатор омиллар орқали ифодаланади:

- касбий фаолиятнинг юқори чўккисига эришишга ундовчи, иродавий хатти-харакатларни ифодаловчи омиллар;

- натижага эришиш учун йўналтирилган мавжуд тизим ва хатти-харакатлар изчиллиги билан боғлиқ бўлгая объектив омиллар;

- касбий фаолиятда муваффакиятга эришиш чораларининг субъектив асослари билан боғлиқ бўлган омиллар;

- шахсий ривожланиш эктиёжларини вужудга келтирувчи ижтимоий (ташки), биопсихологик (ички) ва педагогик (ташкил этувчи ва йўналтирувчи) омиллар.

Мазкур омиллар узлуксиз малака ошириш жараёнида раҳбарлар ва педагог ходимларнинг шахсий аҳамиятга эга бўлган ўзаро таъсир кўрсатишга тайёргарлигини таъминлади, рефлексия йўналишидаги қобилиятларининг ривожланишига ёрдам кўрсатади. Мазкур омилларни таъсир кўрсатиш даражаси таълим муассасасидаги тарбиявий муносабатлар, таълимий мухит ва уларнинг ривожлавиши даражаси орқали ифодаланади.

Узлуксиз малака ошириш жараёнига бевосита таъсир кўрсатувчи ва ташки созловчи восита ҳисобланувчи ижтимоий, яъни ташки омиллар мазкур жараён субъектларининг ўзаро таъсири амалга ошувчи мухит ҳисобланади. Бундай таълим-тарбиявий мухитда, рефлексив жараёнлар давомида ва ўзаро таъсир кўрсатувчи иштирокчиларнинг сұхбати асосида шахснинг ўзини-ўзи ривожлантириш, шахсий ривожланиш жараёнлари вужудга келади, шунингдек, касбий фаолиятнинг аҳамиятини ҳар бир шахснинг мухим аҳамият касб этувчи мўлжалини аংглаш ва

қайта ташкил этиш амалга ошади. Мазкур омил ота-оналар, социум ва жамиятнинг замонавий талаблари таъсири остида бўлади.

Шунингдек, унга таълимни ривожлантириш ва модернизация қилиш шарт-шароитларида раҳбар ва педагог шахсига ва уларнинг фаолиятига кўйилаётган янги талаблар, таълим муассасаси фаолияти ва замонавий мақсадлар йўналишидаги меъёрий хужжатлар ўз таъсирини кўрсатади. Мазкур таълим-тарбиявий мухитда вужудга келувчи саволларга жавоб излашга ижодий ёндашувлар рағбатлантирилади, мустакил равишда ўзини-ўзи ривожлантириш йўналишида қобилияtlар, таълим олишга нисбатан шахсий қизикишлар шаклланади. Бундай ҳолларда таълим-тарбиявий мухитда бўлган шахс танловни амалга оширади, индивидуал маданиятини ривожлантиради ва мазкур мухитнинг маданий анъаналарини такомиллаштиради.

Педагогик жараён ҳисобланган узлуксий малака ошириш жараёнида ҳамкорликдаги ижодий фаолият қулай психологик мухитни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда вужудга келувчи саволларга ҳамкорликда жавоб излаш, ўзаро таъсир услубларини такомиллаштириш вужудга келади. Унда педагогик жараёnlарни ташкил этиш ва бошқариш жараёнини лойиҳалаштириш, тадқиқотчилик ва сұхбат услублари мақсадга мувофиқ услублар ҳисобланади. Бундай шароитларда аввалги тажрибалар такомиллашади, иштирокчилар ўз фаолиятини қайта англаши учун қулай шароит вужудга келади, уни кузатиш ёрдамида янги муносабатлар йўналиши белгиланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнининг самараадорлигини таъминлашда куйидагиларни инобатга олиш зарур:

- мазкур жараён тадқиқий ва таҳлилий йўналишга эга бўлиши; замонавий педагогик ва ахборотлар технологияларидан фойдаланиш;

- ижодий ҳамкорликни таъминловчи рефлексив таълимиy мухитни вужудга келтириш;

- субъект-субъект муносабатларини ривожлантириш; шахсий имкониятларни такомиллаштириш учун зарурий психологик мухитни вужудга келтириш; ахборотларнинг янгилиги ва ишончлилигини таъминлаш.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнини янги амалиёт сифатида, яъни таълим муассасаси раҳбарлари ва педагог ходимларнинг шахсий йўналтирилган фаолиятини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ўзаро таъсир тизими, таълимнинг янги мазмунни, рефлексив таълимиy мухитни ташкил этишнинг янги воситалари сифатида кўриб чикиш зарур.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва педагог ходимлар таълимтарбия жараёни иштирокчиларининг ҳамкорлигини таъминловчи, уларни психологик ва физиологик жиҳатдан ривожлантириш, маънавий бойитиш ҳамда интеллектуал кобилиятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятни ташкил этишга асосий эътиборни қаратишлари зарур.

Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, касбий тайёргарликнинг қуйидаги асосий компонентларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- педагогик мулоҳазалари ифодаловчи рефлексив кўникмалар;

- педагогик жараёнларда субъектларнинг бўлажак хатти-харакатларини ва ўзаро муносабатларини ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнига тайёргарлигини хис этишини ифодаловчи олдиндан кўриш кўникмалари;

- педагогик жараёнларда вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларда субъектлар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаси;

- педагогик жараёнларда вужудга келган турли вазиятларнинг қулай таълимий мухитта салбий таъсир кўрсатишига қарши тура олиш кўникмаси педагогик жараёнларда қулай таълимий мухитни ва субъектларнинг рефлексив фаолиятини ташкил этиш кўникмаси;

- коммуникатив компетентлилик хисобланган, вазиятларга кўра субъектлар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишига ва уларнинг индивидуал психологик хусусиятларига мос ҳолда таъсир кўрсатиш кўникмаси;

- мулоқотга киришиш кўникмаси;

- субъектлар билан ахборот алмашиниш кўникмаси;

- ўзини-ўзи бошқариш ва шахсий ривожлантириш кўникмаси;

- ахборотлар тўплаш, уларни қайта ишлаш ва объектив баҳолаш кўникмаси ва ҳ.к.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида раҳбарлар ва педагог ходимларни нафақат касбий фаолиятга мотивлаштиришни ривожлантириш, балки уларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш учун ҳам шартшароитлар яратиш зарур. Мазкур жараёнда рефлексив таълимий мухитни ташкил этиш уларнинг шахсий камол топишига ижодий таъсир кўрсатувчи мухит сифатида хизмат қиласди.

Таълим муассасаси раҳбарлари ва педагог ходимларда ўзини-ўзи ривожлантириш жараёни ижтимоий вазиятларнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади, шунинг учун узлуксиз малака ошириш жараёнида уларда ўзаро таъсир, ўзаро муносабатлар ва ўзаро алоқаларининг қайта ташкил этилиши, шахсий ривожланиш ҳамда касбий фаолиятга психологик мослашув вужудга келади.

Шунинг учун узлуксиз малака ошириш жараёнида муракқаблиги жиҳатидан турлича бўлган педагогик ва бошқарув йўналишидаги вазифаларни бажариш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишидаги мавзулар бўйича маълумотлар беришда рефлексив таълимий мухитни шакллантириш ўзига хос аҳамият касб этади.

Рефлексив таълимий мухит жараёнида субъектлар ўз фаолияти самарадорлиги йўналишидаги эски тасаввурлари билан, белгиланган мақсадга эришишда самарали ҳисобланган янги методлар ўртасидаги зиддиятларни англаб етади, мазкур жараёнда ўзи томонидан танланган методларнинг аҳамиятини, уларни амалга ошириш воситалари ва усуслари билан ўз шахсий тушунчалари ўртасидаги боғликларни таҳлил қилиш натижасида рефлексив малакалар шаклланади, натижада ўз фаолияти самарадолигини, маънавий ва маданий тушунчалари, касбий қобилияти, билим, кўникма ва малакалари даражасини ўзи баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнида рефлексив таълимий мухитни шакллантириш ҳамкорликда фаолият кўрсатиш тажрибалари билан узвий боғлик бўлади, яъни бу педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳамкорлар ўртасида вужудга келадиган ўзаро таъсирни ифодалайди.

Ўзаро таъсир натижасида субъект томонидан ўз шахсий хусусиятлари таҳлил қилинади, мазкур жараёнда касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий хусусиятлар, маънавий ва маданий тушунчалар қайта шаклланади ва ривожланади. Ўзаро таъсир натижасида субъектлар ўзининг рефлексив фаолиятини, олдинги хатти-харакатлари, тажрибасини ва таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Ўзаро таъсир жараёнида иштирок этаётган шахс нафақат ўзини ва шахсий хусусиятларини, балки аниқ ҳолатни, вазиятни ҳам ўзгаришига таъсир кўрсатади, бунда ўзаро таъсир кўрсатувчи субъектларнинг ривожланиши амалга ошади, шунингдек, ўзаро таъсир жараёни ҳам ривожланади.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишда ўзаро таъсир жараёниниң аҳамиятини, яъни касбий аҳамиятга эга бўлган шахсий хусусиятларнинг ривожланишида мухим аҳамият касб этувчи қўйидаги натижаларга эришиш мумкинлигини инобатга олиш зарур:

- касбий компетентлилик даражасини ортиши; субъектнинг фаолиги ва ташаббускорлигининг ривожланиши;
- шахснинг психологияк хусусиятларнинг ўзгариши; маънавий ва маданий тушунчаларнинг ривожланиши;
- ўзини-ўзи англаш ва ўзини-ўзи баҳолаш кўникмаларининг ривожланиши; ҳамкорликдаги фаолиятни вужудга келиши ва

унда ахборотлар алмашынуви натижасида касбий фаолиятта психологик мослашувни вужудга келиши.

Рахбарлар ва педагог ходимларнинг касбий фаоллигини ошириш, рефлексив кўниммалар шакллантириш, маънавий ва маданий тушунчаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзаро таъсирни вужудга келтирувчи шахслараро алоқаларни амалга оширишда илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этувчи узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш зарур.

Узлуксиз малака ошириш жараёнини ташкил этишга рефлексив ёндашувда ўзаро таъсирни ҳамда рефлексив фаолиятни ташкил этиш субъектларнинг мазкур жараёнга қизиқишини ривожлантиради, чунки бунда субъект-субъект муносабатлари шаклланади ва ўзаро таъсир жараёни иштирокчиларининг шахсий ривожланиши амалга ошади.

#### **4.2. Умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимлари инновацион фаолиятини ташкил этишда раҳбарларнинг вазифалари**

Бугунги кунда таълим муассасаси профессор-ўқитувчиси узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, вазиятга кўра ўз касбига бўлган муносабатларини ўзгартириши, шунингдек, бошқаларда ҳам инноватик ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур.

Профессор-ўқитувчилар бундай фаолиятта алоҳида тайёргарлик кўриши керак бўлиб, бу ўз навбатида таълим муассасаси раҳбарларининг асосий функцияларидан бири бўлган таълимни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегик режаларини тузишда асосий эътиборни профессор-ўқитувчиларнинг у ёки бу асосда ижодий фаолият юритишлари учун тушунишиш ишларига қаратиши лозим.

Бу ўз навбатида профессор-ўқитувчиларнинг касбий қизиқишилари кўламини кенгайтиришга, яъни уларнинг адабиётлар ўқиб ўрганишдан то назарий психологик-педагогик ва фундаментал тадқиқотлар олиб боришига ҳам имкониятлар яратади. Яхши илмий-педагогик тайёргарлик инновацион фаолиятнинг самарадорлигини таъминлади. Инновацион жараёнларда фаол иштирок этувчи профессор-ўқитувчилар мунтазам равишда ўзини-ўзи ривожлантириши ва таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришининг катализаторига айланади, яъни мазкур жараёнларнинг тезлашишида муҳим аҳамият касб этади.

Бундай педагоглар билан ишлаш, яъни жамоани ўзига эргаштира оладиган ходимларни бошқариш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун таълим муассасаси раҳбарлари янгилик яратиш ва уларни татбиқ этиш, ихтирочилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш,

уларнинг тажрибасини тарғиб қилиш, оммалаштириш, инновацион фаолиятларининг натижаларини баҳолаш бўйича, айниқса, таълим муассасаси ва педагогик жамоа даражасида зарурый билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши зарур бўлиб, бу уларнинг интегратив маҳоратларини белгилайди.

Интегратив маҳорат - бу умумлаштирилган маҳорат бўлиб, таълим муассасаси раҳбарлари бошқарув фаолиятида ижобий натижаларга эришиш, педагогик жараёнларни ривожлантиришга йўналтирилган таълим муассасаси ички бошқарувининг мақсадини тизимли режалаштириш ва амалга оширишида зарур ҳисобланади.

Мазкур кўникмага эга бўлмасдан мақсадга эришишнинг йўллари, воситалари ва эришиш муддатини аниқ белгилаш мушкул. Педагогика фанининг ва олдинги тажрибаларнинг интегратив асосдаги хulosалари ва тавсиялари янги ғояларнинг маибаси ҳисобланади, улар ўз навбатида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Умумий ҳолда, таълим муассасасида инновацион фаолиятни ташкил этишга объектив ва субъектив омиллар сабаб бўлади. Объектив омилларга давлатнинг янги таълим сиёсати, таълим соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, таълим таълим муассасасининг инновацион фаолият йўналишидаги тажрибаларни келтиришимиз мумкин.

Субъектив омилларга ижтимоий-худудий эҳтиёж, таълим муассасаси таълим-тарбиявий фаолиятининг ривожланиш жараёни, педагогларнинг билим, кўникма ва малакалари, илмий салоҳиятининг ривожланиши, таълим муассасаси салоҳиятининг ўсиши, бошқарув хусусиятларининг ўзгариши мисол бўлади.

Таълимга янгича ёндашувларни жорий этиш, биринчи вавбатда, таълим мазмунини янгилаш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитишининг замонавий методларини татбик этиш, таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва уни бошқариши замонавий ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларнинг талабларига мос ўзгартириш, педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илмий педагогик асосларини яратиш ва такомиллаштириш ҳамда инновацион таълим муассасаларининг барча турларига хос инновацион фаолиятниң структуравий компонентларига асосланишга боғлик.

Таълим муассасасининг инновацион фаолияти жараёнини ташкил этишининг педагогик шартлари сифатида қўйидагилар белгиланади: инновацион фаолиятниң ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи назарий-педагогик қоидалар мажмунини ишлаб чиқиш; назарий-педагогик қоидалар мажмуй инновацион фаолиятниң асослари билан белгиланиши; инновацион

фаолиятнинг мақсади, вазифаси, мазмуни ҳамда уни ташкил этиш тамойилларини ўз ичига олиши.

Таълим муассасасини инновацион фаолиятта жалб этувчи омиллар инновациоя фаолиятни мотивлаштиришга сабаб бўлади. Инновацион фаолиятни ташкил этиш ишлари асосий мақсадга эришишга йўналтирилган бўлади ва шу муносабат билан таълим муассасасида асосий ўзгаришлар вужудга келади. Мазкур мақсадларга эришишда қатор вазифаларни бажариш зарур:

- жамиятнинг ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларига мос, билимли ва қобилиятли битирувчилар моделини амалга оширишга асосланиш (таълим мазмунини янгилаш);

- ўкувчи-талабаларни касбга йўналтириш жараённига инновацион ёндашувларни жорий этиш (таълим дастурларини янгилаш), бунда инновацион ёндашувлар қўйидагиларни назарда тутади:

биринчидан, ўкув дарслекларининг мазмунини турли мағкуралардан тозалаш, ракобатни вужудга келтирувчи фикрлар билан тўлдириш;

иккинчидан, давлат таълим стандартларига мос равища, ҳаракатдаги дастурларга янги ривожлантирувчи айrim ўзгартиришларни киритиш;

учинчидан, ўкув режасининг факультатив ва таълим муассасаси ихтиёридаги соатлар блокларига янги фанларни киритиш.

- янгиланган технологик ва дастурний-методик маҳсулотларни яратиш назарий ишлаб чиқилган узлуксиз таълим ғояларини амалга оширишнинг долзарб эҳтиёжларини ифодалайди. Мазкур ғоя таълим ва тарбиянинг замонавий технологияларини излап муаммоларни вужудга келтиради ва булар субъект-субъект, ўкувчи-талаба ва профессор-ўқитувчи муносабатларига асосланади, бу муносабатлар шахснинг қизиқишилари, қобилиятлари ва сифатларини англашга йўналтирилган умумий ривожланиш шартларини белгиловчи асослар ҳисобланади;

- кўпроқ самарали ҳисобланган ўқитиш воситаларини танлаш.

Таълим муассасасининг илмий-тадқиқот салоҳиятини шакллантириш. Муассаса шароитида инновацион фаолиятни ташкил этишининг мухим асослари таълим муассасасининг илмий-тадқиқот салоҳиятини шакллантириш ҳисобланади ҳамда у профессор-ўқитувчи ва ўкувчи-талабаларнинг ҳамкорлиги асосида ривожланади.

Инновацион фаолиятни ташкил этишини таъминлашнинг асосий шартлари алоҳида бошқарув жиҳатлари, яъни мазкур фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган, янгилаянган бошқарув структурасини шакллантириш ҳисобланади.

Инновацион фаолиятни илмий асосда ташкил этиш муносабати билан таълим жараённига инновацияларни киритиша барқарорлик вужудга келади. Бунда энг мухими, педагогик

жамоанинг инновацион фаолиятга тайёргарлиги ва эҳтиёжларини инобатта олиб янгиликларни таълаш ҳисобланади.

Таълим тизимиning ривожланишини тизимли бошқариш таълим муассасаларининг меъерий функцияларини бажариш билан, алоҳида инновацион лойиҳаларни бирлаштирувчи, ягона мақсадга қаратилган дастурлар доирасида педагогик жамоа аъзоларини бирлаштиришга йўналтирилади.

Шунингдек, таълим муассасаси ривожланишини бошқаришнинг янгиланган структурасини амалиётта татбиқ этиш жараёни куйидагиларни назарда тутади:

1. Субъект - раҳбар, раҳбар ўринбосарлари, профессор-үқитувчилар ва ўқувчи-талабаларнинг ўзини-ўзи бошқариш ташкилотлари фаолиятини татбиқ этиш. Мазкур жараённинг самарадорлигини таъминловчи субъектларнинг хусусиятларини ишлаб чиқиши назарда тутади (бошқарув сифатлари, шахснинг йўналтирилганлиги, инновацион фаолиятга қизикиш, фаолиятга тайёргарлик ва ҳ. к.).

2. Татбиқ этиш жараённинг элементлари инновацион моделнинг мустаҳкам харакатланишини қўллаб-қувватловчи чоралар мажмуи сифатида шакл, метод ва воситаларни ўз ичига олади.

Татбиқ этишнинг асосий шакли педагогик тажриба-синов ишлари ҳисобланади ва бунда таҳлил қилиш, натижаларни баҳолаш, бошқарув субъекти фаолиятининг мазмунини такомиллаштириш, бошқарув алоқаларини, муносабатларини, хукуқ ва масъулиятларини белгилаш ишлари амалга оширилади.

Мазкур жараёнда функциялар тақсимотини таҳлил қилишда бошқарув тизимидағи ахборотлар оқими, ҳужжатлар айланishi, иш режими, муассаса ҳолати ва таснифий хусусиятлари, лавозимлар бўйича кўрсатмалар ўрганилади, шунингдек, бошқарув тизимида муассаса фаолиятини, инновацион жараёнларни амалга оширувчи шахсларнинг функцияларини ва инновацияларни зарур ахборотлар билан таъминловчи ҳужжатлар, низом, тезкор мувофиқлаштириш режалари ва бошка меъёрий ҳужжатлар аникланади.

Мазкур йўналишда инновацияларни татбиқ этиш методлари ва воситаларига:

- педагогларнинг таълим-тарбиявий фаолиятини педагогик таҳлил қилишини "қўллаб-қувватловчи", умумий мақсадга эришишда инновацияларнинг аҳамиятига ишонтириш каби ишбilarмоя ўйинлари орқали инновацион фаолиятнинг усул ва шаклларини ёритиш;

- илгор тажрибаларга эга бўлган малакали ходимлар фаолиятини кузатиш;

- педагогларнинг ўзаро бир-бирини кузатиш;

- устоз-шогирд фаолияти;

- ўқитиши амалиёти бўйича қисқача маълумотлар;

- инновацион фаолиятни моделлаштириш йўналишидаги семинарлар, маслаҳатлар;

- инновацион фаолият (инновацион жараёнларни бошқариш) стратегияларини шакллантиришга кўпроқ тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб этиш мисол бўлади.

3. Самарали татбиқ этиш шароитларининг мажмуси. Бу - ташкилий-педагогик ва психологияк-педагогик шарт-шароитлар бўлиб, бошқарув структурасининг қулайлиги, бошқарувнинг демократик хусусиятлари, жамоада ижодий муҳитни яратиш, унив. мустаҳкамлигини кучайтириш, бошқарув субъектларининг ўз фаолиятларидан қоникишларини оширишни ўз ичига олади.

Бошқарувнинг инновацион моделларини татбиқ этиш самарадорлигининг аҳамиятли кўрсаткичлари педагогларнинг ўкув-методик қўлланма ва кўрсатмалар тайёрлаш, турли хил тадқиқот ишларини бажаришдаги фаоллигидни ифодалайди.

Педагогларнинг педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятларини фаоллаштириш уларнинг касбий маҳоратига боғлиқ бўлади. Шундай экан, таълим мазмунига янгиликларни киритиш тизими, таълим жараёнини ташкил этиш ва уни бошқаришда илғор педагогик технологиялар ва методларни қўллаш, педагогик ходимларнинг илмий-педагогик асосларда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш билан тавсифланади.

Таълим муассасалари педагог ходимларининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда таълим муассасаси раҳбарларини инновацион фаолиятга ундовчи ва мазкур йўналишдаги иродавий хатти-харакатларини таъминловчи асослар тўртта асосий гурухга ажратилади:

- биринчидан, бу янгилик киритиш натижасида вужудга келадиган, ҳурмат-эътибор, ҳокимият, ваколат ва мавқе билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган шахсий қизиқишлар;

- иккинчидан, ташкилий тизимнинг самарали ривожланишига мос равишда ўзини-ўзи касбий ривожлантиришга интилиш;

- учинчидан, жамоанинг таълимий муҳитда инновацион жараёнларнинг аҳамиятини англаши;

- тўртинчидан, тезкор бошқарувнинг мазмун ва моҳиятини тушуниш ва мантиқан заруриятини қабул килиш.

Бу жараёнда куйидаги қатор вазифалар таълим жараёнини такомиллаштириш, янгиликлар киритишни амалга оширишда таълим муассасаси раҳбарларининг асосий вазифалари ва уларнинг бошқарув фаолиятининг ҳамда педагогик инновациялар самарадорлигининг асосий шартлари ҳисобланади:

- таълим муассасаси учун янгилик киритишнинг долзарблиги муаммоларни узил-кесил ҳал қилиш ва стратегик ривожланишини таъминлашнинг асосий омиллари сифатида белгиланиши;

- таълим ган инновацион воситаларнинг мазкур таълим муассасасининг имкониятларига мос келиши;
- инновацияларнинг тўла илмий асосланганлиги;
- инновацион жараёнларнинг аҳамиятлилиги ва тизимлилиги;
- янгилик яратувчи ва ундан фойдаланувчиларнинг шахсий-профессионал хусусиятларини ҳисобга олиш ва инновацияларнинг аҳамиятини англаш, ҳар бир субъектнинг юқори даражадаги масъулияти ҳамда жавобгарлигини ифодалashi;
- инновацион жараёнларда педагогик ва бошқарув фаолияти йўналишидаги таваккалчиликнинг минимал даражада бўлиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш, таваккалчиликнинг даражасини тушуниш ва уларнинг асосланганлигининг зарурияти;
- бошқарув функциялари ва бошқарув механизмларида, таълим жараёнининг мазмунидা, педагогик технологияларда, таълим муассасасининг дастури ва концепциясида ўзгартиришлар ҳамда ривожланиш тамойилларининг ўз ифодасини топиши;
- раҳбарларнинг бошқарув фаолияти методологиясининг инновацион жараёнларни бошқариш шартлари ва тамойилларига мос келиши.

Хозирги кунда амалга оширилаётган замонавий ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар бевосита таълим тизимиға ўз таъсирини кўрсатади. Таълимни янгилаш уни демократлаштиришни, ижтимоийлашувни ва инсонпарварлашувини, бошқарувда маъмурий бўйруқбозлик тизимидаи воз кечишни, интегратив жараёнларни кучайтириш, таълимнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини такомиллаштиришни назарда тутади. Бу жараёнлар ижтимоий-маданий вазиятларнинг объектив ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда мазкур тизимнинг инновацион фаолиятларга бўлган эҳтиёжини белгилайди.

#### **4.3. Умумий ўрта таълим муассасалари педагог ҳодимлари касбий фаоллигини оширишда раҳбарларнинг вазифалари**

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда, педагогларнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. И.А.Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон - келажаги буюк давлат" асаларида умуминсоний қадриятларни тиклаш ҳақидаги мулоҳазаларида таълим-тарбия масалаларини фаолликка асосланган принципларга ўткизиш, ўсиб келаётган ёш авлодни янгиликларни тез қабул қилишга ундаш, истиқлол яратган кенг

имкониятлардан фойдаланиб, фаолиятизмнинг ҳамма соҳаларида юксак натижаларга эришиш ҳақида гап боради.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан кўрсатилаётгай зътибор ва ғамхўрлик барча ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши, тинмай изланиш олиб бориши ҳамда ўкув жараёнини замон талаблари даражасида, илмий асосда ташкил этишлари учун зарурӣ шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда ҳалқ таълими соҳасига ёш мутахассислар келиб қўшилишига имконият яратмоқда, бу эса ўз навбатида мактаб раҳбарлари олдига янада янги вазифалар кўяди.

Маълумки, инсон ҳар доим ўсишда ва ривожланишдадир. Шундай экан инсон камолотига таъсир этувчи омилларнинг илмий-назарий моҳиятини барча педагогик жамоа раҳбарлари тўғри тушунишлари лозим. Ҳар бир педагог ўз педагогик фаолиятини турли хил шароитларда ва жамоа ташкилотчилари бўлган инсонлар таъсирида амалга оширади.

Педагогнинг фаолиятига таълим муассасидаги бугунги шароит ва жамият учун фойдали ва зарур мақсадларни амалга оширишда шахс ривожига ва шаклланишига кучли таъсир қиласидиган одамлар гурухи бўлган педагогик жамоадаги руҳий муҳит ўз хукмини ўтказади. Жамоа жамиятнинг бир бўлаги сифатида унинг барча хусусиятларини қамраб олади. Фоявий, сиёсий, иктисодий, ахлоқий-маънавий ва бошқа жабхалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда ихтиёрий педагогик жамоани маълум бир сайлаб қўйилган ёки тайинланган раҳбар бошқаради. Раҳбарлик - одамларга мақсадли таъсир ўтказишга қаратилган, уларнинг ҳулқини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган бошқарувнинг таркибий кисмидир. Шундай қилиб, “бошқарув” тушунчаси, “раҳбарлик” тушунчасига қараганда анча кенг тушунчадир.

Раҳбар бошқарув фаолиятида қатор функцияларни бажаради: педагогик жамоанинг илмий-педагогик фаолияти мақсадларини аниқлайди ва шакллантиради, шу фаолиятни режалаштиради, рағбатлантириш воситаларини ва усулларини белгилайди, уни назорат қилишини амалга оширади ва ҳоказо.

Шунинг учун ҳам раҳбар ёш педагогнинг ўзи танлаган касбга меҳр қўйишига, ўқитувчилик касбининг сирларини мукаммал ўрганишига ва унда ўз келажагига нисбатан ишонч туйғулари ривожланишига кўп қиррали таъсир қиласи, дейишимиз мумкин.

Ўз навбатида раҳбар жамоада ўз ўрнига эга бўлиб, у билими, муомаласи, илмий дунёкараши, педагогик ходимлар билан ўзаро муносабатлар, мақсадга интилиш, ижтимоий ҳулқ ва бошқаларда наъмуна бўлиши зарур, бундан жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзига хос таъсиранади. Раҳбар бошқарув фаолиятида ўзаро таъсирининг икки йўналишини, педагогнинг жамоага ва жамоанинг педагогга

таъсирини ва бу ўзаро таъсир ижобий ёки салбий бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур.

Педагогнинг жамоага таъсири унинг обрўси, билими, дунёкараши, ўзи танлаган касбга қизиқиши ва қобиляти, ўз фанининг пухта билиши, ўқувчилар билан муносабати, ўз устида ишлами, ташкилотчилик қобиляти, пешқадамлик қилиши ва ташаббускорлиги сингари кўринишларда намоён бўлади. Унинг обрўси деганда жамоа ўқитувчини мутахассис сифатида таянишини, субъектив сифатларини жамоа фаолиятининг объектив талабларига мос келиши тушунилади. Бунда мутахассиснинг билими, кўникма ва малакаси, тажрибаси, касб маҳорати, уддабуролиги, тадбиркорлиги ва ижодкорлиги унинг бошқалардан кўра кўпроқ кўзга ташланishiга ва обрў орттиришига сабаб бўлади.

Обрўга эга бўлган мутахассис шахслараро муносабатларда юқори мавкега эга бўлади, жамоада унинг фикр-мулоҳазаларига қулок соладилар, уйдан маслаҳат сўрайдилар, унинг нуқтаи назари билан ҳисоблашадилар. Аммо обрў орттиришда шахсий сифатларнинг ўзигина етарли бўлмай, у ёки бу мутахассис ҳакидаги жамоатчилик фикри ҳам сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам мутахассиснинг жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмай иложи йўқ, бу эса жамоанинг педагогга бўлган таъсиридир. Яъни жамоа педагогнинг айрим саъи харакатларини рад этиши, қабул қиласлиги мумкин, аксинча бундан сакланишига интилиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек жамоа билан мутахассиснинг ўзаро таъсири икки хил, яъни ижобий ва салбий бўлиши мумкин, бунда раҳбарнинг роли яққол намоён бўлади.

Ижобий таъсирни вужудга келтиришда раҳбар педагогик жамоа ва таълим муассасанинг манфатлари бир-бирига мос келишини истаган ҳолда, кўл остидаги ходимларнинг муваффакият ҳамда кайфиятлари билан қизиқиш, табассум билан муомала қилиш, ходимларни исмиви ҳурмат билан айтиб мурожаат қилиш (ҳар кимга ўз номини бошлиқ оғиздан эшитиш ёқимли бўлишини эсда тутиши), мутахассисларга нисбатан диққат-эътиборли бўлиш, сұхбатдошини ўзи ҳакида галиришга руҳлантириш, ошкора ахборот алмашишдан чўчимаслик, ходимга унинг иш учун керакли эканлигини сездириш, ҳар бир ходимнинг камчиликларини қайд қилганда, албатта, унинг муваффакиятларини ҳам эътироф этиш каби раҳбарликни энг мақбул услубларини ўз фаолиятига татбиқ этиши зарур.

Жамоада турли дунёкараш ва маданиятта эга, феъл-атвори, аклу заковати ҳар хил, ишга лаёқати алоҳида намоён бўладиган кишилар меҳнат киласли. Бу ҳол уларнинг меҳнати ва иш вазифасига бўлган муносабатида ҳам ифодаланади.

Таълим муассасига янги келган ёш педагоглар жамоадаги мутахассисларнинг фаолиятини, уларнинг ўз вазифасига бўлган

муносабатини ва у ердаги шароитни тўла ўрганишгунга қадар турлича тасаввурга эга бўладилар. "Куш инида кўрганини қиласи" деганларидек, ёш мутахассис жамоадаги шароитни, ўша ерда мутахассисга кўйилаётган талабларни бажариш учун қай даражада билим, кўникма ва малакалар зарурлигини, кадрлар салоҳиятини ва уларнинг ўз ишларига бўлган муносабатларини, раҳбарларнинг мавқеи ҳамда кўл остидагилар билан муносабатларини ўрганиб, тахлил қилиб, ҳулоса чиқарган ҳолда ўз устида ишлаши, изланиши, илфор тажрибага эга бўлган ўқитувчиларга эргашиб фаол фаолият олиб бориши ёки аксинча лоқайд бўлиб қолиши мумкин.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, кўпгина ёш педагоглар анча вактгача таълим муассасаси шароитига психологоик жихатдан мослашишга қийналмоқдалар, айрим мослаша олмаганлари қобилиятли бўлишларига қарамай педагогик фаолият билан шуғулланишдан воз кечиб, бошқа турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқдалар. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин.

Айрим таълим муассасаларида жамоанинг ёш педагоглар билан ўзаро таъсири салбий характерга эга бўлиб, раҳбар ва унинг кўл остидаги ходимлар ёш педагогга нисбатан тўғри муносабатда бўлмаслигида намоён бўлади. Ёш мутахассиснинг изланиши, билими, ўз фанига бўлган қизиқиши туфайли жамоа ва ўқувчилар ўргасида тез обрў топаётганидан хурсанд бўлиш ва уни рағбатлантириш ўрнига унинг ёшлигини рўйича қилиб, турли хил арзимас сабабларни баҳона қилиб йиғилишларда уялтириш, обрўсини тушириш учун қилинган характеристлар таълим муассасасидан зерикib кетиб қолишларга сабаб бўлади.

